

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма хуқуқида

УДК_____

РАЖАБОВ БЕКЗОД ХАЛИМОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СОДДАЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА**

**12.00.09 – Жиноят процесси; криминалистика,
тезкор-қидириув хуқуқи ва суд экспертизаси**

**Магистрик илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

Илмий раҳбар: ю.ф.д. (DSc) И.Р.Астанов

Тошкент – 2020

Диссертациясининг қисқача аннотацияси

Магистрлик тадқиқот ишида жиноят процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчаси ва соддалаштирилган тартибнинг аниқ мезонлари бўйича айрим хуқуқшунослар фикрлари, айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига соддалаштирилган тартибга доир нормаларнинг киёсий-хуқуқий, илмий-назарий таҳлиллари ёритилган.

Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал кодексининг айрим суриштирув ва даслабки тергов жараёнини тартибга солувчи нормаларни таҳлил қилинган ҳолда уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш борасида “Жиноят процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг янги лойиҳаси тайёрлашни назарда тутади.

Тадқиқот натижасига кўра, миллий қонунчилигимизга ижобий тажрибани кенг жорий этиш, жиноят процессида соддалаштирилган тартиб таомилларини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Краткая аннотация диссертации

В магистерской исследовательской работе изложены взгляды некоторых юристов на концепцию упрощенной процедуры в уголовно-процессуальных отношениях и конкретные критерии упрощенной процедуры, сравнение норм упрощенной процедуры в уголовно-процессуальном законодательстве некоторых зарубежных стран, научно-теоретический анализ охватывает.

Кроме того, планируется подготовить новый проект закона «О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс» о реализации определенных правил дознания и предварительного расследования Уголовно - процессуального кодекса некоторых зарубежных стран и их реализации в нашем национальном законодательстве.

По результатам исследования разработаны предложения и рекомендации по широкому внедрению положительного опыта в наше

национальное законодательство, разработаны упрощенные процедуры в уголовном судопроизводстве.

Brief abstract of the dissertation

The master's research paper outlines the views of some lawyers on the concept of a simplified procedure in criminal procedure relations and specific criteria for a simplified procedure, a comparison of the rules of a simplified procedure in the criminal procedure legislation of some foreign countries, and the theoretical analysis covers.

In addition, it is planned to prepare a new draft law. "On Amendments and Addenda to the Code of Criminal Procedure" on the implementation of certain rules of inquiry and preliminary investigation of the Code of Criminal Procedure of some foreign countries and their implementation in our national legislation.

Based on the results of the study, proposals and recommendations were developed for the widespread introduction of positive experience in our national legislation, and simplified procedures in criminal proceedings were developed.

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СОДДАЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ: МИЛЛИЙ ВА
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.**

КИРИШ..... 5-11

**I-БОБ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ИШ ЮРИТУВНИ
СОДДАЛАШТИРИШ: МОҲИЯТ ВА НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАР**

- 1.1. Жиноят ишлари бўйича иш юритувини соддалаштириш: тушунчаси, мазмунни ва аҳамияти.....12-16**
1.2. Жиноят ишлари бўйича иш юритувига оид нормаларда соддалаштириш жараёнларининг тадрижий ривожланиш босқичлари.....17-28

**II-БОБ СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВНИ СОДДАЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МДҲ ВА АЙРИМ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛИ.**

- 2.1. Терговга қадар текширув босқичида соддалаштиришни такомиллаштириш истиқболлари.....29-36**
2.2. Суриштирув, дастлабки тергов босқичида соддалаштиришни янада такомиллаштириш миллий ва айрим хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил.....37-73

**III-БОБ. СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВНИ СОДДАЛАШТИРИШНИНГ
ЯНГИ ШАКЛЛАРИ.**

- 3.1. “Айбни тан олиш ҳақида келишув” мазмун-моҳияти ва уни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш муаммолари.....74-92**
3.2. Жиноят суд ишларини юритувини соддалаштиришда замонавий ахборот технологиялари қўлланилишининг долзарб масалалари.....93-109

ХУЛОСА.....110-112

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....113-117

ИЛОВАЛАР.....118-137

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.

Бугун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган демократик давлатлар тажрибасидан аёнки, жиноят иши юритувини соддалаштириш, дастлабки тергов, суд муҳокамаси жараёнини тезкорлик ва шаффофлик билан ўтказиш, энг аввало, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, жиноят ишини оқилона муддатларда кўриб чиқиш, жиноят иши юритувини янада соддалаштиришда энг замонавий технологияларни қўллаган ҳолда кўриб чиқиш механизмларини жорий этиш долзарб аҳамият қасб этмоқда.

Маълумотларга кўра, энг замонавий технологияларни қўллаш орқали тезкор – қидирув, дастлабки тергов ёки жиноят ишларини судларда кўриб чиқиш вақти 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Жиноят процесси босқичларида соддалаштирилган тартиб - таомилларни жадаллик билан кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз фуқароларининг том маънодаги хукуқ ва қонуний манфаатларини ишончли кафолатлаган бўламиз.

Жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида, соддалаштирилган тартибда иш юритиш инсон тақдирини тез фурсаларда ҳал қилиш, одамларни давлат органларидан айниқса, хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан норози бўлмаслиги, ҳар бир ишда вақтни тежаш, ортиқча сарф харажатларни олдини олиш, коррупциявий омилларни бартараф этиш бугунги кунда олдимизда турган энг катта вазифа ҳисобланади.

Дунёда жиноят иш юритувининг соддалашган тартибларини жорий этиш, жиноят ишларини юритишнинг оқилона муддатларини белгилаш, жиноят - судлов ишлари юритувига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга бўлган зарурат бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини талаб қилмоқда.

Жиноят ишлари юритувини соддалаштиришнинг процессуал асосларини белгилаш, жиноят содир этганликда айбланиб жиноят процессига

жалб қилинган шахснинг тақдирини тез фурсатда амалга ошириладиган ихчам, соддалашган ва айбни исбот қилиш нуқтаи назаридан самарали бўлган судлов юритувини шакллантириш, жиноят ишларини юритишнинг тезкорлиги ва оқилона муддатларда ҳал қилинишини таъминлаш, бу борада процессуал қонун хужжатларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд бўлган процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, жиноятларни тез ва сифатли тергов қилиш, барча айбдор шахсларни фош этиш ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш; судда ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш; электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш¹ бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу эса, жиноят ишлари юритувини соддалаштириш, жиноят процессига замонавий ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш орқали айрим процессуал қонунчиликдаги судга қадар иш юритувга оид ҳаракатларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ҳамда жиноят ишларини оқилона муддатларда кўриб чиқиш ва ҳал этишни ўзида акс эттирган халқаро - ҳуқуқий хужжатлар, ривожланган **мамлакатлар**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни тақозо этади.

Айниқса, судга қадар ва суд босқичида жиноят ишларини юритишнинг дифференциацияланган тизимини жорий этиш орқали жиноят ишлари юритуви муддатларини қисқартириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласи деб умид қиласиз.

Тадқиқот обьекти ва предмети.

Тадқиқотнинг обьекти бўлиб жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувни соддалаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят ишлари юритувини соддалаштириш самарадорлигини оширишга оид ҳукуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив - ҳукуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувни соддалаштиришга оид суд-тергов фаолиятини такомиллаштириш борасидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Жиноят ишларини юритиш соддалагининг мазмунни, умумтариҳий ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлатчилигининг ривожланиши билан боғлиқ турли даврлар асосида қиёсий-хуқуқий усулда таҳлил қилиш;
- Жиноят-процессида соддалаштирилган тартибининг назарий асосларини ҳамда жиноят процессуал муносабатларда соддалаштиришни тартибга солувчи назарий ғояларни ишлаб чиқиш;
- “Соддалаштириш” тушунчасининг мазмуни ҳамда уларнинг жиноят-судлов ишларини юритишда таъминлаш хусусиятларини аниқлаш;
- Жиноят-судлов иш юритуви муносабатларида замонавий ва янги соддалаштирилган процессуал шаклларни жорий қилиш бўйича миллий қонунчиликка таклифлар тайёрлаш;
- Жиноят - судлов муносабатларини соддалаштиришни тартибга солувчи айрим хориж мамлакатларининг қонунчилик тажрибасини таҳлил қилиш, улардаги соддалаштиришга доир ижобий процессуал қоидаларни мамлакатимиз қонунчилигига ҳамда суд-тергов амалиётида фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш;
- Жиноят-судлов ишларида соддалаштиришни янада самарали таъминловчи ҳуқуқий, методологик, ташкилий чораларни аниқлаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш.

Диссертациянинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳамда жиноятларнинг хусусиятидан (жиноят - ҳуқуқий, процессуал - ҳуқуқий) келиб чиқиб юритилаётган ишларни соддалаштирилган муддатларда якунлаш зарурлиги асослаб беришга ҳаракат қилинган;

жиноят процессини соддалаштиришнинг мухим муаммосини дастлабки тергов муддатларини оптималлаштириш тартибининг соддалаштирилган тарзда тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик ҳамда жиноят ишига жалб қилинган ҳуқуқни қўлловчи

субъектларнинг юксак ҳуқуқий онгларига таянувчи механизмларни ишга солиш зарурлиги таклиф этилган;

Диссертация мавзуси бўйича адабиётлар шархи.

Жиноят-процессуал муносабатларни соддалаштириш бўйича илмий тадқиқотлар мамлакатимизнинг юридик соҳага ихтисослаштирилган етакчи олийгоҳларида, хусусан, Тошкент Давлат Юридик Университети, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университети, Халқаро Вестминистр Университети, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳамда халқаро миқёсда Harvard University, Indiana University, University of Denver, University of Massachusetts Boston, University of Pittsburgh, University of Cincinnati, University of Maryland, New York University Law Center, National Institute of Justice, Center for Court Innovation, National Center for State Courts (АҚШ), University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice (Буюк Британия), Johann Wolfgang Goethe University (Германия), Australian Institute of Criminology (Австралия) ва The European Institute for Crime Prevention and Control (Финляндия) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишларини юритувини соддалаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш жараёнида электрон маълумот алмашиш тизимининг самарадорлиги асослантирилган (Harvard University, Indiana University, University of Massachusetts Boston, АҚШ); жиноят ишларини дифференциациялаш орқали оптималлаштириш зарурлиги исботланган (University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice, Буюк Британия); замонавий ахборот коммуникацион технологияларни кенг қўллаш орқали жиноят процессуал муносабатлар самарадорлиги асослантирилган (Johann Wolfgang Goethe University, Германия);

Жиноят ишини соддалаштиришнинг муҳим шакли сифатида “айбини тан олиш ҳақида келишув” институтининг таъсирчан механизми таклиф

қилинганд (Australian Institute of Criminology, Австралия); хусусий айблов институтининг қўлланилиши афзалликлари асослантирилган (The European Institute for Crime Prevention and Control, Финляндия).

Жаҳонда жиноят суд иш юритувини соддалаштириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

- Жиноят-процессуал муносабатларда шахс хуқуқларини таъминлашнинг самарадорлигини тезкор ва муқобил судлов юритуви тартибини жорий этиш орқали ошириш;
- Жиноят-судлов ишларини юритиши жараёнини жиноятларнинг жиноят-хуқуқий, процессуал-хуқуқий белгиларига кўра дифференциациялаш; мураккаб жиноят-процессуал шаклларни оптималлаштириш (такрорланувчи процессуал ҳаракатлар ва босқичларни уйғунлаштириш) орқали соддалаштириш;
- Жиноят-судлов ишларини юритишда суднинг тезкор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини кучайтириш;
- Жиноят ишлари юритувчи субъектларнинг ўз процессуал ваколатларини амалга оширишда маънавий ахлоқий меъёрларга амал қилишни кучайтириш;
- Жиноят ишлари юритишда ахборот технологиялари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш;
- Жиноят ишларини юритишининг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.

Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-хуқуқий, мантикий, кузатиш, аниқ социологик, илмий манбаларни тадқиқ этиш, индукция, дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти

Диссертация ишининг **илмий аҳамияти** шуки, муаллиф томонидан жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни соддалаштиришнинг тушунчаси, унинг структуравий хусусиятларини англаш борасида ишлаб чиқилган назарий хulosса ва қоидалар, шунингдек жиноят-судлов ишларини юритиш тартиби соддалаштирилишининг келгусидаги ривожланиш йўналишлари борасидаги асослар ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитишга ва янги илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади.

Диссидентантнинг жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасида соддалаштирилган тартиб тушунчаси, жиноят процессининг жиноят ишини қўзғатиши босқичидаги прокурорга тегишли ваколатларда кенгайтиришга доир қоидалари жиноят процессида соддалаштирилган процессуал тартибларнинг ривожланиши учун юқори даражада илмий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқоқтнинг **амалий аҳамияти эса**, мавзу юзасидан ўтказилган тадқиқот натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хulosалар ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодексини, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунларни, Олий суд Пленуми қарорларини ҳамда Баш прокурорнинг соҳавий буйруқларини ҳамда суд-тергов амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларини яратиши билан белгиланди.

Шу билан бирга, тадқиқотнинг натижалари жиноят процесси шаклини соддалаштириш ҳамда унинг айрим институтларини тартибга солишини оптималлашувига ҳизмат қиласди.

Тадқиқот иши тузилмасининг тавсифи. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

I-БОБ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИШ: МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

1.1 Жиноят ишлари бўйича иш юритувини соддалаштириш: тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти.

Суд тизимини такомиллаштириш ҳамда уни мунтазам ривожлантириб бориш – жамият олдида турган энг муҳим ижтимоий-хуқуқий вазифалардан биридир. Зоро, мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган туб ижтимоий ислоҳотлар мамлакатимизда демократик ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “буғунги кунда юртимизда хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнлари янги, юксак босқичга кўтарилимоқда. Бинобарин, суд тизими фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш, унинг натижадорлигини тубдан яхшилаш энг долзарб вазифага айланмоқда”².

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида, “Соддалашмоқ”, “оддий” тушунчаларига қуйидагича таъриф берилган бўлиб, унга кўра, тузилиши, таркиби жиҳатдан оддийроқ ҳолга келтирмоқ, англашилиши осон, унча мураккаб бўлмаган ҳолат сифатида изоҳланган.³

Маълумки, мамлакатимиз парламенти томонидан дастлаб соддалаштирилган тартибда иш юритиш борасидаги процессуал юридик нормалар фуқаролик суд ишларини юритишга доир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида⁴, кейинчалик иқтисодий суд ишларини юритишга доир Ўзбекистон Республикасининг «Мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Ўзбекистон

² Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б.427.

³ Э.Бегматов, А.Мадвалиев ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. “Ўзбекистон миллий инцеклопедияси” давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси.

⁴ <https://lex.uz/docs/3517337>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application april 5, 2020)

Республикаси Иқтисодий-процессуал кодексига 5 та моддадан иборат «Соддалаштирилган тартибда иш юритиш» деб номланган 231-боб билан тўлдирилган⁵ эди.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам янги 332¹-модда “Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби”⁶ деб номланган янги қарор ижросида соддалаштирилган тартиб таомиллар билан тўлдирилди.

Демак, амалдаги жиноят процессуал кодексига ҳам янги соддалаштирилган тартибни назарда тутувчи янги нормалар киритилиши кун тартибда турган навбатдаги долзарб масаладир.

Илгари сурилаётган таклиф бўйича олий маълумотли юристлар ва кенг жамоачилик фикрини ўрганиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ходимлари орасида “Жиноят процессида соддалаштирилган тартиб ҳакида биласизми?” деган сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижаларига мувофиқ, қўйилган саволлар бўйича 56% (114 нафар) ушбу ҳақда ўзининг тушунчаси мавжуд эканлигини кўрсатиб овоз берган бўлса, қолган 45 % (116 нафар) бу тўғрисида алоҳида юридик таъриф мавжуд эмаслиги борасида фикр билдирганлиги ушбу жиноят процессида соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчасини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатмоқда⁷.

Айни вактда, жиноят процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчасининг аниқ норматив тусдаги хуқуқий моҳияти қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

Шу боис, “Жиноят процессуал муносабатларни соддалаштириш”, “судга қадар иш юритувда соддалаштирилган тартиб”нинг мазмун-моҳияти, унинг

⁵ <https://lex.uz/docs/3523891>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application April 5, 2020)

⁶ <https://lex.uz/pdfs/4766244#4767242>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application April 5, 2020)

⁷ Диссертация ишининг 2-иловаси. 2020 йил апрел-май ойларида диссертация иши натижаси бўйича мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят – процессуал кодексига янги нормаларни киритилиши ва уни ислоҳ этилиши борасида тегишли таклифлар киритилиши борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси телеграмм канали орқали ўтказилган сўровнома натижаларидан.

назарий хусусиятлари борасида мамлакатимиз айрим хуқуқшуносларининг назарий фикрларини кўриб чиқамиз.

Жумладан, ИИВ ҳузуридаги тергов департаменти бошқарма бошлиғи хуқуқшунос Б.Э.Бердиалиев, “судга қадар ишни юритувнинг соддалаштирилган тартиби”га - терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида иш ҳолатлари аниқ ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини инобатга олган ҳолда **қисқа муддатда** қонуний қарор қабул қилиш инконини берувчи **жараён** деб таърифлаган.⁸

Хуқуқшунос олим Н.И.Хайриев томонидан жиноят процессуал муносабатларни интенсификациялаш (ёки жадаллаштириш) орқали жиноят процессуал муносабатларни соддалаштириш жараёнини тадқиқ этган.⁹

ТДЮУ ю.ф.д. профессори З.Ф.Иноғомжонова суд босқичида соддалаштирилган тартибни, Г.З.Тўлаганова суд босқичида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши¹⁰ хусусида ўз илмий ишларида фикр юритишган.

БМТ нуқтаи назарига кўра, “соддалаштирилган тартиб” (“summary proceedings”) бу – одил судлов тизимини юқори сифатда самарадорлигини ва ҳаражатларни камайтириш орқали судга қадар ҳамда суд босқичида ишни кўриб чиқиши тезлаштирилишини таъминлашга қаратилган тартиб” бўлиб ҳисобланади.¹¹

Инсон хуқуqlари умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида, “Хар бир инсон ўзининг хуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва унга билдирилаётган айбловнинг асосли эканлигини билиш учун, тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ҳамда мустақил ва холис суд томонидан барча

⁸ Б.Э.Бердиалиев *Ишни судга қадар юритиши тартибини соддалаштиришига oid айрим масалалар*. Илмий мақоласи. 139-бетда. Жиноят ва жиноят – процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон хуқуқ ва эркинларини таъминлаш кафолати: Республика илмий – амалий конференцияси материаллари (2018 йил 24 апрель) ИИВ Академия. Т-2018 й.

⁹ Н.И.Хайриев. Жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясидан. ТДЮУ. Т: 2016 йил.

¹⁰ З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова. Жиноят процесси муаммолари. Ўкув қўлланма. Т. ТДЮИ нашриёти 2006.

¹¹ Ш.Хайдаров. Жиноят ишларини юритишнинг каррупцияга қарши курашиш борасидаги аҳамияти. http://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupciya/?ELEMENT_ID=21525

адолат талабларига риоя қилган ҳолда суд мухокамасида кўриб чиқилиши ҳукуқига эга”лиги қатъий белгиланган¹².

Фикримизча, бу ердаги, “адолат” тушунчаси замирида айбланувчини азобловчи процессуал шаклларни имкон қадар қисқартириш ва унинг тақдирини тезликда хамда адолатли ҳал қилишга имкон қадар шароит яратадиган судлов юритуви тартибини амалга оширишни назарда тутмоқда.

Айнан ана шу қоида, кейинчалик жиноят ишларини судларда юритиш бўйича ҳалқаро стандартларни ишлаб чиқишга пойdevор бўлиб хизмат қилган.

Жумладан, 16 декабрь 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги ҳалқаро Пакт»нинг 9-моддаси 3-бандига мувофиқ, “жиноят содир этганликда айбланиб ушланган ёки қамоққа олинган ҳар бир шахс **зудлик** билан судья ёки қонун бўйича суд ваколатини амалга оширувчи мансабдор шахснинг ҳузурига келтирилиши, шунингдек, **оқилона (мақсадга мувофиқ) муддат ичида** ўзига нисбатан юритилган ишнинг судда мухокама қилиниш ёки озод бўлиш ҳукуқига эга”¹¹.

Жиноят процессида одил судловни амалга оширишни соддалаштириш билан боғлиқ муаммолар турли илмий йўналишларда ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш жоиздир.

Хусусан, процессуалист ҳукуқшунос олими Ю.К.Якимовичнинг фикрича, “соддалаштирилган судлов юритуви” бу жиноят процессининг тузилиши ва тизимига боғлиқ бўлган жиноят процессининг элементи” сифатида тадқиқ этган¹⁴.

Жиноят процессининг тузулиши сифатида унинг босқичларида иш юритувнинг қанчалик тез фурсатларда кўриб чиқилиши, жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра иш юритиш ваколатига эга бўлган давлат структураларининг муайян ваколатларини қонунда беглилаб берилиши билан ўз фикрини исботлаган.

¹² [https://lex.uz/Инсон хукуклари умумжахон Декларацияси](https://lex.uz/Инсон%20хукуклари%20умумжахон%20Декларацияси).

¹³ [https://lex.uz/16 декабря 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги ҳалқаро Пакт](https://lex.uz/16%20декабрь%201966%20йилдаги%20«Фуқаролик%20ва%20сиёсий%20хукуқлар%20тўғрисидаги%20ҳалқаро%20Пакт»)

¹⁴ Якимович Ю. К. Структура советского уголовного процесса: система стадий и система производства. Основные и дополнительные производства. –Томск: 1991. –С. 48.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини мақуллаган ҳолда “Жиноят - процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш –терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов, суд босқичида иш ҳолатларини аниқ ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезликда ҳамда *оқилона муддатларда* қонуний қарор қабул қилиш инконини берадиган, жиноят процессининг барча иштирокчиларининг ортиқча такрорловчи куч ва бошқа воситаларни сарфланишини олдини олишга қаратилган жиноят процессининг **жараёни**” дейиш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу тушунчанинг алоҳида таркибий элементларини алоҳида ажратиш орқали янада чуқурроқ англаш мумкин.

Биринчидан, жиноят-судлов юритувини соддалаштириш – бу процессуал қонуннинг жиноят ишини оддий ҳамда тезлаштирилган тартибда юритиш имкониятини беради;

Иккинчидан, “жиноят-процессуал қонунчилигининг тезлаштирилган тартибда юритиш имконияти” деганда, терговга қадар текширув ёки суриштирув натижасида жиноят ишини кўзғатишдан бошлаб, токи ишни судда муҳокама қилиш учун тақдим этиш ҳамда ишни судда кўриб чиқишигача бўлган барча муносабатларни соддалаштириш билан боғлиқ процессуал механизмларни ишга солиш ресурсларининг мавжуд;

Учинчидан, жиноят-судлов юритувини соддалаштириш – одил судловнинг самарадорлигини ошириш, судга қадар жиноят судлов иш юритишга масъул бўлган давлат органларининг кўп вақт ва куч воситалар сарфлашини олдини олишга қаратилган жиноят процессининг жараёни экан.

1.2. Жиноят ишлари бўйича иш юритувига оид нормаларда соддалаштириш жараёнларининг тадрижий ривожланиш босқичлари.

Мамлакатимизда суд-хуқук ислоҳотлари босқичма-босқич тадрижий жиҳатдан ривожланиши, жиноят ишлари юритувига доир нормаларда ҳам соллаштирилган тартибининг турли даврларда турлича бўлганлигига тарих гувоҳлик беради.

Тарихдан маълумки, Республикаиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамизнинг VII-VIII асрига қадар одат ҳуқуқи¹⁵ ҳамда зардушдийлик динининг асосий манбааси бўлган “Авесто” асосида тартибга солинган¹⁶.

VIII асрдан – XIX асрнинг сўнгига қадар, мамлакатимиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида, жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган¹⁷.

Юқорида таъкидланганидек, соддалаштириш жараёнининг ривожланиш босқичлари албатта турли йилларда амалда бўлган давлатнинг сиёсий тузумига, давлатнинг сиёсий ҳукмонлик ўрнатган тартиб-таомиллари ҳамда унинг алоҳида жиҳатларига боғлиқ бўлганлиги сир эмас.

Жиноят-процессуал қонунларида жиноят иши юритуви мураккаблашганини (дастлабки терговда ҳимоя ҳуқуқининг чекланиши жиҳатдан айтилганда) ёки маълум бир даврга келиб уни соддалаштирилгани ҳам тарихий жараёнларининг тадрижий ривожланиш босқичи билан боғлиқ.

Жиноят ишлари бўйича иш юритувга оид нормаларда соддалаштириш жараёнининг ривожланиш босқичларини англаб этиш учун аввало, Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонун хужжатларининг ривожланиш тарихига назар солиш орқали тадқик этиш мумкин.

¹⁵ С.А.Исҳақов “Хидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни// Ҳуқуқ-Право-Law Тошкент - 2003. №2-Б-56-57.

¹⁶ И.Саидаҳмедов.Давлат ва ҳуқуқ тарихи.- Тошкент. 2006. Б-174.

¹⁷ Абдумажидов Г.А. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Тошкент: Узбекистан 1974. С 109.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Жиноят процессуал кодекслари қабул қилинган тарихий саналари қуидагича бўлган:

1922 йилги РСФСРнинг биринчи жиноят процессуал кодекси 1922 йил 4 июнда қабул қилинган (6-бўлим, 32-боб, 481-модда) Туркистон АССР ҳудудида ҳам амалда бўлган.

1926 йилги, Ўзбекистоннинг биринчи ЖПК 1926 йил 16 июнда қабул қилинган (6 бўлим, 32-боб, 455-модда) ва у 1 июлдан кучга кирган. Шу пайтдан эътиборан РСФСР, Бухоро ва Хоразм халқ Республикалари ЖПКлари ўз кучини йўқотган.

1929 йилги, Ўзбекистоннинг иккинчи ЖПК 1929 йил 29 июнда қабул қилиниб, (18-боб, 175-модда), шу йилнинг 1 августидан юридик кучга кирган.

1959 йилги, Ўзбекистоннинг учинчи ЖПК Олий Советнинг 5-чақириқ, 2 сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, (8-бўлим, 29-боб, 378-модда) 1960 йил 1 январдан юридик кучга кирган.¹⁸

Суд соҳасида юз берган ўзгаришларнинг муҳим босқичини Марказий Осиё ҳудуди устидан советлар тузумининг ўрнатилиши даври ташкил қиласди.

Бу давр эса халқимиз тарихидан ўта мураккаб зиддиятли жараёнлар даври сифатида ўрин олган.

Туркистон Республикаси РСФСР таркибида кирган бўлиб, РСФСРда амалда бўлган қонунлар ўлкамиз ҳудудидаги судлов амалиётига жорий этилган эди.

1922 йилги РСФСРнинг биринчи жиноят – процессуал кодексининг муҳим жиҳати шунда эдики, илк бор судлов тизими ҳамда уни юритища иштирок этувчи субъектлар ўртасида вужудга келадиган процессуал муносабатлар муайян бир тизимга солинган эди.

¹⁸ Муаллифлар жамоаси. Жиноят процессуал хуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. 2-Боби. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонун хужжатларининг ривожланиш тарихи. ТДЮИ “Tezkor nashr markazi” нашриёти. 2007 йил. 596-б.

Бироқ, ушбу кодекснинг мавжуд бўлишигача, турли процессуал тартиб таомиллар, турли хилдаги процессуал кафолатлар масаласи турлича ҳал қилинган.

Лекин, РСФСРнинг ЖПКсига ижсобий хислат: (*Nulla poena sine lege*) қонун билан белгиланмаган бўлса, бундай харакат на жиноят на шундай харакатни содир қилган шахсни жазолаш мумкин.

РСФСР ЖПКда жиноят қонунчилигини қиёслаш асосида қўллаш ва дастлабки терговда ҳимоячининг иштироки чекланлаш каби **салбий томонлар** ўз аксини топган.

Шунингдек, қайд этилган ЖПКда муайян жиноий қилмисилар, хусусан ижстимой хавфи унча юқори бўлмаган ва кам аҳамиятли жиноят ишлари соддалаширилган тартибда муҳокама қилинган.

Аммо соддалаширилган тартибда муҳокама қилинадиган жиноят ишлари бўйича айблананаётган шахсга жиноят процессуал қонунда процессуал кафолатлар берилмаган.¹⁹

Мамлакатимиз жиноят судлов соҳасида биринчи миллий жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солган ёзма хуқуқий ҳужжат сифатида 1926 йил 16 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССРР Жиноят-процессуал кодексининг 2-бўлими Суд олди юритуви деб номланган бўлиб, ушбу босқичда иш юритувга оид масалалар тартибга солинган.

Ушбу кодексда, **суд олди иш юритувнинг икки босқичи:**

1. Суриштирув (8-боб)
2. Дастлабки тергов (9-боб) қисмлари мавжуд бўлган.

Суриштирув – 1 йилгача бўлган муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган жиноят ишлари бўйича юритилиши назарда тутилган.

1926 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал кодексининг 106-моддасига кўра, Дастлабки тергов, округ ёки ҳарбий трибуналлар

¹⁹ Петрухин И.Л. Провосудие: время ремор. 26-б.

судловига таалуқли жиноят ишлари юзасидангина юритилиб, бошқа жиноятлар бўйича дастлабки тергов фақат халқ судининг қарори ёхуд прокурорнинг таклифи билан юритилиши белгиланган.

1926 йилдаги жиноят процессуал кодексининг яна бир хусусияти, “тезлаштирилган дастлабки тергов” юритувининг мавжудлигидир.

Яъни кодекснинг 108-моддасига биноан, “Агар терговчига келиб тушган материаллар иш ҳолатини тўлиқ ойдинлаштиради деб ҳисобланса, тергов тўлиқ ўтказилмасдан, айбланувчи сўроқ қилиниб, унга айлов эълон қилинади. Жиноят иши бўйича айлов хулосаси тузилиши мумкин”лиги белгиланган.

Жиноят ишини судда муҳокама қилиши босқичлари З га ажратилиб, биринчи босқич, **суд терговига тайёргарлик қўриш** тарафларнинг гувоҳ ва экспертларнинг суд муҳокамасида ҳозир бўлганлигини аниқлаш, очиқда бўлган судланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, суд таркибини эълон қилиш, тарафларда раддиялари бор йўқлигини аниқлаш ва суд муҳокамасини ўтказиш учун зарур бўлган процессуал масалалар ҳал қилинган ва суд муҳокамаси иштирокчиларига халқ маслаҳатчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтирилиши киритилган.

Иккинчи босқич, суд тергови бўлиб (айлов хулосасини агар ишда айловчи сифатида жабрланувчи иштирок этаётган бўлса, унинг аризаси ёхуд дастлабки тергов юритилиши шарт бўлмаган ишлар бўйича прокурорнинг судга бериш тўғрисидаги қарорини (275-моддаси) эълон қилиш билан бошланган.)

Ўзбекистон СССР ЖПКнинг 278-моддасида, соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи жиноят ишини судда қўриш бўйича қоидалар ўрнатилган.

Хусусан, Айловга судланувчининг муносабатини аниқлаш мухим процессуал масала ҳисобланиб, “агар айбланувчи айлов хулосасида қайд этилган ҳолатлар билан тўлиқ келишиса”, суд унинг қўрсатувларини эшлиши билан чекланиб, суд тергови ўтказилмасдан тарафлар

музокарасига ўтилган. Бунда албатта айбланувчи прокурорнинг айлов хулосасида қайд этилган ҳолатлар билан келишувининг мавжуд бўлиши унинг муҳим белгиси саналган.

1926 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг таркибий тузулишида иш юритувнинг 3 тури ажратилган:

Биринчи тури: Умумий иш юритуви;

Иккинчи тури: Алоҳида иш юритуви

Учинчи тури: *Махсус (саддалаштирилган) иш юритуви*

Ўзбекистон ССРнинг 1929 йилгида ЖПКси жиноят процессуал муносабатларни “саддалаштириш” йўналишида ислоҳ қилинган. Ушбу кодекснинг 175-моддаси бўлган холос. У 1926 йилдаги кодексдан фарқли ўлароқ, нафақат сон жиҳатдан балки, мазмун жиҳатдан ҳам қисқарган.

1929 йилдаги ЖПКда суриштирув ҳамда дастлабки тергов муддатлари аниқ белгиланиб, суриштирув муддати 1 ой қилиб белгиланган бўлса, **дастлабки тергов ҳаракатларининг муддатлари 2 ой қилиб белгиланган.**

Бундан ташқари, суриштирув ҳамда тергов устидан назаоратни таъминловчи прокурор томонидан тергов муддатлари иерархик тарзда узайтирилиши каби нормалар мавжуд бўлган.

1929 йилдаги ЖПК суднинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, процессуал ваколатларни ҳам бир қадар соддалаштириб, унинг мантиқий узвийлигини кучайтириди.

Ақли норасо шахсларнинг жиноий ҳаракатлари бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақида ишларнинг алоҳида юритув тартиби жорий қилинган.

Жиноят процессуал нормаларни соддалаштириш, айрим ҳолларда бир-бирига мазмунан мос бўлмаган процессуал масалаларни бирлаштириш усулида амалга оширилган.

Масалан, жиноят иши қўзгатиш масаласи судловга тегишлилик масаласи билан (1-боб) бирилаштирилганлигини фикримизнинг далилидир.

Эҳтиёт чораларининг турлари ҳам бир мунча қисқартирилиб, ҳеч қаерга кетмаслик, кафиллик ва қамоқда сақлаш турлари қолдирилган.

Суд муҳокамаси босқичида процессуал қоидалар қисқартирилган. “Айлов хулосасини ўқиб эшилтириш” ўрнига “судланувчига айлов мазмунини тушунтириш” билан ўзгартирилган.

1929 йилги ЖПК нафақат процессуал тартибларни “соддалаштириш”, “қисқартириш”да намоён бўлди, энг асосийси қатағон қилишнинг катта куролига айланганлиги тарихнинг ўзи исбойлади.

Ушбу кодекс ўрнини тўртинчи, янги 1959 йил 21 майдага Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида қонун эгаллаган.

1959 йилги ЖПКда гумон қилинувчи жиноят процессининг иштирокчилари доирасида киритилмаган ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган.

Фақатгина айбланувчи ва судланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кодекс нормаларида ифодаланган.

Айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқлари амалда кафолатланган.

Суднинг сиртдан хукм чиқариши, айлов хулосасини тузиб таништириши фаолияти тутатилган.

1929 йилдаги кодексидан фарқли ўлароқ, 1959 йилдаги кодексда суд муҳокамасида судланувчининг иштирокининг шартлиги каби қоида киритилган.

1959 йилдаги кодексда жиноят судлов ишларини юритишнинг янги шакллари вужудга келган.

Тиббиёт характеридаги мажбурий чораларни қўллаш, жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган жиноят ишларини юритиши (хусусий айловни юритиши), хулиганлик (безорилик) ва давлат ва жамоат мулкини оз миқдорда талон-торож қилганлик тўғрисида ишларни юритиши (протокол шаклда айловни юритиши), жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахсларга мажбурий жазо чорасини қўллаш ишларини юритиши каби иши юритишнинг шундай турлари бўлган.

Шулардан “протокол шаклда айловни юритиш” институти иш юритувни “соддалаштирилган” тартибига яқин бўлган институт ҳисобланади.

Протокол шаклда айлов юритиш (Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шакли) - майда жиноятларга тааллуқли ҳуқуқий иш юритишнинг шакли ҳисобланган.

Ушбу шакл жавобгарликка тортилган шахсларнинг шахси ҳақидаги барча маълумотларни тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама текшириш мақсадида жиноятни тез ҳал қилиш имконини берган.

Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шаклининг моҳияти шундан иборат бўлганки, бундай тайёргарлик жиноят ишини қўзғатмасдан, тергов ҳаракатларини ўтказмасдан (ҳодиса жойини кўздан кечиришдан ташқари) амалга оширилади.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий судланувчи ва жабрланувчи сифатида эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди.

Фақат ҳуқуқбузар тайёр иш юритуви материаллари билан танишади. Судгача иш юритиш натижалари материалларни судда кўриб чиқиш учун асос бўлган протоколда тузилади.

Материалларни судгача тайёрлаш **ўн кунлик муддат билан чекланиб**, муддат умуман узайтирилмаган.

Барча тўпланган материаллар протоколга илова қилиниб ва суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати тузилган. Протоколда судгача тайёргарликнинг протокол шакли кўриб чиқиш учун юборилган суднинг номи кўрсатилган. Судланувчи барча материаллар билан танишиб чиққанидан сўнг, барча ҳужжатлар тасдиқланиши учун прокурорга тақдим этилган.

Прокурор қабул қилган материаллар асосида қўйидаги ўзининг қарорини қабул қилган. материалларни судга юборишга рухсат бериш (1); дастлабки тергов мажбурий бўлган жиноят тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда жиноят ишини қўзғатиш, қўзғатилган ишни терговчига ёки суриштирув органига юбориш (2); жиноят ишини қўзғатиш учун асос

бўлмаган тақдирда, шунингдек иш юритишдан ташқари ҳолатлар мавжуд бўлгандага жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш (3).

Прокурор томонидан протокол тасдиқланганидан сўнг, материал суриштирув органининг раҳбари ёки протоколга руҳсат берган прокурорнинг шахсан ўзи томонидан материаллар судга юборилган.

Суд жараёни **жиноят-процессуал кодексининг** - умумий қоидаларига мувофик, судгача иш юритишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган. Суд терговини бошлаб, суд бундай ҳолларда тузиладиган айблов хulosасини эмас, балки суриштирув органи раҳбари томонидан тасдиқланган протоколни эълон қилган.

Судда протокол шаклдаги иш юритиши муддатини тамомлаш протоколга илова қилинган материаллар билан келиб тушган пайтдан эътиборан - **ўн тўрт кундан ортиқ бўлмаган вақт давомида кўриб чиқилган**.

Айни вақтда иш юритувнинг протокол тартиби Россия Федерацияси, Қозогистон Республикаларининг жиноят процессуал қонунчилиги тизимида мавжуд²⁰.

Мамлакатимизда протокол тартибда иш юритиши борасида ҳукуқшунос олим Ж.Т.Қурбонов ўзининг қўйидаги қарашларини маълум қилган.

Хусусан, ишларни протокол шаклида юритиши жиноят процессининг мақсадларига эришишга хизмат қилиб, унинг барча принципларига амал қилган ҳолда жиноят процессининг куч ва воситаларини нафақат ортиқча сарфлашлардан сақлайди, балки унинг вазифаларини аниқ бажаришга ҳам асос бўлиб хизмат қиласди²¹.

Бу борадаги жиноят ишлари бўйича милиция ва (ОБХС) бошқа суриштирув органлари, **кўпи билан беши кунлик муддат ичида** содир этилган жиноятнинг ҳолатини ва ҳукуқни бузган шахснинг кимлигини аниқлашлари лозим бўлган.

²⁰ <https://center-yf.ru/data/Yuristu/Protokolnaya-forma-dosudebnoi-podgotovki-materialov.php#>

²¹ Қурбонов Ж. Т. Институт протокольной формы в советском уголовном процессе: Автореф. дисс. канд.юрид.наук. –Т., ТашГУ, 1991. –С.12.

Протокол шаклда иш юритишнинг соддалаштирилганлиги унда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг тартиби билан боғлиқ бўлиб, оддий шаклда иш юритиш тартибидан фарқли жиҳати - унда **исбот қилиниши зарур бўлган масалалар ҳамда жиноят ишига жалб қилинган шахслар доираси бир мунча чекланган.**

Жумладан, Ўзбекистон ССР ЖПК 380-моддасига мувофиқ, жиноят иши бўйича ҳуқуқни бузувчидан, жабрланувчи ва воқеа шоҳидларидан изоҳлар олиниши, ҳуқуқни бузувчининг илгари судланганлиги ҳақида маълумот олиниши, унинг иш ёки ўқиши жойидан тавсифнома ва ишни судда кўриб чиқиши учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар тўпланиши зарур.

Шундан сўнг, ҳуқуқни бузувчи ушланганлиги, унинг ким эканлиги аниқланганлиги ва содир этилган жиноятнинг ҳолатлари ҳақида протокол тузилиб, протокол суриштирув органининг бошлиғи томонидан имзоланиб, прокурорнинг санкциясидан сўнг судга юборилади. (ЖПКнинг 380-моддаси 2-қисми).

Мазкур қоидалар ишларни протокол шаклида суд олди босқичида юритишнинг энг соддалашган тартиби ҳисобланиб, унга кўра ҳуқуқни бузган шахс *беш кун муддат ичида* судга тақдим этилиши мумкин бўлган.

Яна Ж.Т.Қурбоновнинг фикрига мурожаат қиласақ, “жиноят процессининг содда ва бир мунча тезкорликка асосланган ишларни протокол шаклда юритиш” қуйидаги мезонларга асосланади: а) содир этилган жиноятнинг ижтимоий жиҳатдан унча хавфли эмаслиги; б) жиноятнинг шоҳидлар кўз ўнгидаги мезонларга асосланади: а) содир этилган жиноятнинг ижтимоий жиҳатдан унча хавфли эмаслиги; б) жиноятнинг шоҳидлар кўз ўнгидаги мезонларга асосланади: в) жиноятнинг содир этиш ҳолатлари ҳамда уни содир этган шахснинг ва айблилигига оид фактик маълумотларни тўплаш мураккаблик касб этмаслиги; г) тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш заруриятининг йўқлиги; д) жиноят содир этилгандан кейин жиноят ҳолатларини тезкорлик билан аниқлаш ва қонун билан белгиланган қисқа муддатларда уни тасдиқлаш

имконининг мавжудлиги; е) ишни соддалашган процессуал шаклда кўриб чиқиши борасида ҳукуқбузарнинг эътирози йўқлиги²².

Бу тоифадаги ишларнинг суд муҳокамаси ҳам соддалаштирилган тарзда кечиб, ЖПКнинг 385-моддаси 1-қисмига кўра, ушбу тоифадаги судлов юритувида иш судга келиб тушган вақтдан бошлаб **кўпи билан беш кун** муддат ичида кўриб чиқилиши керак. Суриштирув ва дастлабки тергов олиб борилган безорилик тўғрисидаги ишларни суд иш судга келган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн кун муддат ичида кўриб чиқади (385-моддаси 2-қисми).

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг янги Жиноят процессуал кодексини қабул қилишга эҳтиёж сезилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК Олий Кенгашнинг Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисидаги қарори билан 1994 йил 22 сентябрь куни қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрель санасидан юридик кучга эга кирди.

Амалдаги Жиноят - процессуал қонунчилигимизда жиноят ишларини юритиши соддалаштиришга оид нормалар мавжуд бўлиб, улар ҳам жиноят ишини тезкор суръатларда юритиш имконини туғдирди, ортиқча вақт сарф қилмасдан ишни ҳал этишга, жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахсларнинг ўз вазифаларини сусисъетмол қилишини олдини олишга қаратилди.

Биргина мисол сифатида, жиноий жазоларни лебераллаштирилиши муносабати билан жиноят процессуал қонунчилигига ярушув институтининг жорий этилиши фикримизнинг исботидир.

Ярушув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айборлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

²²Қурбонов Ж. Т. Институт протокольной формы в советском уголовном процессе: Автореф. дисс. канд.юрид.наук. –Т., ТашГУ, 1991. –С.13.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси яъни айбилик масалани ҳал этмай туриб, жиноят ишини тутатишнинг барча асосларини жиноят судлов ишларини соддалаштирилган тартибда кўрбчиқишига мансуб бўлган нормалар сирасига киритишимиз мумкин.

Шу каби, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни²³ билан **ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар** бўйича (85 та жиноятлар) жиноят процессида ишларни судга қадар ва суд иш юритувини соддалаштириш мақсадида, жиноят процессида иш юритишининг янги “**Терговга қадар текширув**” ва “**Суриштирув**” институтлари алоҳида-алоҳида ажратилиб, суриштирувга тергов қилиш ваколатлари берилди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни судга қадар ва судда юритишининг соддалаштирилган тартиби белгиланди.

Хусусан, *суриштирув тарзидаги тергов* - бир ойгача муддатда ўтказилиши ва жиноят иши қўзғатган суриштирув органи жиноят ишини айблов далолатномаси билан бирга прокурорга юбориши ҳамда кейинчалик тасдиқлаш ва судга тақдим этиш билан тутатилиши жорий этилди.

Ушбу ислоҳотнинг жорий этилганлиги бир мунча жиноят процессининг соддалашганига имкон берди ва бу борада мамлакатимиздаги сўннги 3 йилдаги ислоҳотларнинг дебочаси бўли десак муболаға бўлмайди.

Ушбу ислоҳот билан суриштирув тарзидаги айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш моддаларини яна бир карра соддалаштиришни назарада тутиб, айрим суриштирув терговидаги моддалар терговга қадар текширув органлари иш юритувига ўтказилиб, ишни протокол шаклда юритилишини жорий қилиш бўйича хуқуқшунослар томонидан турли баҳс мунозалар олиб борилмоқда.

²³www.lex.uz/064951555/Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.

Ушбу масалани эса чуқурроқ тадқиқотимизнинг иккинчи бобида кўриб чиқамиз.

Айни вақтда ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар томонидан жиноят процессуал муносабатларда “терговга қадар текширув” ва “суриштирув” институтини ислоҳ қилиниши юзасидан борасида кўплаб таҳлиллар олиб боришимоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини оммага муҳокама қилиш учун интернет тармоғидаги regulation.gov.uz сайтида ҳам янги “Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон лойиҳасини эълон қилинган.

Ушбу фармон лойиҳасини таҳлил қилганимизда, жиноят процессида соддалаштирилган тартибда иш юритишга доир кенг кўламли янги нормалар киритиш назарда тутилган²⁴.

Мамлакатимизда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодексининг янги таҳририни қабул қилишда соддалаштирув тартибига хос бўлган юқоридаги каби нормаларни мужассамлаштириш аҳамиятли саналади.

²⁴“Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳаси//(Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳолкамаси бета-версия) <http://regulation.gov.uz/uz/document/16286/>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the app-tion April 5, 2020)

П-БОБ СУДГА ҚАДАР ИШ ЙОРИТУВНИ СОДДАЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ БҮЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ.

2.1. Терговга қадар текширувда соддалаштиришнинг такомиллаштириш истиқболлари.

Жиноят процессуал муносабатларни соддалаштириш борасида мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташабbusлари билан 30.11.2017 йилда “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5268-сонли Фармони, 14.05.2018 йилда “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 3723-сонли Қарорлари қабул қилинди.

Юқоридаги икки норматив хужжатга асосан, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва қўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартиб таомилларини кенг жорий этиш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш ва унинг имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят ишлари бўйича иш юритув тизимида “Электрон жиноят иши” тизимига ўтиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилиши, зарур чоралар қўрилиши қайд этилган.

Суд-хукуқ ислоҳотлари даврида жиноят процессининг бошқа институтлари қатори терговга қадар текширув институтини соддалаштириш, айниқса, жиноят процессининг ушбу босқичида қонунда белгиланганидан ташқари бошқа айrim тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкинлигини киритиш, терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш натижаси билан қабул қилинадиган қарорлар бўйича назоратни таъминловчи прокурор ваколати доирасини аниқ белгилаш (яни, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилинган тақдирда, у бўйича қўшимча терговга қадар текширув ўтказиш муддатларини аниқ белгилаш), терговга қадар

текширув босқичида хусусий айблов бўйича тарафлар ярашуви институтини қўллашни жорий этиш, терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши муддатлари белгиланган бўлсада, лекин ушбу муддатнинг қачондан бошланиши амалдаги жиноят - процессуал кодексида юридик қоида сифатида ўрнатилмаган.

Бу борада мамлакатимиз ҳуқуқшунослари ҳам ўзларининг илмий ишларида маълум қилиб ўтишган²⁵.

Жиноят процессуал қонунчилигимизга кўра, терговга қадар текширув ишни судга қадар юритиш босқичига мансуб бўлиб, жиноят иши юритувининг дастлабки босқичидир.

Терговга қадар текширув ўтказищдан мақсад - жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни қўриб чиқиши натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунга доир тегишли тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, предметлар ва тегишли ҳужжатларни олиб қўйиб уларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни қамраб олиш ҳисобланади.

Амалдаги ЖПКнинг 320²-моддаси 2-қисмига кўра, терговга қадар текширув кодекснинг 39¹-моддасида қўрсатилган органлар (14 та алоҳида давлат органи) томонидан ушбу Кодекснинг 41-бобида (жиноят ишини қўзғатиш) белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилиши белгиланган.

Амалиётимизда терговга қадар текширув натижасида тўпланган материаллар юзасидан жиноий ҳатти - ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) ёки қилмишнинг мавжудлиги, мавжуд эмаслигини аниқлашга йўналтирилган суриштирув ёки тергов ҳаракатларини амалга оширишда дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг юқоридаги қонун ости ҳужжатларида белгилаган вазифаларига мувофиқ, жиноят ҳамда жиноят - процессуал

²⁵ А.Матмуродов, Д.Кенжабоев. Жиноят процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув институти: таҳлил ва тиакомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси. 2018/01 –сон Илмий-амалий ҳуқуқий журнали. ТДЮУ. 2018 йил. 122-бет.

қонунчилигидаги мавжуд нормаларни қайта кўриб чиқиш, уларни такомиллаштириш, жиноят судлов ишларини юритишни соддалаштиришни кенг жорий этиш каби талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу қонунчилик институтини ислоҳ қилиш лозимлигини тақозо қиласди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти жиноят – процессуал қонунчилигимиздаги айрим терговга қадар текширув институтига дахлдор бўлган нормаларни қўллашда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жиноятга оид ариза хабарни терговга тегишлилигига кўра юборишининг аниқ процессуал муддати жиноят процессуал кодексида мустахкамланмаган.

Бироқ, амалиётда Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, “қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади²⁶ нормаси қўлланиб келинмоқда.

Лекин, янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг 2-моддасида, “ушбу қонуннинг амал қилиши: кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, **жиноят-процессуал**, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга, давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан **татбиқ этилмайди**”²⁷ деб белгиланган.

Шунингдек, амалдаги ЖПКнинг 335-моддасида, “Аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шахар) ҳудудидан

²⁶ <https://lex.uz/docs/2509996>. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 25-моддаси.

²⁷ <https://lex.uz/docs/2509996>. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2-моддаси

ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туманда (шаҳарда) ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади²⁸” қоидаси мавжуд бўлиб, унда ҳам аниқ муддат белгиланмаган.

Шунинг учун келгусида, ЖПКнинг 335-моддасининг иккинчи қисмини куйидаги мазмун билан тўлдиришни тақозо этади:

“Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) тегишлилигига кўра юбориш зудлик билан ҳал этилиб, З кунга қадар бўлган муддатда тегишлилигига кўра юборилиши лозим.”

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонуннинг нотўғри татбиқ этилиши фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини поймол бўлишига, терговга қадар текширув ҳаракатларининг процессуал муддатда бошланмасдан санлоларликка сабабчи бўлишини келтириб қўяди.

Бундан ташқари, амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 329-моддасида, кўрсатилган муддатлар (дарҳол, 10 кунлик, 1 ой муддат) қачондан бошланиши масаласи очик қолган.

Амалиётда тергов, прокуратура ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни ўз иш юритувига қабул қилинган пайтдан бошланишини белгиламоқда.

Бундан ташқари, амалиётда терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида асоссиз ёки шошма-шошарлик билан муаллифнинг важлари тўлиқ текширилмаган ҳолда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги аниқланган тақдирда, бевосита терговни назорат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ёки юқори турувчи вилоят прокурори томонидан ушбу қарор бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилади.

²⁸ <https://lex.uz/docs/111460>. Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси. 335-модда. Мурожаат этилган сана 05.03.2020 йил.

Бирок, бекор қилиш қарори асосида ўтказиладиган қўшимча терговга қадар текширув ўтказишнинг аниқ муддатлари ҳам жиноят-процессуал кодексида белгиланмаган.

Натижада эса, амалиётда бу қабул қилинган қарорларнинг бекор қилиб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари қайта – қайта олиб борилмоқда.

Бир қарор таъбир жоиз бўлса, 5 ёки 7 мартараб бекор қилиниб, қайта терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Шунинг учун бу борада асоссиз равишида қабул қилинган қарорни неча маротаба бекор қилиш мумкинлиги, қайта ёки қўшимча терговга қадар текширув ўтказишнинг аниқ муддатларини қонунда белгилаш лозим.

Мазкур масалаларнинг жиноят процессуал қонунида аниқ белгиланмаганлиги, айнан бир масала юзасидан терговга қадар текширув органи қарорининг бир неча маротаба бекор қилиниб, қайта текширув учун юборилишига, мурожаат этувчининг аризасида кўрсатилган важларни қисман қондириб, ўз исботини топиши эҳтимоли деярли мавжуд бўлмаган сабабларга билан бекор қилиниши каби салбий ҳолатларга олиб келади.

Шунинг учун, амалдаги ЖПКга қуйидаги мазмундаги нормалар билан тўлдириш таклиф қилинади:

ЖПКнинг 330-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги мазмун билан тўлдириш таклиф этилади.

“Жиноятга оид ариза (хабар)ни кўриб чиқиши натижаси билан жиноят иши қўзғатиши рад этиш ҳақидаги қарорнинг барвақт, асоссиз ва мурожаатда кўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан туман (шаҳар) прокурори, шаҳар, вилоят прокурорилари ва унга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фақатгина бир маротабагача бекор қилиниши мумкин. Муқаддам бекор қилиш қарорида кўрсатилган ёки барвақт, асоссиз ва мурожаатда кўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан

иккинчи маротаба жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилиниши мумкин эмас.”

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмида, “Ушбу модда **биринчи қисмида** кўрсатилган муддат ичидаги терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча хужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг **иккинчи қисмига** мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, **тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши** ҳакида **топшириқлар берииш** мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади²⁹” деб белгиланган.

Бироқ, амалиётда туман ИИБ ходимлари томонидан спиртли ичимлик ичганлик факти юзасидан фуқарога нисбатан асоссиз равишида қонуний чора кўрилганлиги хусусида кечиктириб бўлмайдиган ҳолда фуқаронинг қонидан тегишли экспертиза ўтказиш учун қон намунаси экспертиза ўтказиш учун олишни талаб қилиб мурожаат қиласди.

Фуқаронинг ушбу важлари юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш давомида ундан қон намунасини экспертиза текшируви учун олиш бўйича тегшили баённома расмийлаштирилади.

Лекин, мазкур ҳаракат Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддаси талабига зид бўлсада, аммо фуқаронинг ушбу важларини текшириш учун процессуал тартиб бузилган ҳолда экспертиза текшируви учун унинг қон нумунаси олинади ва экспертиза текшируви учун суд тиббиёт экспертиза муассасасига тақдим этилади.

Ёки, ЖПКнинг 329-моддасида, терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб борувчи орган томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўказиш бўйича

²⁹ <https://lex.uz/docs/111460#1562985>. Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси. 329-модда. Мурожаат қилинган вақт 09.03.2020 йил.

тегишли топшириқлар берилиши мүмкінлиги ҳақида ваколаттаға әга бўлиши қайд этилган.

Лекин, терговга қадар текширув органи 16 та тезкор-қидирув тадбирларининг айнан қайси бирини ва уни кимга нисбатан ўтказиши мүмкінлиги ҳақида топшириқ бера олиши мүмкінлиги аниқ қайд этилмаган.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ҳам, амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизда ҳам ушбу масалалар тартибга солинмаган.

Ушбу бўшлиқ мавжуд терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борувчи органлар томонидан қонунни турли хилда талқин қилиши ёки энг ёмон томони асоссиз ва гайриқонуний равищда тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни келтириб чиқариши мүмкин.

Шу сабабли, терговга қадар текшируv ҳаракатлари ўтказувчи органлар томонидан бу борадаги топшириқларни қандай субъектларга нисбатан қайси тезкор-қидируv тадбирлари ўтказиши мүмкінлиги, экспертиза текшируvi учун намуналар олиш тергов ҳаракатини терговга қадар текшируv даврида мүмкінлиги бўйича аниқ нормаларни белгилаш тавсия этилади.

Яна бир терговга қадар текшируv давомида ишни мураккаблаштируvчи муаммоли ҳолат сифатида вафот этган шахслар бўйича фуқаролардан жиноятга оид ариза ва хабарларнинг келиб тушиши ҳолатлари бўйича мурдани эксгумация қилиш ҳаракатини ўтказмасдан қонуний тўхтамга келишининг имкони бўлмайди.

Бироқ, амалиётда фуқаронинг мурожаати асосида жиноят ишлари бўйича судларга мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказилиши бўйича жиноят иши қўзғатилган ҳолда илтимоснома билан мурожаат қилинади.

Жиноят ишлари бўйича суди томонидан эса мазкур масала бўйича жиноят иши қўзғатилган - қўзғатилмаганлиги ҳолатига жиддий эътибор қаратган ҳолда мурдани эксгумация қилишга санкция беришни ҳал қиласди.

Мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун албатта жиноят иши қўзғатиш лозимлиги ёки фақат ушбу ҳаракатнинг жиноят иши бўйича ўтказилиши амалиётда кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Фикримизча, келгусида фақатгина жиноят иши бўйича эмас балки, терговга қадар текширув ҳаракатида ҳам мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини суддан тегишли санкция олган ҳолда ўтказиш мумкинлиги ҳақида қонунчилигимизга қоида киритилиши терговга қадар текширув босқичида ишнинг бир мунча енгиллашувига олиб келади.

Шунинг учун амалдаги ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмини “...тафтиш тайинлаш сўзларидан” сўнг “мурдани эксгумация қилиш, экспертиза учун намуна олиш” деган сўзлар билан тўлдирилиши лозим.

Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро амалиёт терговга қадар текширув жараёнида, яъни жиноят иши қўзғатмасдан ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доирасини кенгайтириш, терговга қадар текширув даврида олинган тушунтиришларни мақбул далил сифатида тан олиш (бу фуқароларни ҳам терговга қадар текширув, ҳам жиноят иши суриштируви ва тергови даврида такроран тергов органига чақириш, битта жиноят иши бўйича такроран бир хил қўрсатувлар олиш мажбурияти, шунингдек бир ҳолат бўйича қайта ва такроран экспертиза тайинлашдан озод қиласди), терговга қадар текширув жараёнида ярашув институтини жорий қилишни соддалаштиришнинг янги истиқболлари сифатида кўрсатмоқда³⁰.

Терговга қадар текширув институтини ислоҳ қилиш борасида судга иш юритувнинг протокол (баённома) тартибини жорий этиш муаммолари хусусида тадқиқотимизнинг кейинги параграфида тўхталамиз.

Фикримизча, амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизга юқоридаги нормаларни жорий этилиши билан терговга қадар текширув органлари фаолияти соддалаштирилса, тадқиқот ишимизнинг олий мақсадига албатта эришамиз.

³⁰ Суховенко Н.А. Процессуальные издержки как институт уголовно-процессуального права// Вестник БДУ.- 2013 №3. -с.78.

2.2. Суриштирув, дастлабки тергов босқичини соддалаштиришни янада такомиллаштириш бўйича миллий ҳамда айрим хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил: муаммо ва ечимлар.

Маълумки, жиноят процесси тизимини соддалаштириш назариясида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларда ушбу соҳадаги хуқуқий муносабатларнинг кам чиқим, ихчам ва самарали шаклини ривожлантириш зарурияти эътироф этилади.

Шундай ёндошувни мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини белгилаб берувчи сиёсий ҳужжат – “Харакатлар стратегиясида” кўришимиз мумкин.

Жумладан, мамлакатимизда “Қонун устиворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устивор йўналишлари”да фуқарорлик ишларини кўриб чиқиши тартибини такомиллаштириш, бир-бирини тақрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш” масаласи долзарб масала эканлиги эътироф этилади³¹.

Шу муносабат билан, мазкур масалада шаклланган илмий қарашлар умумий тарзда судлов юритуви муносабатларининг бугунги долзарб муаммоларини тўғри акс эттиради.

Тадқиқотларнинг айримларида судлов юритувининг долзарб муаммолари хуқуқий муносабатларни соддалаштириш масалалари билан узвий ҳолда ҳал қилиниши зарурлиги таъкидланади.

Жумладан, Е.А.Измайлуванинг фикрича, суд тизими фаолиятини соддалаштириш унинг сифатини анча такомиллашган ҳимоя воситаларидан фойдаланиш деганидир. Бугунги самарали ва оқилона судлов юритувини ташкил қилишдек замонавий муаммолар турличадир. Кўп ҳолларда хусусий-хуқуқий ва оммавий - хуқуқий бошловларнинг турли муносабатлари асосида ҳал қилиниши мумкин³².

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонга 1-ИЛОВА.

³² Измайлова Е. А. Согласительные процедуры как путь интенсификации судебной системы России //Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: Сборник творческих

Энг замонавий процессуал хуқук назариясида одил судлов соҳасидаги хуқуқий муносабатларни ихчамлаштириш – соддалаштириш йўналишида дифференциациялаш, бу ишни эса, уларни тартибга солиш методидаги асосий – хусусий-хуқуқий ва оммавий - хуқуқий услубларни мувозанатга келтириш орқали ҳал қилиш ўринлидир.

Шу масалага оид илмий ишларда жиноят процесси тартибини соддалаштириш билан боғлик турли туман йўналишлар тавсия этилади.

Хусусан, Россиядаги илмий жамоатчилик кўпинча Россия процессуал хуқуқи соҳасида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишда суднинг оммавий-хуқуқий ваколатларини кенгайтириш, суд жараёнини соддалаштириш, “профессионаллаштириш” ҳамда формаллаштириш каби таклифлар илгари сурилади.

Процессуал - хуқуқий доктринада, ишларни манфаатдор иштирокчиларнинг мустақиллиги ҳамда ихтиёrlарини айнан судда ишларни юритиши тартибини ривожлантириш орқали ҳал қилиш лозимлиги эътироф этилади. Жиноят процесси хусусий манфаатлар асосида вужудга келган, процесснинг структураси эса тарафларнинг ташаббусларига бўйсунгандир³³.

Мазкур нуқтаи назар асосан фуқаролик ва ҳўжалик ишларини судларда юритиши тартибларига таалуқли бўлсада, лекин унда қўтарилиган масала умумий асосда жиноят процесси учун ҳам аҳамиятга эга.

Чунки, жиноят процессини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишини процессуал муносабатларни ихчамлаштириш, соддалаштириш муаммоси ташкил қиласа, унинг марказидан моддий манфаатга эга шахсларнинг ўз хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суд актининг қабул қилинишига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолиятни кенгайтириш муаммоси ўрин олган.

Процессуалист В.М.Трофименко Украина жиноят-судловида ишларни юритишини соддалаштирилган тартиби – гумон қилинувчи ҳамда

работ /Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: Сборник творческих работ. Омск, ОмГУ, 2009. –С. 24..

³³Мурадъян Э. М. Истина как проблема судебного права. 2-е изд. –М.: Изд-во Юристъ, 2004. –С. 26.

жабрланувчининг ярашуви тўғрисидаги, прокурор ва айбланувчи ўртасида тузилган айни бўйнига олиш битими тўғрисидаги ҳамда хусусий тартибда айлов ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал шакллар билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Жиноят-судлов ишларини юритиш тартибини соддалаштириш процессуал муносабатларни оқилона (мақсадга мувофик) муддатларда амалга ошириш, иқтисодий тежамкорликка эришиш имконини беради³⁴ деб таъкидлайди.

Бугунги кунда жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида судга қадар иш юритуви босқичини дифференциациялаш, унинг тартибини соддалаштириш, айrim ҳолларда эса дастлабки тергов институтини тугатиш каби хил фикрлар ҳам илгари сурилмоқда.

А.В.Руновский “Дастлабки тергов шаклини модернизациялаш - суд олди босқичини дифференциациялашда асосий манба бўла олмайди” деб таъкидлаган. Шу боис, жиноят процессининг мазкур босқичини ислоҳ этишнинг асосий йўналиши дастлабки тергов шаклидан воз кечиб, суриштирув шаклига ўтишни назарда тутиши лозим³⁵.

Л.В.Головко тергов қилишнинг икки–суриштирув ва тергов шаклларини ривожлантириш совет жиноят - процессуал тизимига монанд бўлган қонунларни суд олди босқичидаги мумтоз тизимга қайтиш учун тўсқинлик қиласди³⁶.

А. С. Александров дастлабки тергов шаклидан воз кечиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича бунинг сабаби, дастлабки терговнинг суд, маъмурий ва процессуал фаолиятларнинг ноодатий уйғунлашувидан иборат эканлиги билан боғлиқ. Муаллифнинг таъкидлашича, суд олди босқичида

³⁴ Трофименко В. М. Система уголовного процесса по УПК Украины //Уголовное судопроизводство, №1, 2013. –С. 9-10.

³⁵ Руновский А. В. Дифференциация уголовно-процессуальных форм досудебного производства по делам публичного обвинения: Автореф. дисс... канд.юрид.наук. Московская академия экономики и права. -М., 2012. –С. 15-16.

³⁶ Головко Л. В. Альтернативы уголовному преследованию как форма процессуальной дифференциации. Автореф.дисс....докт.юрид.наук. -М., 2003. –С. 14.

“суриштирув” тушунчасига қайтиш, континентал жиноят процессида эътироф этилган суд олди босқичининг мазмунини таъминлашни англатади³⁷.

Юқоридаги олимларнинг қарашлари билан жиноятчиликка қарши курашувчи орган ходимларининг бу борадаги йиллар давомида шаклланган қарашларига унчалик тўғри келмайди.

Шунинг учун, ишларни дастлабки терговда юритиш шаклидан воз кечганда, роман-герман жиноят процессининг мафкурасига мос равища суд олди босқичи муносабатларини шакллантириш масаласи бир мунча барвақт хуқуқий ечимни англатади.

Лекин, назарий даражада бу масалани кўриб чиқиш ва унда бошқа мамлакатлар, аввало МДХга аъзо мамлакатларнинг процессуал-норматив тажрибаларини таҳлил қилиш ўринлидир.

Масалан, Россия Федерациясининг ЖПКда судгача бўлган босқични соддалаштирувчи ишларни *суриштирувда юритиши шакли* назарда тутилган.

Мамлакат қонунига кўра, жиноят ишларини суриштирув тартибида юритиш амалда дастлабки терговнинг соддалаштирилган шаклидир.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 150-моддаси учинчи қисмига биноан, суриштирувда: ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади.

Суриштирув тарзидаги тергов дастлабки тергов учун белгиланган қоидаларга мос ҳолда амалга оширалиди. Шунга биноан, суриштирувчи ўзи юритаётган жиноят иши бўйича эҳтиёт чорасини ўзи қўллайди (ЖПКнинг 224-моддаси), унинг якуни бўйича эса айблов актини тузади (ЖПКнинг 225-моддаси). Ишларни суриштирувда юритишнинг энг муҳим томони унинг муддатлари билан боғлиқ бўлиб, ЖПКнинг 223-моддасига мувофиқ, жиноят

³⁷Александров А. С. Диспозитивность в уголовном процессе: Автореф. дис... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 1995. – С. 15.

иши қўзгатилган вақтдан бошлаб **йигирма кунда** тугалланиши лозим. Мазкур муддат прокурор томонидан ўн кун муддатга узайтирилиши мумкин³⁸.

Қозоғистон ЖПК ижтимоий хавфи кам бўлган жиноий хуқуқбузарликларни икки шаклда (ЖПКнинг 189-моддаси), *биринчиси*, ишларни суриштирувда юритиш (унинг юритуви дастлабки тергов учун белгиланган тартибда амалга оширилади); *иккинчиси*, ишларни баённома (протокол) шаклида юритиш. Қозоғистонда ЖКда белгиланган 68 та жиноятлар **протокол (баённома) тузиш тартибида юритилади** (ЖПКнинг 191-моддаси). Ишларни суриштирувда юритиш муддатини белгилашда қонун мақсадга мувофиқлик принципи талабларига риоя этилишини эътироф этади.

Қозоғистон ЖПКнинг 192-моддаси 2-банди суриштирувнинг умумий муддатини бир ой қилиб белгилаган. Мазкур муддат прокурор томонидан ишнинг ҳолатидан ҳамда унинг фактик ҳолатларини аниқлаш муракқаблигидан келиб чиқиб, оқилона муддатга, лекин уч ойдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Қозоғистон ЖПК судга қадар ишларни баённома (протокол) шаклида юритишнинг қуйидаги устун жиҳатларини эътироф этади:

1) гумон қилинувчи маълум бўлганда, унга нисбатан дархол баённома тузиш; 2) жиноий хуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш зарурияти мавжуд бўлганда уч кун ичida баённома тузиш; 3) иш бўйича эксперт хulosасини ёки мутахассиснинг фикри олиниши зарур бўлганда ушбу ҳужжатлар олинган кундан бир сутка ичida баённома тузиш (ЖПКнинг 526-моддаси).

Шубҳасиз ушбу қоидалар судга қадар ишларни юритиш босқичида вужудга келадиган ва кечадиган процессуал муносабатларни соддалаштириш учун хизмат қиласи.

³⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

Дастлабки тергов босқичини соддалаштиришга оид институцияйий шакллар яна МДҲга аъзо бошқа мамлакатлар, хусусан Озарбайжон (ЖПКнинг 214, 293-297-моддалари), Туркманистон (ЖПКнинг 223, 236-240-моддалари), Молдова (ЖПКнинг 515-519-моддалари), Тожикистон (ЖПКнинг 151-157-моддалари) ва Қирғизистон (ЖПКнинг 38-40, 168-169-моддалари)³⁹ қонунларида мавжуд. Ушбу мамлакатлар қонунларида назарда тутилган суд олди босқичида ишларни юритиш шаклларининг соддалашуви ўзига хос процессуал жиҳатларга эга.

Масалан, Озарбайжон Республикаси ЖПК ишларни суриштирувда юритишни дастлабки терговга “ёрдамчи” мақоми билан бир қаторда, унинг тури сифатида эътироф этади ҳамда суриштирув органлари зиммасига ишларни соддалаштирилган тартибда юритиш ваколатини тақдим этади.

Туркманистон ҳамда Тожикистон қонунларида ҳам суриштирув органи ва суриштирувчининг мақоми тергов органига “ёрдамчи” ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъект сифатида этироф этилади.

Бу мамлакатлар қонунларига кўра, ишларни суриштирувда юритиш дастлабки тергов олиб борилмайдиган жиноятлар бўйича амалга оширилади. Суриштирувда юритиладиган жиноятлар сони Туркманистон қонунида 28 тани⁴⁰, Тожикистон қонунида 26 тани⁴¹ ташкил қиласади.

Уларнинг барчаси унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи кам бўлган жиноятлардир. Қирғизистон Республикасининг ЖПКда ҳам суриштирув фаолиятини тартибга солишда мана шу усулга амал қилинган.

Юқорида кўриб чиқилган айрим хорижий давлатлар қонунчилигига суриштирув органлари томонидан мустақил равишда ишларни юритиш нафақат суд олди босқичидаги процессуал муносабатларни структуравий

³⁹ Мазкур тартиб Қирғизистон Республикасининг 2014 йилда эълон қилган ЖПК лойиҳасида белгиланган.

⁴⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана, от 18 апреля 2009 года (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г., 03.05.2014 г.) http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=27706

⁴¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30692

асосда соддалаштиришни, балки институциявий жиҳатдан соддалаштиришни ҳам англатади. Назарда тутилаётган масала суриштирувда ишларни юритиш муддатлари билан боғлиқ. Озарбайжон ЖПКда ишларни суриштирувда юритиш учун бор-йўғи ўн кун муддат белгиланган бўлса (218-модда), Тожикистон ЖПК бунинг учун ўн беш кунлик муддат тақдим этган. Қирғизистон ЖПКда суриштирув ишлари йигирма кундан ошмаслиги лозим (172-модда), Туркманистон қонуни ишларни суриштирувда юритиш учун бир ой муддат белгилаган (237-модда)⁴². Кўрсатилган муддатлар асосан ишдаги ҳолатларнинг ҳажмдорлиги ёки муайян тергов ҳаракатини амалга ошириш зарурияти туфайли узайтирилиши мумкин. Масалан, Туркманистон ЖПКда бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга (237-модда), Тожикистон ЖПКда узайтириш муддати ўн беш кундан ошмаслиги лозим. Озарбайжон (ЖПКнинг 218-моддаси) ва Қирғизистон (ЖПКнинг 172-моддаси) қонунлари ишларни суриштирувда юритиш муддатларини узайтиришга йўл қўймайди.

Ишларни мустақил суриштирув шаклида юритиши тартибини назарда тутмайдиган МДҲга аъзо мамлакатлар қаторида Арманистон ва Грузия республикалари ўрин олган ҳамда яқин даврда Ўзбекистон ҳам шу давлатлар рўйхатида эди.

Лекин, жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида амалга оширилган сўнгги ислоҳотлар натижасида, Ўзбекистонда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг айrim қисми (жаъми: 85та жиноятлар) суриштирув шаклида юритиладиган бўлди⁴³.

Арманистон Республикаси қонунида ушбу масалада ўзига хос ёндошувлар ишлаб чиқилган. Бу ердаги “ўзига хослик” қонунларда жиноий таъқиб фаолиятини юритувчи субъектлар сифатида фақат прокурор ва терговчи эътироф этилганлигидир.

⁴² Туркманистон ЖПКнинг 237-моддасига кўра, суриштирувчи дастлабки тергов юритиладиган ишлар бўйича иш материалларини ўн кундан кечиктирмай терговчига юбориши лозим.

⁴³ 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎРҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда

Мамлакатларнинг ЖК назарда тутган жиноятларнинг барчаси бўйича дастлабки тергов ишларини юритиши тартиби ўрнатилган. Мамлакатнинг соҳа қонуни суриштирув органлари зиммасига деярли бир ҳил ваколатларни юклайди. Уларнинг асосини тергов фаолиятини амалга оширишга, жиноятларни фош этишга “ёрдам кўрсатиш”; жиноят иши бўйича терговчи, прокурор ва суд томонидан берилган топшириқларини бажариш; жиноятларни олдини олиш кабилар ташкил қиласи. Мазкур мамлакатнинг суриштирув органлари жиноят иши қўзғатиш ва уни тугатиш ваколатига эга бўлиб, ўн кун муддат ичида жиноят ишини унда тўпланган барча материаллар билан бирга терговчига юборишлари лозим⁴⁴.

Кўпчилик собиқ иттифоқ республикаларида амалга киритилган жиноят-процессуал қонунлардан суриштирув фаолиятини турли тарзда тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Жиноят процессининг суд олди босқичидаги хуқуқий муносабатларни тезлаштириш нуктаи назаридан бундай процессуал ечимларни қўйидаги баҳолаш мумкин: 1) *суриштирув органи (суриштирувчи) дастлабки тергов ишларини юритишида терговчига кўмаклашади ҳамда муайян тоифадаги жиноят ишларини мустақил равишда юритиши ваколати билан таъминланган* (бундай тартиб процессуал муносабатларни соддалашувига ёрдам беради); 2) *суриштирув органи (суриштирувчи) фақат муайян тоифадаги жиноят ишларини юритадилар* (масаланинг бундай процессуал шакли нафақат суд олди босқичини, кейинчалик суд муҳокамаси босқичини ҳам соддалашувига ҳизмат қиласи); 3) *суриштирув органи (суриштирувчи) муайян тоифадаги жиноят ишларини қўзгатади ва тугатади, лекин жиноят ишини мустақил юритмайди* (бундай тартиб суд олди босқичининг айрим этапидаги хуқуқий муносабатларни якунлаш асносида унинг жадаллигини таъминлаши мумкин); 4) *суриштирув органи (суриштирувчи) дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларида жиноят ишини юритишида терговчи, прокурор ва суднинг топшириқларини*

⁴⁴ Шундай қоида Арманистон Республикаси ЖПКнинг 57-моддаси олтинчи бандида; Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 342-моддаси иккинчи қисмида белгиланган.

бажаради ҳамда жиноятни фош этишида фаол иштирок этади (сурештирув органи фаолиятининг мазкур йўналиши суд олди ва ундан кейинги босқичларни соддалаштиришга билвосита, яъни жиноят иши бўйича сурештирувчига юкланган вазифани фақат тезликда бажариш ва уни сифатли амалга ошириш тушунчаси воситасида таъсир кўрсатиши мумкин); 5) қонунчиликда сурештирув органининг фаолияти умуман назарда тутилган эмас (суд олди босқичини тартибга солишнинг бундай шакли процессуал муносабатларни соддалаштиришнинг бошқа шаклларини жорий қилиш орқали тўлдирилади, масалан айни бўйнига олиш тўғрисидаги келишув ва б.).

Шундай қилиб, қайси мамлакатлар қонунчилиги суд олди босқичини дифференциациялаган ҳолда, сурештирув органларига муайян тоифадаги жиноят ишларини юритиш ваколатини тақдим этган бўлса, уларда жиноят ишларини қисқа муддатларда суд муҳокамасига юбориш тартиби ишлаб чиқилган. Аксинча, жиноят ишлари фақат дастлабки тергов шаклида юритиш тартиби белгиланган бўлса, қонунда белгиланган дастлабки тергов ишларини юритишида унинг умумий муддатларига амал қилиш даркор бўлади. Ҳуқуқшунос олим В.И.Крупницкаянинг таъкидлашича, тергов ва сурештирув фаолиятлари ўртасидаги чегараларнинг қонунчиликда аниқ ўрнатилмаганлиги сурештирувни дастлабки терговнинг мустақил шакли сифатида эътироф этишга имкон бермайди. Ушбу фикрга асосланувчи бошқа олимларнинг фикрича, сурештирув органига тааллуқли бўлган тезкор-қидирув ва маъмурий фаолиятлари дастлабки терговни юритиш имконини чеклайди. Бунинг учун қонунчиликдаги камчиликни бартараф этиш ва суд олди босқичи структурасида сурештирув фаолиятининг ўрнини аниқ белгилаш лозим⁴⁵. Суд олди босқичида ишларни юритиш шаклларини соддалаштириш - Ўзбекистон Республикасида давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим

⁴⁵ Крупницкая В. И. Дознание в органах внутренних дел: /Актуальные проблемы совершенствования законодательства, правоприменения и правовых теорий в России и за рубежом: Материалы Второй Международной научно-практической конференции (3 декабря 2009 г.) /Под общ. ред. д.ю.н., проф. В.Л. Кудрявцева. – Челябинск: филиал МПГУ, Изд-во “РЕКПОЛ”, 2010. – С.204.

йўналишига айланган. Ушбу йўналишнинг асосида эса, А.В.Руновский таъкидлаган фикрларнинг ўрин эгаллаши мақсадга мувофиқ.

Унинг таъкидлашича, жиноий таъқиб айлов ҳокимиятининг агентларидан бўлган полиция томонидан ҳам амалга оширилиши лозим. Мазкур вазифани бажаришда полиция фаолияти икки жиҳатни, *биринчиси*, жиноий таъқиб фаолияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иккинчиси, жиноятларни зудлик билан очиш ва уни содир этган шахсларнинг айбини самарали фош этиш вазифаларини уйғунлаштириши зарур. Полиция томонидан аниқланган маълумотлар улар судга тақдим этилганидан сўнг далил деб топилиши керак⁴⁶.

Юқоридаги таҳлиллардан фикрлайдиган бўлсак, суд олди босқичини тезлаштириш имкониятларини таъмин этувчи процессуал шакллардан бири – ишларни суриштирувда юритиш институтини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бу масалани ҳал қилишда уч муҳим ҳолатни аниқлаб олиш зарур бўлади. *Биринчиси, суриштирувда қайси тоифадаги ишлар юритилиши керак;* *иккинчиси, суриштирувда ишларни юритишнинг шакли ва тартиби;* *учинчиси, ишларни юритиши тартибида мавжуд бўлган процессуал-ҳуқуқий кафолатларнинг мазмун ва шакли;*

Мазкур масалага оид илмий ва норматив ёндошувларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ЖПКга соддалашган, тезкор ва ихчам судга қадар ишларни юритиш босқичи зарур эканлигини таъкидлаш жойиздир. Бунинг учун юқорида аниқлаб олинган процессуал-ҳуқуқий мезонларга амал қилиш лозим. Шундан келиб чиқиб, суриштирувда қай шаклда ишларни юритиш мақсадга мувофиқ деган саволга, ЖПКнинг 381²-моддаси аниқ жавоб беради. Унга кўра, *85 турдаги жиноятларнинг ишлари* суриштирув шаклида юритилиши лозим. Ушбу жиноятларни гурухлайдиган бўлсак, шахснинг соғлиғига қарши жиноятлар (ЖКнинг 105, 109-111-моддалари), шахснинг

⁴⁶ Руновский А. В. Дифференциация уголовно-процессуальных форм досудебного производства по делам публичного обвинения: Автореф. дисс. канд.юрид.наук. Московской академии экономики и права. -М., 2012. –С. 17.

соғлиги ва ҳаётига қарши жиноятлар (ЖКнинг 112-114, 115, 117-моддалари), жинсий эркинликка қарши жиноятлар (ЖКнинг 120-121-моддалари), оила, ёшлар ва ахлоққа қарши жиноятлар (ЖКнинг 125-129, 131-133-моддалари), эркинликка, шахснинг шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар (ЖКнинг 136, 138-140-моддалари), мулкка қарши жиноятлар (ЖКнинг 168-169-моддалари), ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (ЖКнинг 170-173-моддалари), иқтисодий асосларга қарши жиноятлар (ЖКнинг 185-185¹-моддалари), хўжалик юритуви соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг 186²-моддаси), бошқарув тартибига қарши жиноятлар (ЖКнинг 213-214, 224-228, 228¹, 229³-моддалари), жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (ЖКнинг 250¹, 255², 259-моддалари), йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг 262, 263¹, 266, 268-269-моддалари), гиёҳванд моддалари ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланмасини ташкил қилувчи жиноятлар (ЖКнинг 270, 274, 276-моддалари), жамоат тартибига қарши жиноятлар (ЖКнинг 277-278-моддалари), ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг 278¹-278⁶, 278⁷-моддалари) – ички ишлар органлари томонидан; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан – оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар (ЖКнинг 122, 123, 185² ва 232-моддаси биринчи қисми); Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан – иқтисодий асосларга қарши жиноятлар (ЖКнинг 177, 179, 183, 184-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари, 184¹-моддаси), хўжалик юритуви соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг 177, 179, 183, 184-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари, 184¹, 186-моддаси биринчи қисми, 189-192-моддалари) ҳамда Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар (ЖКнинг 130-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари, 130¹, 184-моддаси биринчи ва

иккинчи қисмлари, 244³, 250¹-моддаси биринчи қисми) бўйича суриштирув юритуви амалга ошириладиган бўлди.

Суриштирувни амалга ошириш муддатлари ҳам суриштирувни мустақил амалга ошириш ваколати тартибга солинган МДҲга аъзо мамлакатларнинг қонунчилигига эътироф этилган муддатларга ўхшаш бўлиб, унинг асосий муддати бир ой қилиб белгиланган.

Агар ушбу муддатда суриштирувни якунлаш имкони бўлмаганда эса, прокурор томонидан уни яна йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖПК суриштирувни амалга ошириш учун белгилаган мутлақ муддат эллик кунни ташкил қиласди.

Агар тадқиқот ишимизда, дастлабки тергов муддатини икки ойга қадар (60 кун) қисқартириш ҳақидаги таклифимизни инобатга олсак, суриштирувни амалга ошириш ва дастлабки тергов муддатлари ўртасида бор-йўғи ўн кунгина фарқ мавжуд бўлар экан. Агар дастлабки терговнинг амалда бўлган асосий муддатига нисбатан оладиган бўлсак, суриштирувнинг мутлақ муддати ўртасида фақат қирқ кун фарқ мавжуд. Энди одам ўлдириш жиноятини асосий муддатда тергов қилиш билан, баданга қасддан енгил тан жароҳати етказиш ёхуд бўлмаса фирибгарлик жинояти бўйича суриштирувни амалга оширишнинг мутлақ муддати ўртасида таққослайдиган бўлсак, жиноят ишларини судга қадар юритувидаги жиддий соддалаштириш ҳақида гапириш бир мунча эҳтиёткорликни талаб қиласди. Шубҳасиз, ишларнинг суриштирув шаклида юритилишининг ўзи жиноят - судлов муносабатларини соддалаштиришга ҳизмат қиласди. Лекин гап процессуал-ҳуқуқий имконият ва ташкилий-ҳуқуқий ресурслар мавжуд бўлган ҳолатда, айланувчиларни тезроқ суд қаршисида хозир бўлишларини таъминловчи муқобил судлов шаклларини жорий этиш тўғрисида бормоқда.

Ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал муносабатларни соддалаштиришда суриштирув юритувига нисбатан муқобил процессуал

шаклни мамлакатимизнинг яқин тарихида мавжуд бўлган⁴⁷ ҳамда хозир ҳам баъзи мамлакатларнинг хуқукий амалиётида фойдаланиб келинатёган **жиноят ишларини протокол (баённома) шаклида юритиш тартибида** кўришимиз мумкин.

Ишларни протокол шаклида юритиш 1994 йилнинг 1 апрель кунига қадар мамлакатимизнинг судлов амалиётида ҳаракатда бўлиб келганлигини тадқиқотимизнинг 1-бобида кўриб чиқсан эдик. Мазкур иш юритувининг муҳим жиҳати муддат билан боғлиқ бўлган.

Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 380-моддасида ишни *кўпи билан ўн кун* муддатда тугатиш, бунинг учун суриштирув органи – жиноятнинг ҳолатини ва хуқуқбузарнинг шахсини аниқлаб чиқишлари, хуқуқни бузувчидан, шоҳидлардан ва бошқа шахслардан тушунтиришлар олишлари, хуқуқни бузувчи шахснинг илгари судланган-судланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома, унинг иш ёки ўқиш жойидан тавсифнома ва ишни судда кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа материалларни тўплашлари лозим бўлган⁴⁸. Бугунги кунда ишни судга қадар юритиш босқичини соддалаштириш масаласи суриштирув фаолиятини, аникроғи унда юритиладиган жиноят ишларини, яъни ЖПКнинг 381²-моддасида қайд этилган жиноятларни иккига ажратиши талаб қилмоқда. Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг муайян турлари⁴⁹ протокол (баённома) шаклида юритилиши

⁴⁷ Ўзбекистон ССР ЖПКга 1966 йилда ижтимоий хавфи кам бўлган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига тааллукли, дастлаб факат безорилик (Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги ЖКнинг 204-моддаси биринчи қисми), давлат ёки жамоат мулкини оз микдорда талон-тарож қилиш (ўша ЖКнинг 114¹-моддаси биринчи қисми) жиноятлари материалларни судда кўриб чиқишдан олдин тайёрлашнинг протокол шаклида юритила бошланди⁴⁷, кейинчалик унга яна: нафақа тўлашдан ёки болаларни боқищдан бош тортиш (104-модда), мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (122-модданинг биринчи қисми), шахсий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (133-модданинг биринчи қисми), ҳаридор ва буюртмачиларни алдаш (177-модданинг биринчи қисми) каби жами 16 турдаги жиноятлар протокол (баённома) шаклида юритилганди (қаранг: Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомстлари. 1985, 13-сон.143-модда).

⁴⁸ Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент: Ўзбекистон нашр., 1991.

⁴⁹ Жумладан, ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш билан қўрқитиши (112-модданинг биринчи қисми), аёлни аборт қилишга мажбурлаш (115-модда), қўпхотинлик (126-модда), ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз ҳаракатларда бўлиш (129-модда), исловатхона саклаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда), вояга етмаганлар ва ишга лаёқатсиз шахсларни боқищдан бош тортиш (122-модда), ота-онани боқищдан бош тортиш (123-модда), мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш (173-модданинг биринчи қисми), электр ва иссиқлик энергияси, газ ва

мақсадга мувофиқдир. ЖПКнинг 381²-моддаси тасарруфидаги қолган жиноятлар эса, суриштирув юритувига тегишли бўлиши керак.

Бунда бўлиниш, *биринчидан*, процессуал жиҳатдан далиллар доирасининг ўлчовлилиги (торлиги), *иккинчидан*, исботлаш жараёнинг унча мураккаб эмаслигини назарда тутади. *Учинчидан* эса, ишни юритишида иштирок этадиган шахслар доирасининг торлиги билан ҳам фарқланади.

Шунингдек, эътироф этилган жиноятларни протокол (баённома) тартибида юритишининг бир нечта омилларини келтириб ўтиш мумкин. Бу омилларни умумий тарзда жиноий-хуқуқий ва процессуал-хуқуқий турларга ажратилиди. Жиноий-хуқуқий омилларга: а) жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг камлиги ёки унча оғир бўлмаган жиноят турларига тааллуқли эканлиги; б) кўрсатиб ўтилган жиноятлар учун белгиланган санкцияларнинг оғир эмаслиги; в) жиноятларни малакалаш мураккаблик касб этмаслиги каби омилларни киритиш мумкин. Процессуал-хуқуқий омилларга эса: а) қайд этилган жиноятлар кўпчиликнинг кўз ўнгидага ёки аниқ фактик асосларда содир этилиши (яъни фактик маълумотларнинг аниқланиши); б) жиноятлар бўйича фактик ва юридик ҳолатларни аниқлашнинг мураккаб эмаслиги; в) жиноят содир этган ҳамда жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш механизми жиддий маъмурий-хуқуқий ресурсларни талаб этмаслиги; г) жиноят ишини қисқа муддатларда юритиш имкониятларининг юқорилиги билан боғлиқ процессуал омилларни киритиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, протокол (баённома) шаклида юритилиши тавсия қилинаётган жиноятларни айримлари, хусусан а) ўлдириши ёки баданга

сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (185²-моддаси), ноқонуний уюшмалар ва диний ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга мажбур этиш (216¹-модда), диний ташкилотлар тўғрисидаги конунчиликни бузиш (216²-модданинг биринчи қисми), маъмурий назорат қоидаларини бузиш (226-модда), хужжатлар, штапмлар, бланкалар, автомототранспорт воситалари ва уларнинг шатакларига (яримшатакларини) тегишли давлат белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш ёки яшириш (227-модданинг биринчи қисми), ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш (229¹-модда), диний таълимга оид тартибни бузиш (229²-моддаси), тақиқланган экинларни экиш (270-модданинг биринчи қисми), безорилик (277-модданинг биринчи қисми) каби жиноятлар протокол (баённома) шаклида юритилиш лозим.

шикаст етказии билан құрқитиши, б) аёлни аборт қилишига мажбурлаш вә в) мулкни қасдан нобуд қилиши ёки унга шикаст етказии жиноятлари судда хусусий айлов юритиш тартибида ҳал қилиниши мүмкін.

Аммо, бу масалада шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, қайд этилган жиноятлар оқибатида жабр күрган шахслар ўзларига нисбатан содир этилган жиноятларни оммавий тартибда таъқиб этилишини сўраб сурштирув органига ариза билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга бўлишлари керак. Ушбу турдаги жиноятларда жабрланувчиларнинг мустақил равишда хусусий тартибда айлов юритиш имкониятлари чегараланган бўлиши мүмкін.

Энди протокол (баённома) шаклида ишларни ким юритиши зарур эканлиги ҳақидаги саволга жавоб излаш мухим. Демак, масаланинг икки ечимини кўриш мүмкін, *биринчиси*, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, *иккинчиси*, сурштирув органлари.

Агар ЖПКнинг 39¹-моддасига мурожаат этсак, терговга қадар текшируv органлари – а) жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, б) уларни кўриб чиқиши натижаси юзасидан қарор қабул қилиш в) иш учун аҳамиятли бўлиши мүмкін бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни амалга оширишлари лозим. Мазкур вазифаларни бажаришда терговга қадар текшируvни амалга ошируvчи орган – ...терговга қадар текшируvни бошлишга... ҳамда ...жиноят ишини қўзғатишига ҳақлидир. Терговга қадар текшируv органи ЖПКда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга оширади ва қарорлар қабул қиласди (320²-модда). Демак, терговга қадар текшируvни амалга ошируvчи органлар (ЖПК 320²-моддасида кўрсатилган) процессуал мақомларига кўра, айнан жиноят-процессуал муносабатларнинг вужудга келиш босқичи субъектлари хисобланадилар, вазифаларининг мазмунига кўра эса, уларни вужудга келтируvчи асосий субъектлардир. Бу дегани, жиноят ҳақидаги ариза, шикоят ва хабарларни ҳал қилиш жараёнида ҳаммадан аввал ўзларининг процессуал вазифаларига киришувчи субъектлар айнан терговга қадар текшируvни амалга ошируvчи органлардир. Агар

уларнинг жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишда, иш учун аҳамиятли маълумотларни тўплаш, сақлаш ва улар юзасидан процессуал қарорлар қабул қилиш ваколатига эга эканликларини инобатга оладиган бўлсак, жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарларда ҳукуқбузарлик тўғрисидаги маълумотлар аникланиб, аммо улар юзасидан дастлабки тергов ёки суриштирув ишларини юритиш мақсадга мувофиқ бўлмаган тоифадаги жиноятлар бўйича иш учун аҳамиятли маълумотларни протокол (баённома) тузиш воситасида прокурор орқали дархол судга тақдим этиш жуда самарали ва мақсадга мувофиқ процессуал ечим сифатида кўрилиши мумкин. Агар терговга қадар текширувни олиб борувчи органларнинг асосийлари яна суриштирувни амалга ошириш ваколатига эгалигини инобатга олсак, аввал санаб ўтилган тоифадаги жиноят ишларини протокол (баённома) шаклида юритиш тартибини қонунга жорий этиш мураккаблик келтириб чиқармайди, амалиётнинг мослашуви осонроқ бўлади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларига ишларни протокол (баённома) шаклида мустақил юритиш ваколатларини тақдим этиш билан боғлик таклифларга тааллуқли кейинги мухим масала *ишиларни юритиши тартибини* назарда тутиши лозим.

Шу масалага тааллуқли қўйидаги процессуал тартибларни концептуал шаклини таклиф этиш мумкин:

1) *Ишиларни юритувчи терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг аниқ доирасини белгилаш* (бунда ЖҚда назарда тутилган жиноятларнинг турига монанд равишда ишларни юритувчи суриштирув ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг аниқ субъектлари белгиланиши керак);

2) *Ишиларнинг терговга, яъни суриштирувга ҳамда протокол (баённома) шаклида юритишига тегишилийк тартиби* (бунда суриштирув ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг юритувига оид қайси турдаги жиноятлар қайси суриштирув ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг ваколатига тегишли эканлиги, қайси жиноятлар

умумий тартибда юритилиши мумкинлиги ҳақидаги масалалар аниқлаштирилиши лозим);

3) *Протокол шаклида ишларни юритишнинг вужудга келиши, ривожланиши ва якунланиши тартиби* (бунда ишни протокол (баённома) шаклида юритушнинг шартлари, асослари ва сабаблари, суриштирув ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларни амалга оширадиган тергов-суриштирув ҳаракатлари, суриштирувчи ва суриштирув органи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар қабул қиладиган процесдуал актлар хусусиятлари каби масалалар белгиланиши зарур);

4) *Ишларни протокол (баённома) шаклида юритии муддатлари ва уни узайтириши тартиби* (бунда ишни протокол (баённома) шаклида юритишнинг асосий муддати ва уни узайтириш тартиби, ушбу ваколатни амалга оширувчи шахсларнинг таркиби оид масалалар ҳал қилиниши керак);

5) *Ишларни юритии устидан прокурорлик ва маъмурий назоратининг ўзаро мутаносиб тартиби* (бундан прокурор томонидан назорат қилинадиган ва алоҳида санкцияланадиган теров ҳаракатлари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органи раҳбарининг ваколатлари, якуний процесдуал актнинг мазмун ва шакли каби масалалар ўрин олиши керак);

6) *Протокол (баённома) шаклида юритиладиган ишларини судда кўриб чиқиши, ҳал қилиши ва юқори инстанция судида ишларни кўриб чиқиши тартиблари* (бундан соддалаштирилган судлов юритуви шаклини белгиловчи процесдуал қоидалар ва тартиблар жой олиши лозим);

7) *Ишларни протокол (баённома) шаклида юритилган ишлар юзасидан қабул қилинган суд қарорларини ижро этиши тартиби* (бунда суд қарорларини ижро этишга оид процесдуал-хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларда протокол (баённома) шаклида юритилган ишлар бўйича қабул қилинган суд қарорларини ижро этиш тартиби белгиланиши лозим).

Мазкур таклифни сўровномага жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси кўпчилик ходимлари (сўровга 364 та ходим жалб этилган) ҳам мақуллашган.

Жумладан, жиноят процесси структурасини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни “протокол” (баённома) шакли юритиш билан тўлдириш фикрига ходимларнинг 52 % яримидан ортиғи ижобий ёндашган⁵⁰.

Демак, ишларни протокол (баённома) шаклида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлари томонидан юритилишини таъкидланган масалалар доирасида ва йўналишида тартибга солиниши жиноят процессининг суд олди босқичини дифференциациялаш орқали унда вужудга келадиган муносабатларни соддалаштиришда мухим процессуал шакл бўлиб ҳизмат қиласи.

Протокол (баённома) шаклида юритилиши таклиф этилаётган жиноятлар бугунги кунда дастлабки тергов босқичда юритилаётган жиноят ишларининг тўртдан бир қисмини ташкил қиласи (амалиётдаги расмий статистик маълумотларга биноан 2017 йилда содир этилган жами 73 692та жинояттарнинг 24 783таси унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи кам бўлган жиноятлар ташкил қиласи).

Бу ҳолатни 2016 йилда ҳам кузатиш мумкин. Умумий содир этилган жиноятларнинг (улар 87 412та) 27 940 тасини ёки 31,96%ни мазкур тоифадаги жиноятлар ташкил қиласи⁵¹).

Суриштирув ва дастлабки тергов – жиноят процессининг мухим процессуал-хуқуқий аҳамиятга эга бўлган босқичи ҳисобланади.

Чунки, жиноят ишларини дастлабки тергов ёки суриштирувда юритмасдан туриб судда мазмунан кўриб чиқиш мумкин эмас.

Шунинг учун, ишни судга қадар юритиш жиноят процессининг зарурӣ босқичидир. Мазкур босқичда айблов хулосасини ёки айблов далолатномаси тузиш учун керакли бўлган далиллар аниқланиши, текширилиши ва тегишли

⁵⁰ Бош прокуратураси академиясининг расмий телеграм канали орқали 2020 йил апрель ойида ўтказилган сўров натижаларидан. Диссертация ишининг 2-иловаси.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси “Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси”нинг 2017 йил якуни бўйича тергов соҳасидаги таҳлилий маълумотлари. –Т.: 2017й. ва 2016й.

тартибда баҳоланиши лозим. Фақат уларнинг асосида жиноят содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги, бунда жиноят ишига жалб қилинган шахснинг айбдор ёки айбсиз эканлиги тўғрисида қарор чиқариш мумкин⁵².

Ишни судга қадар юритиш босқичининг марказида исбот қилиш фаолияти туради. Исботлаш жараёнида фойдаланиладиган процессуал усул ва воситаларнинг хусусиятларига қараб исбот қилиш рўёбга чиқади.

Исбот қилиши – ишни судга қадар юритиш босқичининг асосий мақсади, ушбу фаолиятда фойдаланиладиган усул ва воситалар эса, ушбу мақсадга эриштирувчи процессуал-хуқуқий омиллардир⁵³.

Демак, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов – бу аввало жиноят иши ҳолатларини исбот қилиш мақсадида далилларни аниқлаш, текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи жиноят-процессуал муносабатлар тизимини ташкил қиласди.

Худди шу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда танлаган процессуал усули ва воситаларидан қандай даражада фойдаланиши, уни ўз вақтида қўллаши суриштирув ва дастлабки тергов босқичининг соддалашувини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, суриштирув ва дастлабки тергов босқичининг муҳим жиҳати унда вужудга келадиган, давом этадиган ёки тугатиладиган муносабатлар қонунда белгиланган вақт нуқтаи назаридан қатъий чегараланган муддатларда, муайян қонунда белгиланган шартлар асосида амалга оширилади.

Ишни судга қадар юритиш босқичига оид вазифаларни бажаришнинг муҳим жиҳати унинг қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилишидир.

⁵² Ефимичев С. П., Ефимичев П. С. Расследование преступлений: теория, практика, обеспечение прав личности: -М.:Юстицинформ; 2009. –С. 3.

⁵³ Жиноий тажовузлардан ҳимояланишнинг процессуал усул ва воситалари /Мухитдинов Ф. М., Тўлаганова Г. З. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ТДЮУ Хукукий тадқиқотлар маркази. –Тошкент: Ношир, 2014. –Б.18.

Чунки, процессуал муддатлар – бу қонун билан белгиланган вақт оралиғи бўлиб, унинг доирасида жиноят процессининг иштирокчилари процессуал қарор қабул қилиш ёхуд муайян процессуал ёки тергов ҳаракатларини амалга ошириш мажбуриятига (шунингдек ҳукуқига) эгадирлар⁵⁴. Қонунда белгиланган муддатдан ташқари амалга оширилган тергов ҳаракатлари ёки қабул қилинган процессуал қарорлар юридик кучга эга бўлмайди.

Исботлаш вазифаси қонунда белгиланган муддатлар доирасида амалга оширилиши зарур. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ишни судга қадар юритиш босқичига алоқадор муддатларнинг икки тури алоҳида ажратилган.

Биринчиси, Дастлабки тергов муддатлари:

- а) тергов жараёнини назорат қилиш;
- б) судга бўлган ҳукуқни амалга ошириш борасидаги халқаро ҳукуқий принцип (Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Пактнинг 14-моддаси, 3-қисми, “с” банди);
- в) жиноят ва жазо ўртасидаги вақтни қисқартириш орқали самарали жазолаш талабларини бажариш шарти;
- г) қўпгина процессуал мажбурлов чораларини қўллаш вақтини таъмин этади⁵⁵.

Иккинчиси, жиноят ишиларини суриштирувда юритиш муддатлари. Ишни судга қадар юритишнинг бундай шакли жиноятларнинг ижтимоий хавфига қараб белгиланган, яъни суриштирувда кам аҳамиятли ва ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятлар юритилиши лозим (ЖПКнинг 38, 381¹ ва 381¹ моддалари).

Шунга мувофиқ, жиноят ишини суриштирувда юритиш муддатлари дастлабки тергов муддатларидан фарқ қиласди.

⁵⁴Процессуал муддатлар ҳақидаги мазкур тушунча Украина ЖПКнинг 113-моддасидаги матндан иҳтибос қилинмоқда (Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.iuaj.net/node/1099>).

⁵⁵ Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Туркменистана. Постатейный /Под общ. ред. проф. А.В. Смирнова. СПб.: 2011. – С.313.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ишни судга қадар юритиш шаклларининг марказий элементи сифатида ҳизмат қилади.

Ишни судга қадар юритиши муддатлари процессуал аҳамиятга эга ҳолда, мазкур босқичда жиноят-процессуал муносабатларни соддалаштириш механизмини такомиллаштиришнинг асосий норматив - ҳуқуқий обьекти ҳисобланади. **Қонунчиликда ишларни суриштирувда ҳамда дастлабки терговда юритиш муддатлари асосий ва қўшимча турларга бўлинган.**

ЖПКнинг 351-моддасида, жиноят иши бўйича олиб бориладиган *дастлабки тергов уч ой*, ЖПКнинг 381⁷-моддасида эса, *суриштирув бир ой* муддат ичидаги тамомланиши лозимлиги белгиланган.

Қайд этилган муддатлар жиноят ишларни дастлабки тергов ва суриштирувда юритишнинг *асосий муддатлари* ҳисобланади.

Мазкур муддатларнинг бошланиш вақти – жиноят иши қўзғатилган кундан ҳисобланса, унинг якуний вақти иш айлов хулосаси билан, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишни тугатиш ҳақида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов ёки суриштирув тамомланган ҳисобланади.

Ишни судга қадар юритишнинг қўшимча муддатлари деганда – жиноят ишларини дастлабки тергов ёки суриштирув шаклида юритишни қонунда белгиланган муддатда тамомлаш учун тўсиқ бўлувчи ҳолатларнинг мавжудлиги сабабли қонуний асос ва шартларда вужудга келадиган қўшимча вақт ичидаги жиноят ишини тамомлашни таъминловчи муддатлар ҳисобланади.

Ишни судга қадар юритиш жараёнида қўшимча муддатларни қўллаш эҳтиёжини таъминловчи процессуал нормалардан – а) дастлабки тергов муддатларини тартибга солишда (ЖПКнинг 351-моддаси); б) ишларни суриштирув тартибida юритишда (ЖПКнинг 381⁷-моддаси); в) айланувчига нисбатан қўлланилган қамоқقا олиш, уй қамоғи каби эҳтиёт чораларини

қўллашда (ЖПКнинг 242 ва 242¹-моддалари); в) гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриш (ЖПКнинг 226-моддаси) чоғида фойдаланилади.

Жиноят процессуал кодексида қўшимча муддатларни қўллаш учун сабаб бўладиган ҳолатларни тўғридан-тўғри кўрсатиб берилмаган.

Лекин амалиётда ҳамда назарияда унинг қўлланишига сабаб бўлувчи ҳолатларни жамлашга уринилади. Жумладан, ишни судга қадар юритиш амалиётида кўпинча қўшимча муддатларга бўлган эҳтиёж: а) содир этилган жиноят юқори ижтимоий хавфлилик даражасига эгалиги; б) тергов қилинаётган иш ҳолатларининг муракқаблиги, кўп эпизодлилиги; в) муайян фактик ёки юридик ҳолатларни қўшимча тасдиқлаш заруряти билан боғлиқ.

ТДЮУ профессори У. А. Тухташева ёзганидек, “масалан, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга дастлабки терговни қонунда белгиланган муддатларда ниҳоясига етказишининг имкони бўлмаган тақдирда йўл қўйилади”. Муаллифнинг фикрича, “ишни тергов қилишни ниҳоясига етказишининг имкони бўлмаганлиги: а) эпизодлар, иштирокчилар сонининг кўплиги; б) жуда кўп мураккаб экспертизалар ўтказиш; в) жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқа шу каби шахсларни сўроқ қилиш ишнинг ўзига хос ҳусусиятлари билан асосланиши керак”⁵⁶. Шундай ҳолатлар таъсирида жиноят иши юритувини қонунда кўрсатилган асосий муддатларда тамомлашнинг имкони бўлмаса, уни қўшимча муддатларда тамомлаш мажбурияти вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга киритилган сўнгти ўзгартириш ва қўшимчалар асосида ишни дасталбки терговда юритиш жараёнида фойдаланиладиган қўшимча муддатларнинг муайян даражаларини белгилаган ва улар қўйидаги муддатларни назарда тутади: *беш ой, етти ой* (ЖПКнинг 351-моддасидан тўққиз ва ўн икки ойлик муддатлар чиқариб ташланган), иш қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборилганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда, ушбу муддат яна *бир ойга* узайтирилади.

⁵⁶Тухташева У. А. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёjt чораси: тушунчаси ва қўллаш тартиби /Амалий қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашр., 2007. –Б. 46.

Иш қўшимча тергов қайтариб юборилганда, қўшимча тергов муддати мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан эътиборан *бир ой* доирасида белгиланади. Суриштирув органининг ваколатларига кўра, суриштирувнинг қўшимча муддати *йигирма* этиб белгиланган.

Иш қўшимча терговга қайтарлигандан, тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда, жиноят иши *ўн кун ичида* тугалланилиши шарт (ЖПКнинг 381⁷-моддаси). Амалдаги қонунимизда мазкур муддатлар структуравий жиҳатдан аниқ даражаларга бўлинган (ушбу муддатлар билан боғлик муносабатлар қатъий кетма-кетликда, бир муддатдан кейинги муддатга ўтиш орқали харакатда бўлади), балки улар аниқ дифференциацияга ҳам эга. Яъни жиноят ишини дастлабки терговда юритишнинг қўшимча муддатларини белгиловчи мансабдор шахслар унинг факат муайян муддатини белгилаш учун ваколатлидир. Жумладан ЖПКнинг 351-моддасига мувофиқ, дастлабки тергов муддатини *беш ойга* узайтиришга: а) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори; б) вилоятлар прокурорлари; в) Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ваколатлидир. Дастребаки тергов муддатини *етти ойга* узайтириш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари ваколатга эга.

Суриштирувни амалга оширишда эса, қўшимча муддат **ишни назорат қилувчи прокурор томонидан йигирма кунга узайтирилиши** мумкин.

Келтириб ўтилган дастлабки тергов ва суриштирувни амалга ошириш муддатлари жиноят процессини соддалаштириш ғоясига, агар бунда англо-америкача суднинг муддатлари нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак АҚШнинг 18 Федерал қонунлар тўплами 3161-317418§§га биноан жиноят ишининг судланувчи қамоққа олинган кундан бошлаб ўттиз кунда ёхуд судга биринчи марта чақирилган кундан бошлаб суд муҳокамасиузоги билан етмиш кун ичида бошланиши лозим. Демак, АҚШ судловида суд муҳокамасининг барча босқич ва тартибларига амал қилинган ҳолда ўтказиладиган ҳар қандай мураккабликдаги жиноят ишининг муҳокамаси учун тахминан юз кун вақт сарф этилади. Ушбу муддатларга амал қилмаслик, айловни тугатилишига

сабаб бўлади⁵⁷. Албатта, бу ерда Англо-америкача суднинг ўзига хос хусусиятини, яъни расмий суд олди босқичининг мавжуд эмаслигини назарда тутиш лозим), унчалик ҳам мувофиқ келмайди. Чунки, АҚШ қонунларида белгиланган – шахсга айб эълон қилиш ва иш бўйича суд муҳокамасининг ўртасидаги муддат, бизнинг дастлабки терговнинг асосий – уч ойлик ва ишни судда кўришни бошлиш муддатларидан бир мунча қисқа эканлигини эътироф этиш лозим.

Шунингдек, айрим ишлар бўйича бундай муддатлар ижтимоий ҳамда процессуал-хуқуқий заруриятга айланган, Негаки, мазкур зарурият негизида жиноят процессини юритувчи мансабдор шахслар зиммасига юклатилган яна ўша исбот қилиш вазифаси ётади.

Шу ўринда статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2018 йилда тергов қилинган жиноят ишларининг 75,8% қонунда белгиланган асосий муддат ичida тамомланган бўлса, 12% жиноят ишлари беш ойлик қўшимча муддатда; 7% етти ойлик муддатда тамомланган⁵⁸. Шундай бўлсада *дастлабки терговнинг қўшимча муддатлари* жиноят процессига жалб қилинган фуқароларнинг тезкор судга бўлган хуқуқларини баъзан чекланишига олиб келади. Шу боис, назаримизда бу борада исбот қилиш фаолиятини таъмин этувчи бошқа процессуал механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада МДҲга аъзо айрим давлатларнинг қонунчилик амалиётини таҳлил қиласиз. Россия Федерацияси ЖПКда дастлабки терговда ишларни юритишнинг асосий муддати жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб *икки ой* қилиб белгиланган бўлса, қўшимча муддатлар: *олти ой*; *ўн икки ойга қадар*; *ўн икки ойдан ортиқ муддат* қилиб белгиланган: (РФ ЖПКнинг 162-моддаси).

Бундай қоидаларни Беларусь Республикаси ЖПКда ҳам учратиш мумкин. ЖПКнинг 190-моддасида, тартибга солинган дастлабки тергов

⁵⁷ Махов В. Н., Пеиков М. А. Уголовный процесс США (досудебные стадии). Учебное пособие. - М.: ЗАО "Бизнес-школа "Интел-Синтез", 1998. -С.36.

⁵⁸Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йилдаги тезкор маълумотлар тўпламидан.

муддатлари – асосий – *икки ой*; қўшимча – *уч ой, олти ой* ҳамда чегараси белгиланмаган муддатда давом этиши мумкин⁵⁹.

Украина қонунига биноан ишларни дастлабки терговда юритишнинг қўшимча муддатлари: а) жиноий ҳуқуқбузарликлар учун – *икки ойдан ошмаслиги*; б) унча оғир бўлмаган ва ўрта оғирликдаги⁶⁰ жиноятлар тўғрисидаги ишлар учун – *олти ой* муддатдан ошмаслиги; в) оғир турдаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар учун – *ўн икки ойдан ошмаслиги лозим*⁶¹.

Қозоғистон Республикаси ЖПК 192-моддасида ҳам тергов муддатларининг *асосий*, яъни ишни судга қадар юритишнинг суриштирув шакли учун – *бир ой* муддат;

дастлабки терговда ишларни юритиш учун – *икки ой* муддат ўрнатилган бўлса, қўшимча муддатлар уч пағонага эга. Бундай структуралаш аввало қўшимча муддатларни узайтириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг маъмурий ваколатлари билан боғлик.

Хусусан, туман, шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорлар дастлабки терговнинг асосий муддатини – *бир ойгача*; вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорлар эса – *ўн икки ойгача*; Қозоғистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари – юритилаётган жиноят ишининг жавобгарликка тортиш муддатига қадар узайтиришга ваколатлидир (агар шахсга қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилмаган бўлса).

Туркманистон Республикаси ЖПКнинг 230-моддасида, дастлабки тергов муддатларига боғлиқ қоидалар белгиланган. Унга кўра, дастлабки терговда ишларни юритишнинг асосий муддати *икки ойни ташкил қиласи*. Ушбу муддат қўшимча равишда вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорлар томонидан *олти ойга*, дастлабки тергов муддати Туркманистон Бош

⁵⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. Текст кодекса с изменениями и дополнениями на 20 марта 2013 года. <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/upk/>

⁶⁰ Мазкур тушунча Украина ЖПКнинг нормаси диспозициясидан сўзма-сўз таржима қилинган.

⁶¹ Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.iuaj.net/node/1099>

прокурори ва унинг ўринбосарлари томонидан ўн икки ойга қадар узайтирилиши мумкин.

Узайтиришга жиноят ишлари бўйича исботланиши зарур бўлган ҳолатларнинг муракқаблиги сабаб бўлиши мумкин. Бундан ортиқ муддатга узайтиришга фақат Туркманистон Бош прокурорининг қарори билан йўл қўйилади⁶².

Тожикистон (ЖПКнинг 164-моддаси), Кирғизистон (ЖПКнинг 172-моддаси), Арманистон (ЖПКнинг 197-моддаси) ЖПКларида дастлабки терговнинг асосий муддати икки ойни ташкил қилиши белгиланган.

Фақатгина Озарбайжон Республикаси қонуни дастлабки терговнинг муддатини жиноят ишининг ижтимоий хавфлилик мезонига асосланган ҳолда тартибга соглан. Жумладан, ЖПКнинг 218-моддасига биноан дастлабки терговнинг асосий муддати: суриштирувда ишларни юритиш учун – ўн кун; ижтимоий хавфи кам бўлган жиноят ишларини дастлабки терговда юритиш учун – икки ой; унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича ишларни дастлабки терговда юритиш учун уч ой; ўта оғир жиноят ишларини дастлабки терговда юритиш учун – тўрт ой қилиб белгиланган⁶³.

Дастлабки тергов муддатини белгилашнинг бундай структураси ўзига хос норматив ёндошувни намоён этсада, лекин у амалий жиҳатдан унчалик ўзини оқламайди. Чунки, мазкур ёндошув жиноят ишларини юритишнинг жуда муҳим жиҳати бўлган – исбот қилиш ҳолати билан боғлиқ “ишнинг муракқаблиги” мезонини етарли равишда эътиборга олмайди.

Исбот қилиш вазифаси ҳамда унинг жараёни, албатта жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан боғлиқ, лекин бу унинг марказий мезони эмас.

Бу масалада, Эстония жиноят – процессуал қонунчилигининг тажрибаси ҳам муайян илмий қизиқиши уйготади.

⁶² Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана, от 18 апреля 2009 года (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г., 03.05.2014 г.) http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=27706

⁶³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азербайджан. abc.az/rus/news/45864.html

Хусусан, Эстония ЖПК дастлабки тергов муддатини узайтириши прокурор зиммасига юклаган. Унинг 111-моддаси, 1-бандига кўра, жиноят ишларини дастлабки терговда юритиш икки ойлик муддатдан ошмаслиги лозим.

Ушбу модданинг 2-банди дастлабки тергов муддатини узайтириш тартибини белгилаган бўлиб, унга кўра ишни назорат қилувчи прокурор томонидан дастлабки тергов муддати тўрт ойга қадар узайтирилиши мумкин. Дастлабки тергов муддатини узайтириш билан боғлиқ кейинги ҳаракатлар фавқулотта ҳолларда амалга оширилиши ҳамда фақат Давлат прокурори (Бош прокурор) ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин. Лекин муддатни узайтириш ваколати муайян чегарага эга эмас⁶⁴.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг кўпчилигига процессуал анъанага айланган дастлабки терговнинг икки ойлик *асосий муддати* – айланувчига жиноят ишини қисқа вақт ичида судга тақдим этилишига умидвор бўлиш ҳуқуқини таъминлайди.

Қўшимча муддатларни қўллаш ваколати эса, ушбу коллизион масаланинг асосли ҳуқуқий ечими, шунингдек *исботлаш фаолиятини* амалга ошириш механизмининг муҳим элементидир.

Айловнинг исботланганлиги ёки исбот қилинмаганлиги айланувчининг тақдири учун муҳим процессуал-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи юридик ҳодиса ҳисобланади.

МДҲга аъзо мамлакатларда жиноят процессини ташкил қилишнинг умумий принциплари ҳамда институтлари бир бирига яқин.

Улардаги айрим қоидаларни мамлакатимиз қонунига имплементация қилиш юридик техника жиҳатидан мураккабликни юзага келтирмайди.

Бундай ўзгаришларга бугунда амалиёт фаолияти эҳтиёж сезади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг куйинчаклик билан таъкидлаган сўзларини тушуниш мумкин, яъни: “Шуни афсус билан айтиш

⁶⁴ Уголовно-процессуальниқ кодекс Эстонии. yurotdel.com/zakony/ugolovno-

керакки, процессуал қонун нормалари асосида холисона тергов ўтказишни таъминламаслик, уни... чўзиш орқали фуқароларни сарсон қилиш каби салбий амалиётга батамом чек қўйилгани йўқ”⁶⁵.

Шу билан бирга, сўнгги йиллардаги жиноятчилик тўғрисидаги расмий маълумотлар рўйхатга олинган жиноятларнинг фақат бешдан бир қисми оғир ва ўта оғир жиноятлар эканлигини кўрсатмоқда⁶⁶.

Бу эса дастлабки терговда ишларни юритишнинг асосий муддатини қисқартириш ёки уни соддалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу муаммо ечимининг назарий асосини жиноят-процессуал муносабатларни соддалаштириш қоидаларини назарда тутувчи халқаро-хуқуқий нормалар мазмуни ҳамда ушбу қоидаларнинг қонунчиликка акс эттиришга доир жиноят-процессуал хуқуқ назариясида ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ташкил қиласди.

Шундай илмий тавсиялардан бирида дастлабки тергов босқичини ислоҳ этишнинг асосий йўналиши жиноят-процессуал муносабатларни инетнисивлаштиришга қаратилиши лозим⁶⁷.

Фикримизча юқоридаги каби қоидалардан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимиздаги дастлабки тергов муддатларини халқаро хуқуқ нормалари бўйича эътироф этилган МДҲнинг жиноят - процессуал қонунларига мослаштиrsак, дастлабки тергов босқичимизни янада демократлаштирган таъбир жоиз бўлса ишларни бир мунча ҳал этилиши тезлаштирилган бўлади.

⁶⁵ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Т. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б.190-215.

⁶⁶Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2014-2017 йиллардаги статистик маълумотларидан. Унда қайд этилишича, 2014 йилда 1088та оғир, 4510та ўта оғир жиноятлар рўйхатга олинган бўлиб, улар умумий жиноятчиликнинг тегишинча 12,4% ва 5,1%ни ташкил қиласди. Ушбу кўрчатгич, 2015 йилда тегишинча 11,7% ва 4,5%ни (жами рўйхатга олинган жиноятлар – 87 946та), 2016 йилда 11,4% ва 3,99%ни (87 412та), 2017 йилда эса 14,02% ва 3,92%ни (73 692та жиноят рўйхатга олинган) ташкил этган.

⁶⁷ Мухитдинов Ф. М. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал тизимини такомиллаштириш концепцияси: ғоя ва қоидалар. –Т.: Фалсафа ва хуқуқ инт-ти нашр., 2005. –Б.13.

Бундай процессуал-хуқуқий назария асосида ЖПКнинг 351-моддасини такомиллаштириш зарур ва ушбу ишни амалга оширишда МДҲга аъзо давлатлар қонунчилигига мавжуд икки муҳим жиҳатни миллий қонунчилигимизга жорий этиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Дастлабки терговнинг асосий муддати билан боғлиқ бўлиб, уни уч ойдан икки ойга қадар камайтириш. Бунда содир этилаётган жиноятлар статистикасининг ўзи бундай ўзгартиришни тақозо қилмоқда⁶⁸.

Ижтимоий хавфи кам бўлган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни тергов қилиш муддатини уч ой вақтга чўзишининг зарурати йўқ. *Кейинги жиҳат* дастлабки терговнинг қўшимча муддати билан боғлиқ.

Мазкур масаланинг ўзини бир неча йўналишини кўриб чиқиш мумкин. Жумладан буларнинг асосийлари: қўшимча муддатларнинг ўзи ҳамда қўшимча муддатларни қўлловчи мансабдор шахсларнинг субъекти доираси билан боғлиқ.

Бу борада МДҲ мамлакатларнинг қонунчилик амалиётида турли хил ечимлар мавжудлигини кўрдик.

Молдова Республикаси жиноят-процессуал қонунида, дастлабки тергов муддатини белгилашда тўлиқ равишда ўзи эътироф этадиган оқилоналиқ принципига амал қиласди.

Молдова Республикаси ЖПКда дастлабки терговнинг асосий ва қўшимча муддатлари ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб прокурор томонидан мустакил равишда аниқланади (ЖПКнинг 259-моддаси).

Албатта бундай норматив-хуқуқий ечим жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштиришнинг муаммоларини ечишга етарли ёрдам қиласлиги мумкин.

⁶⁸ Бугунда иижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг ЖҚда белгиланган тахминан 230дан ортиқ жиноят турларининг 81таси суриштирувда юритилмоқда, қолган ишлар дастлабки терговда ҳал этилмоқда.

Вақт тушунчаси нуқтаи назаридан олганда, ҳар қандай ҳаракат, ҳаттоғи оқилона муддатда олиб бориладиган ҳаракат ҳам муайян чегарада ёки, бошқача айтганда, вақт оралиғида амалга оширилиши керак.

Муддат чегарасини аниқ белгиламаслик, узоқ вақт давом этадиган “*ишини құзии*”ни вужудға келтириши мүмкін.

Грузия ЖПК дастлабки терговнинг мақсадга мувоғиқ муддатларини процесуал-хуқуқий мезонларга эмас, балки жиноят-хуқуқий мезонларга, яъни жиноий жавобгарликка тортиш мұхлати учун белгиланған муддат давомида амалга ошириш қоидасини ўрнатған (ЖПКнинг 103-моддаси).

Дастлабки тергов муддатларининг жиноий жавобгарликка тортиш муддати билан боғлаш анъаналарини яна Франция Республикаси қонунчилигида учратиш мүмкін.

Лекин бундай ечимнинг Франция қонунларига жорий этилғанлығига күп бўлмаган. Франциянинг ЖПКда ҳеч қачон муддатлар билан чегараланмаган дастлабки терговда ишларни юритиш жараёнини бир мунча қисқартириш мақсадида қонун чиқарувчи 1994 йил 4 январь ва 2000 йил 15 июнь кунларида қабул қилингандар қонунлар орқали – кам аҳамиятли жиноят ишларини юритиш муддатини кўпи билан бир йилга; қолган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов муддатини 18 ой қилиб белгилади.

Ушбу муддат айбланувчининг ёки фуқаровий даъвогарнинг (жабрланувчининг) илтимосига биноан судья - терговчининг асослантирилган қарори асосида узоғи билан ўн уч ойгача узайтирилиши мүмкін⁶⁹.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мұхлати учун белгиланған муддатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, уни содир этиш усуллари ва содир этган шахснинг хусусиятлари каби жиноят-хуқуқий омилларга асосланиши лозим. Бундан, жумладан Франция ва Грузия қонунларида иш бўйича дастлабки терговни узоқ вақт юритиш мүмкінлиги ҳақида холоса чиқариш учун асос бермайди.

⁶⁹ Законы Франции. ru.encydia.com/en/Закон_Франции

Бунда икки муҳим омилни инобатга олиш муҳим.

Биринчидан, жиноят ишини бевосита шахсга нисбатан юритиш тартиби, яъни суд ва дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш тартиби қонунда аниқ белгиланган;

Иккинчидан, айбланувчининг (судланувчининг) адолатли судга бўлган хуқуқи жиноят процессининг муҳим принцип – ғояси, хаттоқи мафкураси хисобланади⁷⁰.

Бу муддатлар дастлабки тергов юритувининг умумий муддатларини назарда тутади. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсга нисбатан юритилаётган жиноят ишларининг муддатлари айбиззлик презумпцияси принципи талабларига риоя этилган ҳолда соддалаштирилган (тезлаштирилган) тартибда олиб борилади.

Бу борада Қозогистон Республикаси қонун ижодкорининг ёндошуви ҳам алоҳида эътиборга молик. Мазкур мамлакат қонунининг 192-моддасида, дастлабки терговнинг қўшимча муддати билан боғлиқ уч босқичи белгиланган ва уларни шартли равишда – **микро, макро ва мега** босқичларга ажратиш мумкин.

Дастлабки тергов муддатининг *микро босқичи* – уч ойгача бўлган муддатни назарда тутиб, уни қўллаш ваколати дастлабки тергов устидан назорат олиб борувчи прокурор томонидан амалга оширилиши мумкин. Дастлабки тергов муддатининг *макро босқичи* – ўн икки ойга қадар бўлган муддатни ўз ичига олиб, уни белгилаш ваколати юқори турувчи прокурор, яъни вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек Бош прокурорнинг ўринbosарлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Дастлабки тергов муддатининг *мега босқичи* эса, ўн икки ойдан юқори бўлган муддатни назарда тутиб, дастлабки терговни ушбу муддатга узайтириш ваколати фақат Бош прокурорга тегишлидир.

⁷⁰Мазкур мамлакат ЖПКнинг 8-моддаси тезкор суд ишларини юритиш тушунчасини адолатли судлов тушунчасининг муҳим элементи сифатида кўради (Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_-09_10_2009.pdf).

Дастлабки тергов муддати билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ушбу методини қабул қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш таклиф қилинади.

биринчидан, дастлабки терговда ишларни юритишнинг асосий муддатини икки ой қилиб белгилаш;

иккинчидан, қўшимча муддатларни – уч ой, беш ой ва алоҳида ҳолларда етти ойгача қилиб белгилаш;

учинчидан, дастлабки тергов муддатларини узайтириш ваколатига эга шахсларнинг дифференциациясида:

а) дастлабки тергов устидан назорат олиб борувчи энг қуи туман (шаҳар) прокурорга ваколат бериш (ишининг терговини уч ойгача муддатга узайтиришда);

б) муддатни узайтиришга оид процессуал муносабатнинг кейинги *беш ойлик* муддат босқичида – Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарларининг, алоҳида ҳолларда эса дастлабки тергов муддатини етти ойга узайтиришда Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари ваколатини эътироф этиш; *тўртинчидан*, дастлабки тергов муддатларини узайтириш ваколатини амалга оширишда қонунда белгиланган муддатлар доирасида оқилона муддатларни белгилашни жорий этиш.

Тавсия қилинаётан ўзгартиришларнинг марказидан оқилона муддатларни белгилаш тамойили жой олиши керак. Чунки мазкур қоида дастлабки тергов босқичидаги жиноят-процессуал муносабатларни соддалаштириш механизмидан ўрин олган асосий қоидалардан бири хисобланади. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ЖПК 351-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари матнига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим⁷¹.

⁷¹ Диссертация 1-иловасининг “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ти Қонун лойиҳасига қаранг.

Дастлабки тергов муддатларининг шундай тартиби жиноят-процессуал муносабатларни соддалаштириш учун ҳизмат қилиши мумкин.

Жиноят ишини дастлабки терговда юритиш айнан унинг биринчи – асосий муддати ичидаги, акс ҳолда қўшимча муддатининг биринчи босқичи – уч ойлик муддатда ҳал қилиниши зарур.

Дастлабки тергов устидан бевосита назорат олиб борувчи қуи турувчи туман (шахар) прокурори нафақат – иш бўйича аниқланган ва аниқланиши лозим бўлган ҳолатларнинг хусусияти тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлади, бир вақтнинг ўзида шу иш бўйича зарур бўлган муддатнинг ҳажми ҳақида ҳам тўлироқ маълумотга ҳам эга бўлиши маълум.

Дастлабки терговнинг уч ойлик муддатидан кейинги қўшимча муддатнинг *беш* ой қилиб белгиланиши ҳамда дастлабки тергов муддатини ушбу муддатга узайтириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги таклиф асосида айнан муддатларни белгилашда оқилоналик принципининг мавқе-мақомини ошириш масаласи ўрин эгаллаган.

Муддатларни белгилашда оқилоналик принципини ишга солиш механизми сифатида, назаримизда *беш ойлик* муддат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар учун етарли хисобланади.

Чунки, макур вақт жиноят иши учун зарур бўлган муддатнинг ҳажмини иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга мос равишда белгилаш имконини беради.

Бундай имконият нафақат процессуал-хуқуқий тушунчада англаниши мумкин, балки процессуал-хуқуқий муносабатлардан ташқарида бўлган жиноят процессини юритувчи шахс(лар)нинг субъектив-психологик ҳолати, касб маҳоратини эгаллаш қўнималари билан ҳам боғлиқдир.

Шу билан бирга, *дастлабки тергов муддатларини якунлаш ва унинг бошланишига оид тушунчаларни аниқлаш масаласи* ушбу босқични соддалаштиришнинг муҳим муаммолари ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасида бу масалада шундай ечимни кўриш мумкин, яъни: “*дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан ...бошланади*”, “...*айлов хулосаси билан, ишини тиббий йўсингидаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориши тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиши ҳақида судга илтимоснома киритилиши тўғрисидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишини тугатиши ҳақида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов тамомланган*” ҳисобланади.

Худди шу бошлов ва якуний чегаралар – дастлабки тергов муддатининг вақтга оид умумий ҳажми тушунчасини белгилаб беради.

Бироқ бундай тартиб, ЖПКнинг 329-моддасида кўрсатилган “жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиши чоғида жиноят иши қўзғатиши тўғрисидаги қарор чиқарилгунга қадар қўшимча хужжатларни, изоҳларни талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш” мумкинлиги ҳақидаги қоидаларга унчалик ҳам тўғри келмайди.

Мазкур қоидалар жиноят ишини қўзғатиши тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар, тергов олди босқичида хуқуқий муносабатлар вужудга келиши мумкинлигини тасдиқлади.

Шу боис турли мамлакатларда, айниқса шаклий анъаналар жиҳатдан бизнинг қонунчилигимизга яқин бўлган МДҲ мамлакатлари қонунчиликларида дастлабки тергов муддатининг бошланиши ва якунланишига оид ўхшаш ёндошувларни кўриш мумкин.

Лекин уларнинг баъзиларида ушбу масалада ўзига хос процессуал ечимлар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Россия Федерацияси (ЖПКнинг 162-моддаси), Беларусь Республикаси (ЖПКнинг 190-моддаси), Азарбайжон Республикаси (ЖПКнинг

217-моддаси), Арманистон Республикаси (ЖПКнинг 192 ва 196-моддалари), Туркманистон Республикаси (ЖПКнинг 230-моддаси), Тожикистон Республикаси (ЖПКнинг 164-моддаси), Молдова Республикаси (ЖПКнинг 274-моддаси) жиноят-процессуал қонунларида дастлабки тергов муддатининг бошланиши ва якунланиши масалалари Ўзбекистон Республикасининг ЖПК нормалари билан бир ҳилда ҳал қилинган бўлса, Украина, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари қонунларида дастлабки тергов муддатининг бошланиши масаласида ўзгача ёндошувни кўриш мумкин. Қирғизистон Республикаси ЖПКда дастлабки тергов муддати – шахсни гумон қилиш ҳақида хабар берилиши ёки шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушланиши билан бошланса (ЖПКнинг 172-моддаси 2-қисми), Қозоғистон Республикаси қонунида эса, дастлабки тергов муддати – жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг судга қадар тергов юритишнинг “Ягона реестри”да рўйхатга олиниши билан бошланади (ЖПКнинг 192-моддаси).

Икки мамлакат қонунчилигига ҳам дастлабки тергов муддатининг якунланиш ҳолати умумий тартибда ҳал қилинган.

Жиноят-судловида ишларни юритишнинг “континентал ҳуқук” оиласига мансуб Ғарб мамлакатларидан ГФР ЖПКда ҳам дастлабки терговни юритиш муддатлари бевосита “оммавий манфаатлар” асосида жиноят ишини қўзғатиш (ЖПКнинг 151-моддаси) билан бошланиб, уни тамомлаш ҳақида прокурор қабул қилган қарор ҳамда айлов хулосасини судга юбориш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан якунланади (ЖПКнинг 169а-моддаси)⁷².

Франция Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига жиноят процесси икки асосда бошланади, *биринчиси*, суриштирув ҳаракатлари олиб борилиши лозим бўлган жиноятлар бўйича, даставвал суриштирув ишлари юритилади, сўнгра унинг натижасида жиноят иши қўзғатилади; *иккинчи*

⁷² Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. –С. 82, 97.

холатда эса, шахсга нисбатан жиноят ишининг қўзғатилиши дастлабки тергов муддатининг бошланиши учун асос бўлиб ҳизмат қилади.

Франция жиноят процессида жиний таъқиб фаолияти икки субъект ўртасида бўлинган. Жиноят ишини қўзғатиш фақат прокурорга тегишли ваколат ҳисобланса, дастлабки тергов ишини юритиш Тергов камераси таркибига кирувчи судья - терговчи томонидан амалга оширилади (ЖПКнинг 81 ва 83-моддалари)⁷³.

Юқоридаги таҳлиллардан икки босқичли жиноят процесси анъаналарига эга жуда қўплаб мамлакатларда дастлабки тергов муддатининг бошланиш ва якунланиш масалалари деярли ўхшаш тартибларни назарда тутади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимиз қонуни нормаларида дастлабки тергов муддатларининг бошланиши ва якунланиши тартибини белгилаган қоидалар, юқорида қайд этилган жиноят-процессуал анъаналарга мос келади ҳамда уларни ўзгартириш учун кескин, илмий асослантирилган сабаблар мавжуд эмас.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, сўнгти вақтларда айрим процессуалист олимлар томонидан жиноят ишини қўзғатиш институтини тугатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикрлар билдирилмоқда.

Хусусан, С. Александров ва С. А. Грачевнинг таъкидлашларича: мавжуд суд олди структурасини тизимли янгилаш зарур. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи давлатнинг айлов ҳокимиётини амалга ошириш билан боғлиқ ягона суд олди юритувини сунъий равишда қисмларга ажратишни англатади. Шу сабабли, нафақат жиноят ишини қўзғатиш конструкциясидан воз кечиш, балки процессуал фаолиятни нопроцессуал фаолиятдан ажратиб турувчи жиноят ишини қўзғатиш акти тушунчасидан воз кечиш зарур⁷⁴.

⁷³ УПК Франции. lawlibrary.ru/izdanie32984.html

⁷⁴ Александров С., Грачев С. А.. Актуальные проблемы стадии возбуждения уголовного дела. В книге: Уголовный процесс России. Проблемные лекции: учебное пособие (для студентов высших юридических учебных заведений) /Науч. ред. В.И. Томин, А.П. Попов и И.А. Зинченко.-Пятигорск:: Изд. “РИА-КМВ”. 2014.

Юқоридаги фикрни қувватлаб, жиноят ишини қўзғатиш институтидан осонгина воз кечиш мумкин. Лекин гап ундан қутилишда эмас, балки мавжуд процессуал-хуқуқий тизимни парчалашдан тийилишда. Мамлакатимиз охирги юз эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида жиноят-процессуал муносабатларда тўплаган тажрибаси ҳамда ушбу ҳуқуқ соҳасида шаклланган маданий-хуқуқий анъаналари муайян ижтимоий-хуқуқий, ақлий-психологик моделда ривожланиб келди.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи - мамлакатимизнинг жиноят-судлов юритув тажрибаси, анъаналари ҳамда тафаккур моделининг ажralmas қисми тарзида мавжуд, ундан воз кечиш эса ҳали жуда вақтли.

Чунки ҳар қандай нарсанинг бошлови бўлганидек, жиноят ишларини юритишнинг ҳам бошлови бўлиши керак. Бу шубҳасиз содир этилган ҳуқуқбузарлик ва уни текширишни амалга ошириш ваколатини берувчи расмий акт – жиноят ишини қўзғатиш қароридир.

И.Г. Смирнова ёзганидек, жиноят процессининг мавжудлигини асословчи муҳим жиҳат – жиноят-процессуал фаолиятнинг натижаси ва ушбу фаолиятнинг ўзи ҳамда ундан кутилаётган оқибат билан боғлиқдир. Кутиласиган оқибатларнинг ўзига хос хусусияти ҳам муайян ҳодиса, ҳолатларни англаш хусусиятлари, яъни жамиятнинг ментал таснифий хусусиятларидан келиб чиқади⁷⁵.

Демак, дастлабки тергов муддатининг бошланишида жиноят ишини қўзғатиш процессуал акти кўпчилик мамлакатларнинг процессуал-хуқуқий анъаларига монанд ечим сифатида эътироф этилиши мумкин. Шу боис, бундай ҳуқуқий ечимни ўринли деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд.

⁷⁵ Смирнова И. Г.К вопросу о влиянии национального менталитета на развитие уголовного судопроизводства: Автореф.дисс... канд.юрид.наук. Иркутск, ИГУ, 2010. –С. 3.

ШИБОБ. СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВНИ СОДДАЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ.

3.1. “Айбни тан олиш ҳақида келишув” мазмун-моҳияти ва уни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш муаммолари.

Ишни судга қадар юритиш босқичини дифференциациялаш орқали соддалаштиришнинг яна бир процессуал шакли бу айбланувчининг ўз айбига иқрорлиги сабабли давлат айбловчиси ҳамда айбланувчи ўртасида тузиладиган процессуал-хуқуқий келишув.

Ушбу процессуал институт континентал Европа мамлакатлари қонунларида ва АҚШ қонунларидан ўрин олган.

“Айбни тан олиш ҳақида келишуви”нинг вазифаси, у муайян процессуал рағбарлантиришлар орқали айбланувчини ўз айбига иқрор бўлишга ундейди, айбланувчини айбдор деб топиш учун судга асос сифатида давлат айбловчиси томонидан тақдим этилади.

Роман-герман оиласига мансуб бўлган жиноят-процессуал қонунларда давлат айбловчиси суд ваколатига эга эмас. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар шундай процессуал шаклни ўз қонунларига жорий этиб, жиноят процессини соддалаштиришга уринмоқдалар.

“Айбга иқрорлик” тўғрисидаги янги процессуал механизми жамиятларнинг тортишув судлов юритувига ўтиш мезони ёхуд процессуал рағбарлантиришнинг процессуал омили сифатида қабул қилиш лозим”⁷⁶.

Жиноят содир этган шахснинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши ва жабрланувчи билан ярашганлиги – бу шундай хуқуқий механизмки, у қонундан чекинган шахсга ўз айбини “ювиш” имконини яратади.

Шу ҳолатда давлатнинг содир этилган жиноятга бўлган муносабати репрессив хусусиятда бўлмай, аксинча давлатнинг бу ҳолатга муносабати жиноят содир этган шахснинг хуқуқларини ва жабрланувчининг хуқуқларини тиклашга қаратилади.

⁷⁶ Джон Лангбейн, Пытки и сделки о признании вины, 46 u.chi. l. rev. 1 (1998)

Гарб процесуал ҳуқуқ адабиётларида бундай ҳуқуқий концепция “ҳуқуқни тикловчи одил судлов” деб номланади⁷⁷.

Ушбу концепциясининг моҳияти, “жиноят-ҳуқуқий зиддиятнинг муқобил процесуал воситалар ёрдамида ҳал қилиш тарафларнинг ўзаро воз кечишларини, яъни давлат томонидан жиноий таъкибдан тўлиқ ёхуд қисман воз кечишни, айбланувчи томонидан эса муайян ижтимоий фойдали ҳаракатларни (масалан жиноят оқибатида етказилган зиённи бартараф этиш, жиноятларни очишга, тайёрланаётган жиноятларни олдини олиш ва фош этишга қўмаклашиш) амалга оширишни билдиради.

Шунинг учун, дунёвий юридик ҳуқуқшунослиги ва амалиётида **муқобил судлов юритувига** қизиқиш ортиб бормоқда”⁷⁸.

Демак, ишларни *айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув* асосида юритиш жиноят процессининг анъанавий тартибига нисбатан ихчам ва соддалашган, энг муҳими ишни тезликда ҳал қилишни назарда тутувчи тартибни англатади.

Айбига иқрорлик тўғрисида келишув институти процесуал институт мамлакатимиз жиноят процесуал қонунида мавжуд эмас.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 112-моддасида “...айбланувчининг ўз айбига икрор бўлиши, бу икрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин”, ЖПКнинг 113-моддасида “айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз” деб номланувчи нормада айбни бўйнига олиш қоидалари, 324-моддада эса, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз асосида жиноят ишини қўзғатиш тартиблари белгиланган.

⁷⁷ Панькина И.Ю. Перспективы альтернативного способа разрешения уголовно-процессуального конфликта // Актуальные проблемы совершенствования законодательства, правоприменения и правовых теорий в России и за рубежом: Материалы Второй Международной научно-практической конференции (3 декабря 2009 г.) / Под общ. ред. д.ю.н., проф. В.Л. Кудрявцева. – Челябинск: «Изд-во Рекпол», 2010. –С.294.

⁷⁸ Кузьмина О. В. Правовые системы Республики Таджикистан и стран СНГ: состояние и проблемы. Материалы Международной научно-практической конференции, посвященной заслуженному юристу Республики Таджикистан, выдающемуся ученому, доктору юридических наук, профессору Ш. Менглиеву (Душанбе, 23 октября 2015 г.). – Душанбе: РТСУ, 2015. –С. 314.

ЖПКнинг 439-моддасида “...раислик қилувчи судланувчилардан улар ўз айбига иқор ёки иқор эмаслигини сўрайди” каби ибораларни учратиш мумкин. ЖПКнинг 585-моддаси эса *айбга иқрорлик* ярашув тўғрисидаги ишларни юритишида ушбу муносабатларни вужудга келтирувчи муҳим элемент сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимиз қонунчилигига айбга иқрорлик икки ҳолатда жиноят-процессуал муносабатларни вужудга келтириш кучига эга.

Биринчидан, айбни бўйнига олиши тўғрисидаги ариза сабабли жиноят ишининг қўзғатилиши ва ишни суриштирувда ёки дастлабки терговда юритилиши;

Иккинчидан, айбга иқрорлик ишни ярашув тартибида юритилиши учун сабаб бўлади.

Аммо, мазкур тушунчаларда ва жиноят-процессуал муносабатларни вужудга келтирувчи асосларда назарда тутилаётган мазмун англо-америкача ва континентал судлов юритувларига тааллукли – *айбга иқрорлик* туфайли айбланувчи ва айбловчи ўртасида тузиладиган “келишув” тартиби тўғрисидаги тушунчани билдирамайди.

Айбга иқрорлик асосида тузиладиган “келишув битими” аввало алоҳида тартибдаги процессуал муносабатлар тизимига эга.

Унинг зарурий белгилари қуйидагилар бу шаклда битим тузиш учун айбга иқрорликнинг:

- 1) *мажбурий белгиси*, яъни:
 - а) айбланувчининг ўзига нисбатан билдирилган айблов билан келишиши (розилик билдириши);
 - в) содир этилган жиноятларнинг фош этилишига қўмаклашиши;
- 2) *мажбурий бўлмаган белгиси*, яъни:
 - а) айбни бўйнига олиб келиш;

- б) етказилган зиённи қоплаш ёхуд бошқа тарзда зарарни бартараф этиш;
- в) “чин кўнгилдан” пушаймон бўлиш”⁷⁹.

Шундай экан, ушбу процессуал тизим қандай элементлардан ташкил топғанлиги, уларнинг алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари, мазкур хуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш ва якунланиш шартлари, асослари ва мезонларини юқорида таъкидланган мамлакатларнинг норматив-хуқуқий тажрибаси ва амалиёти орқали ўрганиб чиқиш мумкин.

“Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув”ни тузиш муносабатлари собиқ иттифоқ ҳудудида вужудга келган мустақил давлатларнинг фақат етитасида мавжуд.

Бу мамлакатлар қаторидан: Россия Федерацияси (ЖПКнинг 317¹-317⁹-моддалари), Украина (ЖПКнинг 468-476-моддалари), Қозогистон (ЖПКнинг 612-621-моддалари), Грузия (ЖПКнинг 218-моддаси) Молдова (ЖПКнинг 505-509-моддалари), Қирғизистон (ЖПКнинг 280-286-моддалари), Литва (ЖПКнинг 210-моддаси) ўрин олган.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, собиқ иттифоқ республикаларининг қонунларида жорий этилган “айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” институти асосан кам аҳамиятли ва ижтимоий хавфи унча оғир бўлмаган жиноятлар доирасида чегараланган⁸⁰.

Шу тарзда юқорида зикр этилган мамлакатлар континентал Европада кўлланиб келинадиган “айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” шаклининг процессуал-хуқуқий моделига амал қилиб келадилар.

“Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” тартиби - Европа қитъасида XIX асрда илк бор, Пруссияда жорий этилиб, унинг ваколати фақат жарима жазосига лойиқ бўлган жиноят ишларига тегишли эди⁸¹. Кейинги даврларда

⁷⁹Александров А.С., Колесник В.В. Уголовный процесс России. Проблемные лекции: учебное пособие (для студентов высших юридических учебных заведений) /Науч. ред. В.Т.Томин, А.П.Попов и И.А.Зинченко. Пятигорск: Изд., «РИА-КМВ» 2014. –С. 381.

⁸⁰Ковалев Н. Н. Реформы, связанные с участием непрофессиональных судей в принятии судебных решений в переходных системах уголовного правосудия содружества независимых государств: Белфаст, дисс...докт.юрид.наук. Универ-т Квинс, 2007. –С. 46-58.

⁸¹ Стивен Тейман, Типология согласованных уголовных процедур //WORLD PLEA BARGAINING (Сделки о признании вины в мире). Стивен Тейман изд., 2010. –С. 42-339.

ушбу процессуал тартиб Италия қонунчилигига “тарафларнинг илтимослариға мувоғиқ жазога тортиш” шакли тарзида жорий этилди. Унга кўра, айбга икрор бўлган судланувчига белгиланадиган жазо жиноят қонунида беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак. Шунда қонун жазонинг учдан бир қисмига қискартириш учун руҳсат беради (ЖПКнинг 314, 444-448, 459-моддалари)⁸².

Деярли шундай тартиб Франция (ЖПКнинг-моддаси)⁸³, Литва (ЖПКнинг 210-моддаси) ва Россия Федерациясининг дастлабки нормаларида (ЖПКнинг 317¹-317⁹-моддалари) ўн йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланиладиган жиноятлар учун тааллуқли эди⁸⁴.

Мазкур процессуал институтнинг анча кенг ва очиқ тартибини АҚШ қонунларида, ундаги процессуал мафкурани асос қилиб олган мамлакатлар қонунчилигига кўриш мумкин. АҚШда жиноятда бошқа шахсларнинг иштирокини фош этиш учун амалга ошириладиган “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув”га деярли барча жиноятларда эришиш мумкин.

Шунга яқин норматив ёндошувни собиқ иттифоқ республикаларидан: Латвия, Эстония, Молдова ва Грузия қонунларида учратиш мумкин.

Халқаро эксперталарнинг таъкидлашларича, америкача “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” тартибининг муаммоси шундаки, уни шахсни ўз айбига икрорлик билдириш учун мажбурлаш анъаналари мавжуд бўлган мамлакатлар қонунчилигига киритиш – ваколатли идораларнинг существо молликларини кучайтиради⁸⁵.

⁸² Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. М.: Зерцало. 2001. С. 40.

⁸³ Уголовно-процессуальный кодекс Франции 1958 года. По состоянию на 1 января 1995 г. / Пер. с французского Л. В. Головко. -М.: 1996. Яна қаранг: Головко Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., 1995.

⁸⁴ 2009 йилдан бошлаб Россия Федерацияси ЖПКдаги “айбга икрорлик тўғрисида сулх” тартибида ишларни юритиш муносабатларидан жиноий-хукукий чегералар олиб ташланди (Федеральный закон от 29 июня 2009 г., №141-ФЗ).

⁸⁵ Стивен Тейман. Введение в Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана. Сент-Луис, Университет Сент-Луиса, США. 2012. –С. 16-17.

Мисол учун, АҚШда прокурорлар фавқулотта – ўлим ёхуд узок муддатли жазо чораларидан қутилиш истагида бўлган 95% айбланувчиларни ўз ишларини қасамиёд қилган судьялар суд муҳокамасида кўриб чиқиш хуқуқидан воз кечишга эришадилар⁸⁶.

Албатта, эътироф этилаётган процессуал - хуқукий амалиёт мамлакатимизда аввалдан амалга ошириб келинаётган жиноят-процессуал сиёsat учун устивор бўлган – “жиноят содир этган ҳар бир шахсгаadolatli жазо берилиши” ва “жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айборлиги, у билан боғлиқ барча ҳолатлар аниқланиши шарт”лиги мафкурасига мос келмайди.

Бундай процессуал институтнинг қонунчилигимизга жорий этиш ва уни амалга ошириш механизмини шакллантириш – хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятида учраши мумкин бўлган гумон қилинувчини, айбланувчини жиноят содир этишда иқрорликка эришиш мақсадида турли тазийкларни ўтказиш ҳолатларига тўсиқ қўйиш омили бўлиши мумкин.

Қандай ҳолат бўлишидан қатъий назар жиноят процессида гумон қилинувчининг, айбланувчининг судланувчининг “айбига иқрорлиги” ҳолати ўзининг хуқукий ечимини топиши керак.

Италияда “айбига иқрорлик тўғрисидаги битим” тартибининг амалий фаолиятга жорий этилганига ўн йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, хуқуқни кўллаш амалиёти анча мўтадил ва самарали фаолият юритмоқда. Шу тартибда йил давомида судларда юритиладиган жами ишларнинг 20% кўриб чиқлади⁸⁷.

Шундай экан, мазкур процессуал институтни мамлакатимиз жиноят-процессуал маконига олиб кириш масаласини ҳеч бўлмаганда назарий-концептуал жиҳатдан таҳлил қилиш ўринлидир.

⁸⁶ Стивен Тейман, Типология согласованных уголовных процедур //WORLD PLEA BARGAINING (Сделки о признании вины в мире). С. 48.

⁸⁷ Судебные системы европейских стран; Справочник /Пер. с фр. Д.-Васильева и с англ. О.Ю. Кобякова. М.: Междунар. отношения. 2002. –С. 48.

Бунинг учун шу процессуал-хуқуқий институтнинг қайси модели мамлакатимиз қонунчилик амалиёти учун мақбул деган саволга жавоб топиш зарур. Бу саволга жавоб излашда мамлакатимиз жиноят процессининг моделига яқинлик ва процессуал-хуқуқий анъаналарнинг шаклланганлик даражаси масалалариға эътибор қаратиш керак. Мазкур амаллар қайд этилган процессуал институтни тезроқ, кам муаммо билан мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигига ва хуқуқни қўллаш амалиётига мослашувини таъминлаши лозим. Масаланинг ушбу йўналиши “**континентал ҳуқуқий оила**”га мансуб жиноят процесси моделини қабул қилишни тақозо этади.

Демак, қайд этилган процессуал институтни қонунчилигига жорий этганига кўп вақт бўлмаган МДХга аъзо мамлакатларининг тажрибалари бу ерда анча муҳим илмий манба ҳисобланади. Таҳлил этилаётган масалани кўриб чиқишда муҳим уч йўналишни белгилаб олиш лозим.

Биринчиси, “айбга икрорлик тўғрисидаги сулҳ” тартибига оид процессуал муносабатларнинг вужудга келиш шартларини;

иккинчиси, уларнинг ривожланиш хусусиятларини;

учинчиси, якунланиш жиҳатларини қиёсий таҳлил этиш жойиздир.

Биринчи йўналиши доирасидаги масалаларга келсақ, масалан 29 июнь 2009 йилдан Россия Федерациясининг ЖПКга жорий этилган “Ҳамкорлик тўғрисидаги суд олди келишуви” тартиби икки босқичдан иборат:

1) келишув тўғрисидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва ҳимоячининг прокурорга йўлланган илтимосномаси аввал терговчига юборилади ва у томонидан ҳал қилинади;

2) терговчи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, ҳимоячининг келишув тўғрисидаги илтимосномасини асосли деб ҳисобласа, терговчи ўз номидан илтимосномани прокурорга ҳал этиш учун юборади.

Шундан кейин келишув жараёни ҳаракатга келади. Мазкур процессуал шакл қуйидаги шартларга асосланган: а) келишув борасида гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишув тўғрисидаги иҳтиёрининг ҳамда бунга прокурор розилигининг мавжудлиги (ЖПКнинг 317¹-моддаси биринчи

қисми); б) гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишув натижасида ўз зиммасига оладиган мажбуриятнинг аниқ бўлишилиги (ЖПКнинг 317¹-моддаси биринчи қисми); в) келишув жиноят ишини қўзгатиш вақтидан дастлабки терговнинг яқунланишига қадар амалга оширилиши мумкинлиги (ЖПКнинг 317¹-моддаси иккинчи қисми); г) келишув ёзма равишда тузилиб, унда гумон қилинувчи, айбланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятнинг мазмуни аниқ ифода этиалиши лозим (ЖПКнинг 317³-моддаси иккинчи қисми 6-банди; шу модданинг 2.1 қисми); д) келишув муносабатлари прокурор, терговчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва ҳимоячи ўртасида кечади (ЖПКнинг 317³-моддаси биринчи қисми); е) келишувга прокурор ўзгартириши киритиши ёхуд уни бекор қилиши ҳуқуқига эга (ЖПКнинг 317⁴-моддаси бешинчи қисми); ж) келишувнинг чегаралари ўрнатилган эмас;

Грузиянинг соҳа қонунида “айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ” муносабатларининг вужудга келиши учун зарур бўлган шартлар ва асослар қуидагилардан иборат: 1) сулҳ икки шартда тузилиши мумкин, а) айбга иқрорлик, б) жазони камайтириши шарти асосида; 2) айбланувчи (ёки маҳкум) жиноятни содир этилишида иштирок этган ёки уни ташкил қилган шахсларнинг айбини фош этишига фаол ёрдам берииши зарур; 3) айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ дастлабки тергов босқичида ёки суд муҳокамасидан сўнг ёзма шаклда тузилиши мумкин; 4) сулҳ тузишни чегаралари ўрнатилган - ўта оғир жиноятларнинг айрим тоифаларини содир этишида айбланаётган шахслар билан сулҳ тузishi ман этилади; 5) сулҳнинг тарафлари сифатида фақат айбланувчи ёки маҳкум, уларнинг ҳимоячилари ва вакиллари ҳамда Грузиянинг Бош прокурори иштирок этишлари мумкин (ЖПКнинг 218-модда)⁸⁸.

Молдова қонунчилиги хам сулҳ тузишнинг предметини: а) айбланувчи ўз айбига иқрорлик билдириши лозим; б) жазо миқдорини камайтириши вадасининг берилиши; в) айбга иқрорлик сулҳи фақат дастлабки тергов

⁸⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_09_10_2009.pdf.

босқичида тузилиши мумкин; г) сулҳ ғақат ёзма равишида тузилиши мумкин; д) сулҳни тузишни чегаралари ўрнатилган эмас; е) ишни назорат қилувчи прокурор ҳамда айбланувчи унинг ҳимоячиси ва вакили сулҳнинг тарафлари сифатида иштирок этадилар (ЖПКнинг 504-модда)⁸⁹.

Қозоғистон қонунчилиги эса “сулҳ” тузища қуйидаги шартларни назарда тутади: 1) сулҳ икки асосда: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун – “айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ”, б) ижтимоий хавфидан қатъий назар “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” шакларида тузилиши мумкин; 2) сулҳ нафақат айбланувчи ва маҳкум билан, балки **гумон қилинувчи** билан ҳам тузилиши мумкин; 3) сулҳни тузии масалалси гумон қилинувчи, айбланувчи ва прокурор томонидан қўйилиши мумкин (ЖПКнинг 615-моддаси); г) **гумон қилинувчи**, айбланувчи нафақат **гумонни** ёки айловни, балки жиноят оқибатида етказилган зиённинг келиб чиқши хусусиятларини ва миқдорини ҳам инкор этмаслиги лозим (ЖПКнинг 613-моддаси); д) бунинг учун **гумон қилинувчи**, айбланувчи (маҳкум) жиноятни содир этилишида иштирок этган жиноий груп ёхуд террорчи групчлар аъзоларининг ёки уни ташкилотчиларининг айбини фоши этиши учун дастлабки тергов органларига фаол ёрдам берииши зарур (ЖПКнинг 612-моддаси); е) сулҳнинг тузилиши учун жабрланувчи розилик билдириши зарур (ЖПКнинг 613 ва 615-моддалари); ж) айбга иқрорлик сулҳи дастлабки тергов босқичида ёки маҳкум билан суд муҳокамасидан сўнг, аммо суд ҳукмини ижро этилишига қадар вакт ичиде тузилади (ЖПКнинг 618-моддаси); з) сулҳ ёзма шаклда тузилиши лозим (ЖПКнинг 616-моддаси); и) сулҳни тузишни чегаралари ўрнатилган (жисмоний лаёқатга эга бўлмаган шахслар билан сулҳ тузии ман этилади (ЖПКнинг 612-моддаси); и) сулҳни тузии муносабатларида тарафлар сифатида – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки маҳкум, уларнинг

⁸⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. Yurotdel.com/zakony/ugolovno-

ҳимоячилари ва вакиллари, жабрланувчилар ҳамда прокурор иштирок этадилар (ЖПКнинг 216-моддаси)⁹⁰.

Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ Қозоғистон қонуни айбга иқрорлик сулхини гумон қилинувчи билан тузишга ҳам изн беради. Мазкур тартибда иш юритишининг танқидчилари жиноят ишининг тергови тўлиқ амалга оширилиши, ишдаги исбот қилиниши зарур бўлган барча ҳолатлар тўлиқ, ҳар томонлама ва синчковлик билан текширилиши, айбланувчининг айби исбот қилиниши лозимлиги хақида фикр билдирадилар⁹¹.

Умуман олганда бу талаблар ўринли. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ўз номидан келиб чиқувчи мантиққа ҳамда айбсизлик презумпцияси талабларига асосланиб, айби мавжуд шахс билан тузилиши лозим.

Айбига иқрорлик билдирган шахс унинг натижасида келиб чиқадиган барча ижтимоий-хуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлади. Бироқ мамлакатимиз жиноят процессининг моҳияти шундаки, унда айбловни исботлаш вазифаси айбловчининг зиммасига юклатилган, демак гумон қилинувчининг асоссиз ўз айбга иқрорлиги юзасидан келиб чиқувчи ноқулайликлар бевосита айбловчининг зиммасидадир⁹².

⁹⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. –Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>

⁹¹ Абшилава Г.В. Особенности предварительного расследования по уголовным делам, по которым было заключено досудебное соглашение о сотрудничестве //Актуальные проблемы совершенствования законодательства, правоприменения и правовых теорий в России и за рубежом: Материалы Второй Международной научно-практической конференции (3 декабря 2009 г.) / Под общ. ред. д.ю.н., проф. В.Л. Кудрявцева. – Челябинск: «Изд-во Рекпол», 2010. –С.107-113.

⁹² Шунга қарамай мамлакатимиз қонуни ҳам гумон қилинувчи томонидан ўз айбига иқрорлик билдирган ҳолатда ишни якунлаш шаклини тартибга солган. ЖПКнинг 584-моддасида “суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан кечиктирмай гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқариши” зарурлиги белгиланган. Ушбу илмий муаммонинг ечими назаримизда мазкур тоифадаги ишларни хал қилиш механизмидаги уч асосий элементларга таянади. *Биринчиси*, келишувни таєдикловчи суднинг ўрни (суд томонидан: а) ишнинг ҳолатини ва б) иқрорликнинг ҳаққонийлигини текшириш, в) келишув шартларининг бажарилганлигини аниқлаш); *иккинчиси*, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) келишувга розилиги оқибатида гумон қилинувчининг (айбланувчининг, судланувчининг) жазога тортиш талабидан маҳрум бўлиши; *учинчиси*, гумон қилинувчининг ўз айбига иқрорлиги муайян вазиятларда унга қарши ишлатилиши таҳдидининг мавжудлиги. Мазкур элементлар ўзаро уйғуликада гумон қилинувчига нисбатан унинг ўз айбига иқрорлиги туфайли ярашув ёхуд айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ тузиш билан боғлиқ ишларни юритишига асос бўлади.

Украина ЖПКда ҳам айбга иқрорлик түғрисидаги сулҳ тартибида ишларни юритишнинг ўзига хос жиҳатларини топиш мумкин. Жумладан айбга иқрорлик түғрисидаги сулҳ фақат айбланувчи ва прокурор ўртасида “оммавий” айблов шаклида юритилдиган барча ишлар бўйича тузилиши мумкин. Аммо бундай ишларни юритишнинг чегараси ўрнатилган бўлиб, сулҳ тузиш учун жабрланувчининг розилиги зарур (ЖПКнинг 469-моддаси).

Эстония қонунчилигига суд олди босқичида айбга иқрорлик асосида ишларни юритиш “Ишларни қисқартирилган тартибда юритиш” деб номланади. Бу мазмунан ишларни “айбга иқрорлик түғрисидаги келишув” асосида юритиш тартибига яқин. ЖПКнинг 364-моддаси айбланувчи ўз айбига иқрорлик билдирган, жиноят ишининг барча ҳолатлари аниқ бўлганда, прокурор ўз ташаббуси билан ёки терговчининг илтимосномасига биноан ишни соддалаштирилган тартибда юритиши мумкин⁹³.

Ишларни бундай тартибда юритиш шартларидан яна бири, – уни юритишга қўйилган чегаралар билан боғлиқ.

Юқорида таъкидланган модда –

- а) биринчи даражадаги, яъни ўта оғир турдаги жиноятларни,
- б) айбланувчи, унинг ҳимоячиси, вакили ишини бундай тартибда юритилишига қарши бўлса,
- в) иш бўйича жалб қилинган бир нечта айбланувчидан бирига соддалаштирилган тартибда иш юритиши тақиқланган бўлса,
- г) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар ишини соддалаштирилган тартибда юритилишига розилик бермаган бўлса,
- д) иш хусусий тартибда юритилиши лозим бўлса ишларни айбга иқрорлик түғрисидаги сулҳ тартибида юритишга йўл қўйилмайди⁹⁴.

⁹³ Уголовно-процессуальний кодекс Эстонии. urotdel.com/zakony/ugolovno-.

⁹⁴ Масалан Бельгия ЖПКнинг 216-моддасига кўра, айбга иқорорлик түғрисидаги сулҳ тартибида ишларни юритиш учун жабрланувчига етказилган зарап бартараф этилган бўлиши шарт ва айбланувчи айбланаётган жиноят учун жиноят қонунида белгиланган жазо миқдори 5 йилдан ошмаслиги лозим. Сулҳ тузган айбланувчига нисбатан фақат озодликдан маҳрум этиш жазосидан ташқари бошқа жазо тури белгиланиши мумкин (масалан қаранг: *Franchimont M., Jacobs A., Masset A. Manual of Penal Proceeding. Liege, 1989 -P.29-31*).

Шундай қилиб, жиноят ишини “айбга иқрорлик түғрисида келишув” тартибида юритиш шаклиниңг эндигина процессуал-хуқукий анъанага айланиб бораётган мамлакатлар қонунчилик тажрибасидаги ўзига хос жиҳатларни қўйидаги умумий асосларга жамлаш мумкин: 1) “келишув” тартибида амалга ошириладиган жиноят-судлов юритуви бевосита суд олди босқичида вужудга келади, суд муҳокамасида ривожланади ва якунига етади (Грузия ва Қозоғистонда “келишув” муносабатлари алоҳида ҳолатларда суд қарорини ижро этиш босқичига қадар вужудга келиши мумкин); 2) “келишув” (Эстонияда “битим”) асосан икки субъектнинг – айбланувчи ва прокурорнинг розилиги туфайли амалга оширилиши мумкин (Украинада жабрланувчи, Молдовада шунингдек жабрланувчи, ҳимоячи, вакил, Қозоғистонда булардан ташқари, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳам); 3) гумон қилинувчи (Рооссия Федерацияси ва Қозоғистонда), айбланувчи, Грузияда маҳкум ҳам, Қозоғистонда маҳкумдан ташқари, судланувчи ҳам (Молдова ва Россия Федерацияси қонунчилигига бу субъектлар билан бирга, ҳимоячи ҳам сулҳ тузиш хуқуқига эга), ўзига билдирилаётган айбловни эътиrozсиз мутлақо қабул қилиши лозим; 4) айбланувчининг айбга иқрорлиги муайян тарзда рағбарлантирилган (қонунчиликда жазонинг муайян тури ва миқдорининг белгиланганлиги, Грузияда жавобгарликдан озод этишга қадар процессуал рағбарлар ишлаб чиқилган); 5) айбланувчи зиммасига ишни дастлабки терговда юритишида фаол ёрдам бериш (Эстония ва Молдовада бундай шартлар мавжуд эмас), прокурорга эса енгил жазо турини суддан талаб қилиш мажбурияти юкланган; 6) “сулҳ” доимо ёзма равишда тузилади.

Ишларни “айбга иқрорлик түғрисидаги келишув” шаклида юритишининг тартиби ҳам, таҳлил қилинган мамлакатлар қонунчилигига турли-туман қоидалар мажмуида тартибга солинган. Ушбу муносабатларнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қиласидиган бўлсак, Грузия қонунида мамлакат Бош прокурори айбланувчи билан сулҳ тузишдан олдин содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфини, жамиятнинг манфаатларини, айбланувчининг жиноятни содир этишдаги иштироки, унинг бошқа

шахсларнинг жиноятларини фош этишга берадиган кўмаги даражасини эътиборга олиши лозим (ЖПКнинг 218-моддаси учинчи қисми). Қозоғистон ЖПК булардан ташқари, прокурор шахснинг “сулҳ” тузишга ҳақли эканлигини, айбланувчи томонидан айбга иқрорликни ўз ихтиёри билан амалга оширирганлигини текшириши лозим. Молдова прокурорлари эса жиноят ишини тезликда ҳал қилиниши билан боғлиқ жамоат манфаатларини ҳам инобатга олишлари зарур (ЖПКнинг 505-моддаси 1-қисми 7-банди).

Грузия (ЖПКнинг 218-моддаси 4-банди) ва Қозоғистон (ЖПКнинг 220 ва 221-моддалари) қонунларида айбланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган ёки бажаришдан бош тортган бўлса, сулҳ ўз кучини йўқотади. Украина қонунига кўра (ЖПКнинг 476-моддаси), сулҳ мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, прокурор сулҳни тасдиқлаган судга хукмни бекор қилиш тўғрисида мурожаат этиши лозим.

Россия Федерацияси қонунида бундай ҳолат юз берганда айбланувчининг дастлабки терговда берган кўрсатувларидан суд муҳокамаси вақтида унга қарши фойдаланиш мумкин (ЖПКнинг 317⁴-моддаси 1-қисми)⁹⁵. Молдовада айбланувчи бевосита судда ёхуд суднинг ўзи айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳни рад этиши мумкин (ЖПКнинг 506-507-моддалари). Россия Федерацияси қонунида ҳам суд муайян асосларда “ҳамкорлик келишувини” тасдиқламасликка ҳақли (ЖПКнинг 317⁶-317⁷-моддалари).

Айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ тузилгандан кейинги процессуал ҳаракатларнинг ривожланиш йўналишлари ҳам, мазкур иш юритуви тартибининг ривожланиш қоидаларини англашда муҳим манба ҳисобланади. Негаки тарафлар томонидан имзоланган сулҳдан кейинги процессуал

⁹⁵ Шунингдек, РФ ЖПКнинг 317³-моддаси 2.1-қисмига биноан “Ҳамкорлик тўғрисидаги суд олди келишуви”да гумон қилинувчи, айбланувчи дастлабки терговни юритишига кўрсатадиган ёрдамидан, яъни бошқа шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини фош этувчи кўрсатмаларидан, жиноят оқибатида қўлга киритилган мулкни аниқлашга берган ёрдамидан суд муҳокамаси вақтида воз кечса, айлов тарафи гумон қилинувчининг, айбланувчининг дастлабки терговда берган кўрсатувларидан уларнинг ўзларига нисбатан ҳам бошқа шахсларга нисбатан ҳам далил сифатида фойдаланилади (Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/).

ҳаракатларнинг қай тезлиқда ва қай йўналишда ривожланиши мазкур иш юритувининг самарасини белгиловчи асосий мезондир.

Шу масалада яна юқорида таҳлил қилинган мамлакатлар хуқуқий тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Россия Федерацияси (ЖПКнинг 317⁴-моддаси биринчи қисми,) ва Молдова (ЖПКнинг 504-модданинг 7-банди) қонунларида “келишув” тузилганидан кейин, жиноят иши келишув битими тузган шахсга нисбатан алоҳида юритувга ажратилган ҳолда олиб борилади ҳамда прокурорнинг тавсияномаси асосида суд муҳокамаси алоҳида тартибда юритилади (Россия Федерацияси ЖПКнинг 317⁵-моддаси; Молдова ЖПКнинг 506-моддаси)⁹⁶.

Грузия қонунчилигида айбланувчи ва прокурор айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳни тузиш ҳақида келишувга эришишлари биланоқ, жиноят ишини алоҳида тартибда юритиш жараёни бошланади. Прокурор судга ишни тарафлар сулхини тасдиқлаш тартибида юритиш тўғрисида илтимоснома юборади (ЖПКнинг 211-моддаси 3-қисми). Айбланувчининг оғир жиноятни фош этишда кўрсатган ҳамкорлигининг даражасига қараб, прокурор шахсга нисбатан жиноят ишини тугатиши мумкин (ЖПКнинг 218-моддаси).

Украина ЖПКда ҳам айбланувчи ва прокурор ўртасида тузилган келишув битими жиноят ишини дарҳол судга юбориш учун асос бўлади (ЖПКнинг 474-моддаси биринчи қисми).

Қозогистон қонунида тарафлар “айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ”га эришганларидан сўнг, жиноят ишининг мураккаблиги ва унда тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳажми каби ҳолатларга асосан иш мақсадга мувофиқ муддатларда⁹⁷ якуnlаниши лозим. Агар жиноят иши юзасидан тергов

⁹⁶ РФ ЖПКнинг 317⁵-моддасида прокурорнинг келишувни алоҳида суд муҳокамаси тартибида юритиш тўғрисидаги тавсияноманинг нусхаси айбланувчи ва унинг ҳимоячисига тақдим этилади. Айбланувчи, ҳимоячи тавсиянома ва жиноят иши материаллари билан танишиб чиқсанларидан кейин уч суткадан кечиктирмай прокурор томонидан жиноят иши судга юборилиши лозим.

⁹⁷ Қозогистон Республикаси ЖПКнинг 192-моддаси дастлабки тергов муддатларининг “мақсадга мувофиқ муддатлари” деганда: а) жиноят ишининг юридик ва фактик мураккаблиги, б) суд олди босқичи иштирокчилари томонидан ўз хукукларини амалга оширишнинг таъминланиши, в) дастлабки тергов ишини ўз вақтида юритиш мақсадида суд олди терговини юритувчи шахс томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш усуллари каби тушунчаларни назарда тутади

ҳаракатларини олиб бориш зарур бўлмаса, прокурор “сулҳ”нинг имзоланиши билан ишини “суднинг келишув тартиби”да кўриб чиқиш учун юборади (ЖПКнинг 617-моддаси тўртинчи қисми, 622-моддаси).

“Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” тартибида ишларни судда юритиши масаласида ҳам қайд этилган мамлакатларнинг норматив ёндошувларида фарқларни кўриш мумкин. Таҳлил қилинган мамлакатлар қонунчилигида “айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ” ишларини судда юритишнинг алоҳида – соддалаштирилган тартиби белгиланган. Россия Федерацияси (ЖПКнинг 317⁷-моддаси), Молдова (ЖПКнинг 506-моддаси), Грузия (ЖПКнинг 212-моддаси) ва Украина (ЖПКнинг 474-475-моддалари) соҳа қонунларига кўра, суд муҳокамасининг асосий масаласини – “келишув”да айбланувчи зиммасига олган вазифаларнинг бажарилганлиги масаласи ташкил қиласди. Судда судланувчи сўроқ қилиниши, унга давлат айловчиси ва ҳимоячи томонидан саволлар берилиши мумкин. Суд муҳокамасида мазкур масалани исботлаб бериш вазифасини прокурор амалга оширади.

Мазкур процессуал тартибнинг энг муҳим қоидаларидан бири, – бу айбланувчининг айини оғирлаштиришга йўл қўйимасликдир. Бу талаб жиноят процессининг суд муҳокамаси босқичларига тааллуқли қоидани ифода этиб, у бевосита суд ҳукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юкори инстанция судларида текшириш фаолиятида амалга оширилади. Александровларнинг ҳақли фикрича, айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ институтини тартибга солишда сулҳни оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришга йўл қўйимаслик принципига асосланиш керак. Бунда келишувнинг шартлари бир томонлама айловчи тарафидан, ҳаттоқи суд томонидан айбланувчининг ҳолатини оғирлаштирувчи томонга қараб ўзгартириш ман этилиши лозим. Келишувнинг шартларини бажаришда прокурорлик назорати ва суднинг контроли воситасида кафолатланиши

мақсадға мувофиқ. Суднинг контролини тарафлар ўртасида келишув шартларини шарҳлаш ва уларнинг бажарилиши борасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳал қилиш воситаси сифатида зарур⁹⁸.

Таҳлил этилган ЖПКларда суд томонидан сулҳ тузишга розилик билдириш судланувчини суд муҳокамасининг умумий тартибда юритиш хуқуқидан (барча мамлакатлар қонунларида), Қозоғистон ва Эстония қонунларида эса суд жабрланувчининг янги ёки ўзгартирилган даъво талабларини илгари суришдан маҳрум бўлиши хақида судланувчи ва жабрланувчини огоҳлантириши лозим.

“Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” тартибида ишларни судда юритишида суд муҳокамасининг иштирокчилари ҳам чегараланган. Ишнинг судда кўриб чиқишида прокурор, судланувчи, унинг ҳимоячиси ёки вакил иштирок этадилар. Судда амалга ошириладиган “келишув” (Қозоғистон ЖПКнинг 622 ва 626-моддалари, Эстония ЖПКнинг 390-моддаси) суднинг маслаҳатхонага кириб кетгунига қадар амалга оширилиши мумкин.

Ниҳоят, *учинчи* жиҳат – “айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” муносабатларининг якуnlаниш хусусиятлари қиёсан таҳлил этилаётган мамлакатлар қонунчилигига деярли ўхшаш процессуал-хуқуқий ечимларни кузатиш мумкин. Хусусан Россия Федерацияси (ЖПКнинг 317⁷-моддаси), Молдова (ЖПКнинг 509-моддаси), Украина (ЖПКнинг 475-моддаси), Грузия (ЖПКнинг 213-моддаси), Эстонияда (ЖПКнинг 385, 388-моддалари) суд “сулҳ”ни қонуний ва асосли деб ҳисобласа, айлов ҳукмини қабул қилиши ёки “сулҳ”ни тасдиқлашни рад этиши мумкин. Бундай ҳолатда процессуал-хуқуқий муносабатлар икки тартибда ривожланиши мумкин. *Биринчиси*, суд муҳокамасида ишни умумий тартибда юритиш учун прокурорга юбориш. Украина Грузия ва Қозоғистон қонунларида бу ечимнинг *учинчи* шакли мавжуд. Масалан

⁹⁸ Александров А.С., Александрова И.А. Соглашение о досудебном сотрудничество со следствием: правовая сущность и вопросы толкования норм, входящих в главу 40¹ УПК РФ //Уголовный процесс. -2009. -№ 8. -С. 4.

Украина ЖПК 474-моддасининг еттинчи қисмига асосан иш умумий тартибда қайси босқичда тўхтатилган бўлса, ўша босқичдан давом эттирилади. Қозоғистон ЖПКнинг 626-моддасига биноан суд ишни янги “сулҳ” тузиш учун прокурорга юбориши, Грузия ЖПК 213-моддасининг 6-бандига мувофиқ суд “келишув”га факат тарафларнинг розилиги билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Ушбу тартибда амалга ошириладиган процессуал муносабатларнинг якунланиши икки жиҳатни акс эттиради. *Биринчиси*, сулҳ (келишув) тузган судланувчига қўлланиладиган жазонинг миқдори; *иккинчиси*, суд қарори устидан шикоят қилиш тартибининг белгиланганлиги.

Биринчи масала бўйича қайд этилган мамлакатларнинг процессуал нормаларида судларга сулҳ тузган судланувчиларга қонунда белгилангандан енгилроқ жазо қўллаш қоидалари назарда тутилган. Россия Федерацияси, Грузия, Молдова ва Эстония ЖПКларида суд сулҳ тузган судланувчини жазодан озод этиш ҳақида қарор чиқариш ваколатига эга. Украина қонунчилиги эса жазо тури ва миқдорини белгилашни тарафлар иҳтиёрига ҳавола қиласди.

Иккинчи масалага оид нормаларга келсақ, бунда турли ёндошувни кўриш мумкин. Масалан, Эстония ЖПКда соддалаштириган тартибда қабул қилинган суд акти устидан судланувчи томонидан шикоят қилиш хуқуқини таъмин этувчи норма мавжуд эмас. Аксинча, Россия Федерацияси (ЖПКнинг 317⁷-моддаси), Қозоғистон (ЖПК 627-моддасининг тўртинчи қисми), Грузия (ЖПКнинг 215-моддаси), Молдова (ЖПКнинг 509-моддаси 6 ва 7-бандлари) қонунлари шу тартибда чиқарилган суд хукмига шикоят билдириш хуқуқини тақдим этади. Иккинчи инстанция судида айбга иқрорлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши умумий тартибда амалга оширилади.

Бугунги кунда мазкур процессуал институт жиноят-процессуал муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишда, уларнинг тезкорлиги ва ихчамлигини таъминлашда, жиноят процессини юритувчи органларнинг процессуал-хуқуқий ресурсларини тежашда муҳим ва самарали шакл

сифатида мамлакатимиз қонунчилигидан ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Ушбу тартибни ЖПКга жорий этишда қуйидаги умумий қоидаларга таяниш зарур:

1) *Ишларни “айбга иқрорлик тўғрисидаги сулҳ” тартибида юритишнинг процессуал юрисдикциясини аниқ белгилаш* (бунда МДҲга аъзо мамлакатларда, айниқса Россия Федерацияси ва Қозоғистон ЖПКларида ўрнатилган процессуал-хуқуқий ечимларни, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят турлари учун – “айбга иқрорлик тўғрисидаги битим” юритувини; оғир ва ўта оғир жиноятлар учун – ишларни “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” тартибида юритиш қоидаларини умумий тарзда қабул қилиш мумкин); 2) *Ишларни “айбга иқрорлик тўғрисидаги битим” тартибида юритиш шартларини белгилаш* (бу йўналишда: ишни мазкур тартибда юритишнинг вужудга келиш шартлари, асос ва сабаблари, ушбу муносабатда иштирок этувчи субъектлар ҳамда уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми ва доирасини аниқлаштирувчи масалалар ўрин олиши даркор); 3) *“Айбга иқрорлик тўғрисидаги битим” тузишнинг процессуал аҳамияти ва унинг оқибатларини белгилаш* (бунда: “битим” тузишнинг ижтимоий аҳамияти ҳамда унинг натижасида тарафлар ўз зиммасига оладиган мажбуриятларнинг ҳажми ва доираси, мажбуриятларни бузишнинг процессуал оқибатлари, “сулҳдан кейин амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг шакли ва мазмuni каби масалалар ечилиши лозим); 4) *“Айбга иқрорлик тўғрисидаги битим”нинг шакли ва мазмuni, унда назарда тутиладиган масалалар;* 5) *“Айбга иқрорлик тўғрисидаги битим”ни судда кўриб чиқши тартиби* (мазкур йўналишда: ушбу тартибда юритилган ишнинг судга келиб тушгандан кейинги суднинг ҳаракатлари, суд босқичларида ишни юритиш тартибларини аниқлаштириш, суд муҳокамасининг предмети ва тартибини аниқ белгилаш); 6) *Судда ишларни “айбга иқрорлик тўғрисидаги битим” тартибида юритишда суд қабул қиласидиган қарорнинг шакли ва унинг асослари, уларни эълон қилиши тартиби;* 7) *“Айбга иқрорлик тўғрисидаги битим” тартибида юритилган ишларни юқори инстанция судларида ҳал қилиши тартибини белгилаш* (бунда суд

қарорлари устидан шикоят қилиш хуқуқини таъминлаш ва ишни юқори судда кўриб чиқиш қоидаларини белгилаш зарур).

Демак ишларни “айбга иқрорлик тўғрисидаги битим” тартибида юритиш қоидаларини юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар мазмунида ҳал қилиш, мамлакатимиз жиноят процессининг тезкорлигини ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича судлов ишларини юритишда жамият манфаатларини таъмин этиш йўналишида дифференциациялаш имконини беради.

Айбини тан олиш ҳақидаги келишув бўйича судда иш юритишнинг маҳсус тартиби бўйича иловада қонун лойиҳаси келитирлиган⁹⁹.

⁹⁹ Дииссертация З-иловасига кўра ЖПКга янги киритилиши назарада тутилган қонун лойиҳаси тайёрланди.

3.2. Жиноят суд ишларини юритувини соддалаштиришда замонавий ахборот технологияларни ўрни ва уни қўллаш масалалари.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди.

Ушбу йилда иқтисодиёт соҳаси билан бирдек бошқа соҳаларда хусусан суд-хуқуқ соҳасида ҳам рақамли технологияларни қўллаш борасида бир мунча ишлар жонланди. Тадқиқот ишимизда жиноят судловга рақамли яъни ахборот технологияларини қўллаш масалаларига эътибор қаратамиз.

Жамиятни ахборотлаштириш замонавий ижтимоий тараққиётнинг бош омилларидан биридир. Зотан янги моддий ишлаб чиқариш ва инсоннинг бошқа ижтимоий фаолияти борган сари ахборотлар таъминотига ҳамда ҳажми жуда кенг бўлган маълумотларни қайта ишлашга юқори даражада муҳтоjлик сезмоқда. Шу боис жиноят-процессуал тизимнинг риожланишига ва самарали фаолият юритишига таъсир этувчи омиллар қаторига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалаларини киритиш лозим.

Ю. А. Рудтнинг ёзишича, сўнгги йилларда судлов ишларини юритишини тезлаштириш борасида шаклланган асосий илмий-назарий қарашлар ҳам судлов ишларини юритишда замонавий технологиялардан кенг равища фойдаланиш масалаларини қамраб олади¹⁰⁰.

В. Б. Наумовнинг фикрича ҳам, одил судлов фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, фуқароларнинг судга бўлган хуқуқларини амалга ошириш воситаларини кенгайтиришга ҳамда ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга ёрдам беради¹⁰¹.

Маълумки, судлар иш юритувида ишларнинг салмоғи ортиқ ва жиноят ишларини судда муҳокама қилиш даври 2 ойни ташкил қиласди.

¹⁰⁰ Рудт Ю.А. Направления информатизации арбитражной системы РФ. В сб.: Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: -Омск: ОмГУ, 2009. -С.32.

¹⁰¹ Нуров В. Б. Электронный документооборот в арбитражном процессе: Интернет и новый АПК РФ //Арбитражные споры, - 2002. - № 3(19). -С. 93-101.

Ушбу масалада вужудга келган муаммо бу ташкилий-маъмурий муаммоларни бўлиб, судьялар корпусини кенгайтиришни назарда тутади.

Бу муаммонинг ечими албатта молиявий жиҳатдан анча қимматга тушади. Бугунги кунда қайд этилган муаммоли масалаларни ҳал қилишининг мақсадга ечими ҳам мавжуд. Бунда *жиноят-судлов юритувига замонавий ахборот технологияларни жорий этишидан иборат*. Масаланинг бундай ечими ҳам арzon эмас, лекин бу ечимнинг муҳим жиҳати шундаки, у ахборот тезкорлиги ва ахборот ҳажмдорлиги каби замонавий жамият ҳаётининг асосларига одил судлов фаолиятининг интеграциялашуви учун йўл очиб беради.

Мазкур масала жиноят-процессуал муносабатлар учун янгилик бўлиб кўринсада, лекин Ўзбекистоннинг суд амалиётида, аниқроғи Хўжалик судларида мана бир неча йилдан бери янги ахборот технологиялардан фойдаланиб келинмоқда. Қисқа вақт мобайнида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, илмий адабиётларда хамда маъмурий-бошқарув муносабатларида “электрон хукумат”, “электрон одил судлов” деб ном олган ахборот тизими, суд ишларини кўриб чиқиш муддатларини анча қисқартиришга, якунига етмаган ишларнинг сонини камайтиришга, ҳужжатларнинг йўқотилиши ҳолатларини камайтиришга, иш бўйича ахборотларни олиш имкониятларини ва тезкорлигини оширишга, умуман суд аппарати фаолиятининг сифатини кўтаришга ҳизмат қилиб келяпти.

Одил судлов самарадорлигини оширишда янги ахборот технологияларини жорий этиш муаммоси долзарб бўлиб ҳисоблансада, лекин унинг мазмун-моҳиятини англаб олиш муҳим масала саналади. Жумладан луғавий манбаларда “ахборотлаштириш” ўзининг мақсади нуқтаи назаридан фуқароларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини ва уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тарзида тушунилади¹⁰².

¹⁰² Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия. – М., Изд. Тихомирова М. Ю., 2008. – С.398.

Ю. Г. Просвириининг нуқтаи назарича, “ахборотлаштириш” – бу ахборот технологияларини шакллантириш ҳамда турли ижтимоий тизимларда самарли фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишдир. Шу асосда олим ахборотлаштиришни – ахборотлаштирилган жамиятни ривожлантиришнинг моддий асосларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш борасида амалга ошириладиган ҳаракатлар ва чоралар тизими сифатида талқин этади¹⁰³.

Ахборот технологиялари техник, дастурий, математик ва ташкилий воситалар ва методларнинг уйғунлигига суд фаолиятини унга тааллуқли бўлган маълумотларни қидириш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва тарқатиш ишини таъминлашни ўзида намоён қиласди¹⁰⁴.

О. С. Винницкая ахборот технологияларидан одил судлов соҳасида икки вазифани ҳал қилиш учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида фикр билдиради. *Биринчиси*, ахборот технологиялари процессуал масалаларни ҳал қилишга кўмак беради; *иккинчиси*, судлов юритувини ташкил қилиш самарасини оширади. Масалан биринчисига, иш юзасидан аризани, илтимоснома ва аризага эътирозномани ва бошқа хужжатларни электрон шаклда топшириш; иккинчисига: судга чақирав, суд маълумотларидан фойдаланиш, суд муҳокамасига оид видеоконференциялар ва аудиоёзувлар билан танишиш масалаларини киритиш лозим¹⁰⁵.

Аммо ушбу фикр суд фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш тушунчасини тўлиқ қамраб олмайди. Бугунги кунда суд фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммоларига бағищланган адабиётларда ишлаб чиқилган хулосалардан уч жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин. *Биринчиси*, ахборот технологияларни суд фаолиятига жорий этиш суд аппарати бажарадиган ишларнинг самарасини оширишга

¹⁰³ Просвирин Ю. Г. Актуальнѣ проблемѣ теории права, государства и судебнѣй власти в условиях информатизации: // Российский судья. – 2012. - № 8. –С.31.

¹⁰⁴ Кокотова Е. И. Информационные технологии и судебный процесс в правовой науке XXI века //Администратор суда. – 2007. - № 3. - С. 8.

¹⁰⁵ Винницкая О. С. Проблемы использования электронных средств связи для судебных извещений и вызовов участников арбитражного процесса /Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России. Омск: ОмГУ, 2009. –С.56.

хизмат қилади (яъни ҳужжатлар ҳаракатини қатый тартибга солади ва уларни тўплаш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш, тарқатиш ишларини осонлаштиради ва уларни юқори даражага олиб чиқади); иккинчиси, ишларни судда муҳокама қилиш жараёнини тезлаштириш ва енгиллаштиришни таъминлашга ёрдам қилади (яъни далилларни аниқлаш, текшириш ҳамда айрим суд-тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг сифатини ва ишончлилигини оширади); учинчиси, фуқароларнинг жиноят ишининг суд муҳокамаси ва унинг кейинги ҳаракатига оид ахборот олиш имкониятларини кенгайтиради.

Ахборот технологияларининг судлов ишларини юритишдаги таъкидлаб ўтилган иккинчи жиҳати унинг айнан жиноят процессидаги аҳамиятини белгилашда муҳим илмий манба сифатида ҳизмат қилиши мумкин. Р.О. Никитин тўғри таъкидлаганидек, ахборот технологияларидан жиноят процессида фойдаланиш иш юритувининг муддатларини қисқартиришга имкон яратиш билан бирга, асосли ва самарали юридик қарорлар қабул қилишга, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини оширишга, айбланувчи ва жиноят ишидаги бошқа иштирокчиларнинг шахсига оид маълумотларнинг сир сақланишига, шахсларнинг, ташкилотларнинг, давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга олиб келади¹⁰⁶.

Сўнгги йиллардаги илмий изланишларда жиноят процессига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш заруриятидан келиб чиқиб, унинг тушунчасини шакллантиришга уринишларни кузатиш мумкин.

Жумладан Р.О. Никитиннинг ўзи бу тушунчанинг қуйидаги тарифини тавсия этади: **замонавий ахборот технологиялари** – бу ҳисоблаш техникаси, микроэлектроника воситасида ҳамда сунъий интеллект методида ахборотларни қабул қилиш, етказиши, тўплаш ва қайта ишлаш, сақлаш ва фойдаланишинг уйгун методидир¹⁰⁷.

¹⁰⁶ Никитин Р. О. Правове обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе (Электронный ресурс): дисс...канд.юрид.наук. –М.: РГБ, 2005. –С.29 (<http://diss/rsl.ru/diss//05/07223/050073004.pdf>).

¹⁰⁷ Никитин Р. О. Инфосфера уголовного процесса //Молодеж и право: сб. науч. трудов ВЮИ Минюста России. – Владимир: 2004. –С. 89-94.

Ушбу тариф ахборот технологияларининг қўпроқ умумий мазмунини акс эттириб, функциявий хусусиятларни аниқ ифода этмайди.

Фикримизча, ушбу илмий муаммони ечишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг жиноят процессидаги ўрни, унинг функциялари хамда ундан келиб чиқувчи натижаларнинг ўзига хос хусусиятлари каби тушунчаларни умумлаштириш лозим.

Шу тарифлардан унинг қўйидаги тушунчасини ишлаб чиқиш мумкин: **жиноят процессидаги ахборот технологиялари** – бу жиноят-судлов юритувининг барча босқичларида ваколатли шахслар томонидан ўз процессуал фаолиятларини самарали амалга оширишиларига, ишнинг кечиши ва якуnlанишига тааллуқли асосли ва қонуний юридик қарорларнинг қабул қилиншиига кўмак берувчи умумий – ҳуқуққа ва нормалар алгаритимига оид ҳамда хусусий – жиноят ишига тааллуқли маълумотларнинг муайян тизимга солинган дастурий ахборот манбалари тўпламидир.

Бошқача айтганда, замонавий технологиялар воситасида олинадиган (тўпланадиган, жойлаштириладиган, сақланадиган, етказиладиган) ахборотлар суд муҳокамасининг азалдан муҳим манбаи бўлган – жиноятнинг содир этилиши ҳолатлари ва уни содир этган шахснинг шахсига оид маълумотларни (жиноят ишида бевосиа тўпланган ва айлов хулосасига киритилган), жиноят ишини тўгри, асосли ва адолатли ҳал қилиши учун зарур ва муҳим бўлган маълумотлар ва улардан фойдаланиш тартиби тўгрисидаги тушунчаларни ифода этади Зоро маълумотларни тўплаш, текшириш ва уларни ишни ҳал қилувчига етказиш, суд муҳокамасида маълумотларни очиқ ва ошкора муҳокама қилиш функцияси давлат томонидан амалга ошириладиган судлов фаолиятининг азалий ва қадимий функциясидир. Турли даврларда ахборотларни олиш (тўплаш, жойлаштириш, сақлаш, етказиш) воситалари турли шаклда бўлган¹⁰⁸.

¹⁰⁸ Жиноят процессида жиноят ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган гувоҳлар эга бўлган маълумотларни олиш шакли ва мазмуни деярли кескин ўзгаришларга юз тутмаган бўлсада, лекин бугунда уларни олиш, гувоҳларнинг ўзлари эга бўлган маълумотларни етказиш усувлари замонавий ахборот ресурслари асносида ўзгариб бормоқда. Бу ҳақда қўйида фикр юритилади.

Юқорида эътироф этилган тарифлардан икки – маълумот ва ахборот тушунчаларини аниқлаштириб олиш зарур. Луғатларда **маълумот** – бу муайян хulosанинг, қарорнинг асосини ташкил қилувчи кўрсатгич, муайян шахсга, предметга тааллули фактлар, ҳолатлар тўғрисидаги фикрлар сифатида талқин этилади. Улар турли туман соҳаларга тегишли бўлиши мумкин, яъни шахсга, архивга, илмий йўналишга эга ёки статистик ва ҳ. маълумотлар бўлиши мумкин¹⁰⁹.

Ахборот ибораси лотинча тушунтириш, баён қилиш сўзларидан келиб чиқиб, инсонни ўраб турган олам ва унда рўй берётган жараёнлар тўғрисидаги маълумотларнинг инсон томонидан бевосита ёки маҳсус қурилмалар воситасида англашдир¹¹⁰. Ушбу тушунчаларни умумлаштиrsак, маълумотлар – ахборот тизимининг элементидир.

Шу тушунчага таяниб, жиноят процессида ахборот технологияларини кўллашнинг шакли, йўналиши ва унинг доирасини белгилаб олиш муҳим. Адабиётларда жиноят ишларини юритишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг бир нечта шакллари ва йўналишлари ҳақида фикрлар билдирилади. Масалан, А. Г. Калашниковнинг нуқтаи назарича, суд фаолиятини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда – суд қарорлари ва суд амалиётига оид ахборот ресурсларини ва маълумотлар базасини шакллантириш; мазкур маълумотларнинг шаффоғлигини таъминлаш; судларнинг ва суд қарорларини ижро этишининг ягона умумий ахборотлар тизимини яратиш; ихтисослашган судларнинг фаолиятига тааллукли маълумотлар жойлаштириладиган алоҳида веб-сайтларни очиш¹¹¹.

В. И. Зажицкийнинг нуқтаи назарича – жиноят процессида ахборот технологияларидан фойдаланиш унинг барча йўналишларида, айниқса

¹⁰⁹ Большой толковый словарь русского языка /Сост. и гл. ред. С. А. Кузнецов. –СПБ.: изд. “Норинт”, 2000. –С. 239.

¹¹⁰ Большой толковый словарь русского языка /Сост. и гл. ред. С. А. Кузнецов. –С. 397.

¹¹¹ Калашников А. Г. Основные направления оптимизации деятельности арбитражных судов России / В сб.: Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: -Омск: ОмГУ, 2009. –С. 86-87.

тарафлар баҳслашаётган тергов ва суд ҳаракатларида – юзлаштириш, таниб олишда, шунингдек жабрланувчи, айбланувчи, судланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнларида қўллаш фойдалидир¹¹².

Бу борада ривожланган мамлакатларнинг амалий тажрибаларини ўрганиш, мазкур соҳадаги билимларни кенгайтиради. Бундай тажриба хориж мамлакатларининг судлов фаолиятини амалга ошириш жараёнида етарли равишда тўпланиб улгурган. Жумладан АҚШда суднинг руҳсати билан унинг фаолиятидаги маълумотларни олиш хуқуқини таъмин этувчи Case Management/Electronic Case Files (CM/ECF) глобал ахборот тизими ишга туширилган. Шунга кўра, фойдаланувчи иш бўйича зарур бўлган маълумотларни дастурга киритиши мумкин. Компьютер-ахборот тизими маълумотларни дархол қайта ишлаб, иштирокчиларга етказиши мумкин¹¹³.

2005 йилдан бошлаб, Изроил судларида суд ҳужжатларини тартибга солувчи электрон тизими жорий этилди. Мазкур тизим суд қарорлари ва бошқа процессуал ҳужжатлар билан танишиш имконини беради. Таҳлилчиларнинг фикрича, керакли ахборотларни олиш вақтини тежаш, судларнинг маъмурий ҳаражатларини камайтириш ҳамда фуқароларга ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш шароитини яратади¹¹⁴.

Бу масалада Жанубий Корея ҳам ўзига хос ечимни ишлаб чиқкан. Мамакатда 75%дан ортиқ аҳоли уяли телефон ҳизматидан фойдаланиб келади. Шуни инобатга олиб, суд шахсларга иш муҳокамасининг куни, жарима жазоси тайинланганлиги ва унинг ундирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни СМС орқали жўнатади. Бугунда суд хукмини телефонга тўғридан-тўғри жўнатиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда¹¹⁵.

Буюк британиянинг Нортхемптоншир графлигига суд Money Claim Online дастурини ишга туширган. Унга кўра, фуқаро билдирилган даъвога ўз

¹¹² Зажицкий В. И. О направлениях совершенствования Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации //Государство и право. – 2004. - №6, -С.28-35.

¹¹³ (Электрон ресурс) http://www.uscourts.gov/cmecf/cmecf_about.html

¹¹⁴ (Электрон ресурс) http://www.laed.uscourts.gov/cmecf/email_faq.htm

¹¹⁵ (Электрон ресурс) <http://www.internet.ru/index.php?itemid=13276>

эътирозларини суд биносида тақдим этиши ёки электрон почтада қолдириши мумкин. Суд жараёнини суднинг интернет сайтида кузатиш ҳам мумкин¹¹⁶.

Юқоридаги мисоллардан замонавий ахборот технология воситаларининг одил судлов фаолиятига қай даражада кириб борганлигини кўриш мумкин. Мамлакатимиз одил судловининг ривожидаги муҳим бир йўналиш унинг фаолиятига кенг ва қатъий равищда янги ахборот ресурсларидан фойдаланиш муносабатларини тараққий эттиришни назарда тутади. Зотан XXI асрдаги жамиятлар тараққиёти бевосита ахборотларни яратиш ва уларни тарқатиш устидан эгалик қилиш билан боғлиқ¹¹⁷.

Шундай экан, юртимиз ижтимоий соҳаларидаги муносабатларда ахборот ресурсларининг ўрнини кенгайтириш, унинг мақомини янада юксалтириш масалалари жамият ривожининг зарурий шарти эканлигини англаш вақти келди. Одил судolvдаги айнан мана шу ижтимоий-хуқуқий эҳтиёж Президентимизнинг 7 февраль 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган бешта устивор йўналиши”дан **иккинчи йўналиши биринчи бандининг муҳим масалаласи ҳисобланади.**

Одил судлов соҳасида ахборот ресурсларига кенгрок ўрин бериш ва ундан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш зарур.

Аввало ахборот технологияларини жорий этиш жиноят-процессуал муносабатларнинг қайси жабҳа ва йўналишларида фойдали бўлиши мумкин. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ичидан фақат Россия Федерацияси, Грузия, Украина ва Қозогистон қонунчилигида ишларни дастлабки терговда ва судда юритиш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш қоидалари белгиланган.

Грузия жиноят процессида бу қоидалар суд жараёнига тааллуқли бўлиб, улар оммавий ахборот воситалари орқали суд муҳокамаси жараёнини кузатиб

¹¹⁶ (Электрон ресурс) <http://www.e-uriadnik.org.ua/modules.php?name=News&file=article&sid=3758>.

¹¹⁷ Просвирин Ю. Г. Актуальные проблемы теории права, государства и судебной власти в условиях информатизации / Российский судья. - 2012. - № 8. -С.32-33.

бориш тартибини белгилайди. ЖПКнинг 182¹-моддаси 7-бандига мувофиқ, суднинг руҳсати билан суд биносида фотосуратга олиш, кино, видео ва овоз ёзиш техник усқуналари ва мосламаларидан фойдаланиш, суд муҳокамасини тўғридан-тўғри эфирга узатиш мумкин¹¹⁸.

Агар масалага юқорида таъкидлаб ўтилган – “замонавий техникадан ишни асосли, қонуний ваadolатли ҳал қилишга кўмаклашувчи техник восита сифатида фойдаланиш” мезонида қарайдиган бўлсак, барча собиқ иттифоқ республикаларининг қонунларида замонавий техникадан (яъни аудио, кино ва видео тасвирларни олувчи ва намойиш қилувчи техник ускуна ва воситалардан) тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнини тасвирга олиш, овоз ёзиш қурулмасидан фойдаланишга руҳсат берувчи қоидаларни кўриш мумкин. Масалан, 4 март 2013 йилдаги 23-ФЗ-рақамли Федерал қонунга асосан Россия Федерацияси ЖПКда тинтув (182-модда), олиб қўйиш (183-модда), сўроқ қилиш (190-модда), юзлаштириш (192-модда), таниб олиш учун кўрсатиш (193-модда), кўрсатувни воқеа жойида текшириш (194-модда) каби тергов ҳаракатларини амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан техник воситалардан фойдаланиш ваколатлари тартибга солинган. Шунингдек 20 март 2011 йилдан бошлаб Россия Федерацияси жиноят-судлов юритувида гувоҳни видеоконференция алоқаси орқали сўроқ қилиш тартиби белгиланди. ЖПКнинг 278¹-моддасига биноан ишни кўриб чиқаётган суд, айни вақтда гувоҳ ҳозир бўлган худуддаги судга гувоҳни видеоконференция алоқаси ёрдамида сўроқ қилишни ташкил қилиш ҳақида топшириқ жўнатишга ҳақли. Гувоҳнинг видеоконференция алоқаси орқали кўрсатув беришидан аввал, айни вақтда у ҳозир бўлган худуддаги суднинг судьяси гувоҳнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, ундан ёлғон кўрсатув бериш ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида тилҳат олиши ҳамда хужжатларни ишни кўриб чиқаётган судга

¹¹⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_09_10_2009.pdf

юбориши лозим¹¹⁹. Шубҳасиз бундай техник-хуқуқий ечим судда ишларни юритиш учун сарф этиладиган вақтни ҳамда суд харажатларини тежашга имкон беради.

Судлов юритувини замоналаштиришни назарда тутувчи процессуал нормалар яна Украина ва Қозоғистон қонунарида ҳам мавжуд. Украина ЖПКнинг нормалари ахборот технологиялари воситаларини одил судлов фаолиятига жорий этишнинг икки йўналишини белгилаган. *Биринчиси*, жиноят ишларини юритишга тааллуқли хужжатлар айланмасининг тартибига оид бўлиб, ЖПКнинг 35-моддасига асосан суд фаолиятида мавжуд автоматлаштирилган тизим: а) жиноят ишларини судъялар ўртасида объектив, холис ва бир маромда тақсимланишини; б) қасамиёд қилган маслаҳатчиларнинг рўйҳатини холис тузишни; в) белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга судда қўриб чиқиладиган иш тўғрисида маълумот беришни; г) марказлаштирилган ҳолда хукм, ажрим ва бошқа хужжатларни саклашни; д) суд фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тайёрлашни; е) судга келиб тушган хужжат ва мурожаатларни рўйҳатга олишни; ж) иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари ва ижро хужжатларини тақдим этишни; з) суд фаолиятининг электрон архивини шакллантиришни таъмин этади¹²⁰.

Иккинчиси, ахборот технология воситасида очиқда бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг хатти-харакатларини назорат қилиш масаласини ўз ичига олади. Бу норма ЖПКнинг бир нечта моддаларида тартибга солинган. ЖПКнинг 195-моддаси электрон воситалар ёрдамида амалга ошириладиган, 206 ва 270-моддалари эса аудио ва видео назоратнинг асос ва шартларини белгилаган. Электрон воситалар ёрдамида назорат қилиш усулинни тартибга солувчи ЖПКнинг 195-моддаси, гумон қилинувчи, айбланувчи баданининг муайян қисмига электрон воситаларини ўрнатиш;

¹¹⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

¹²⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.iuaj.net/node/1099>

206-модасида ўрнатилган қоидалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг хатти-ҳаракатарини, 270-моддаси эса бино ёки муайян худудни аудио ёки видео воситалар ёрдамида назорат қилиш қоидаларини назарда тутади. ЖПКнинг 195 ва 206-моддаларида кўзда тутилган назорат усуллари фақат суднинг руҳсати билан ва фақат қамоққа олиш эҳтиёт чорасидан бошқа чоралар белгиланган гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан қўлланиши мумкин. Мазкур назорат усулларини қўллаш ҳақидаги суднинг қарори ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

Қозогистон Республикаси ЖПКда ҳам жиноят ишларини юритиша ахборот технология воситаларидан фойдаланишнинг деяри шундай йўналишлари белгиланган. Украина қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Қозогистон қонуни илмий-техник воситалардан айнан исботлаш жараёнида фойдаланиш ҳукуқини беради ҳамда эксперт ва мутахассисни иштирокчилар қаторига киритади (ЖПКнинг 126-моддаси).

Фикримизча замонавий рақамли технологияларни тергов ва суд тизимиға жорий этилиши билан иш юритув бир мунча соддалашган бўлади. Ортиқча қофозбозликлар камаяди.

Муайян тергов ҳаракатини олиб борища ҳимоячининг иштирок этиш имконияти чекланган (масалан, ҳимоячининг ҳизмат сафарида эканлиги) тақдирда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўша тергов ҳаракатида иштирок этиш қоидасининг жорий этиш таклифи кўпчиликнинг овози билан рад этилди. Назаримизда бунинг асосий сабаби, ҳимоячининг вертуал фаолиятни амалга ошириш ҳақида респондентларда на амалий ва на назарий тасаввурнинг шаклланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шундай бўлсада, бу ҳолат муаммонинг мавжудлигини ва уни ҳал қилиш заруриятини кун тартибига олиб чиқади.

Таъкидлаш жойизки, қонун чиқарувчининг ўзида ҳам жиноят процессига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг асос ва шартлари, хусусиятлари, улардан фойдаланиш муносабатларини тартибга

солишининг усул ва йўналишларига оид муаммолар борасида аниқ ишланмалар йўқ.

Бу муаммо илмий жиҳатдан тушунтириб бериш ва таҳлил қилишга оид қарашларнинг танқислиги асносида янада муракқаблашади. Шундай вазиятда жиноят процессига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг йўналишларини белгилашдек мураккаб вазифани ечишга уриниб кўриш мумкин. Лекин аввало мазкур технологияларга бўлган эҳтиёжнинг кўлами ва ҳажмига оид талабларни, уни қўллаш механизмида жиноят ишини юритувчи субъектларнинг ваколатлари ҳамда шахс хуқуқ ва манфаатлари кафолатларининг доираси ва йўналишларини аниклаштириб олиш муҳим масала ҳисобланади.

Жиноят процессида замонавий ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжнинг кўлами масаласига келсақ, юқорида таҳиллардан ва таъкидлардан маълум бўлганидек, у асосан уч тушунчани назарда тутади. *Биринчиси*, ташкилий фаолиятни самарасини ошириш (яъни жиноят ишларини юритиш фаолиятини ташкиллаштириш, уни амалга оширишни енгиллаштириш); *иккинчиси* исботлаш жараёнининг самарасини ошириш, далилларнинг ишончлилигини таъминлаш; *учинчиси*, одил судловни таъминлаш масаласини ҳал қилишни назарда тутиб, айбланувчига қамоқقا олиш эҳтиёт чорасидан бошқа турдаги эҳтиёт чоралари қўлланилганда, уни назорат қилиш воситаси сифатида ҳизмат қиласди.

Булар умумий тарзда, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда жиноят-процессуал муносабатларни бевосита ёки билвосита соддалашуви ҳамда ишни осонлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Энди шу эҳтиёжнинг ҳажмига келсақ, у аввало норматив қоидалардаги гояни ифода этади. Ахборот технологияларидан фойдаланишга руҳсат этувчи қоидаларнинг умумий гоясини аниқлаш учун эса, ушибу ҳаракатлар қандай мақсадларга йўналтирилганлигини билиб олиш муҳим. *Дарҳақиқат ишларни жиноят-судловда юритиш жараёнида нима учун ахборот технологияларидан фойдаланиш зарур?* Юқорида

билдириб ўтилган фикрлар умумий тарзда қўйлган саволга жавоб беради. Аммо улардан кўзланган асосий мақсад – жиноят процессини замонавий технология воситалари ёрдамида енгиллаштириши ва унинг жараёнини соддалаштириши орқали одил судловнинг самарадорлигига эришишидан иборат.

Шундай экан ахборот технология воситаларидан фойдаланиш жараёнини тартибга солиш методи, аввало мана шу мақсадга эришиш усулларини таъминлашга ҳизмат қилиши лозим. Мазкур усуллар ўзаро алоқадорликда қайд этилган масалага оид процессуал-хуқукий нормаларни ва уларни амалга ошириш механизмини вужудга келтиради. Унинг муҳим элементларини жиноят ишини юритувчи субъектларга тақдим этиладиган ваколатларнинг ҳамда шахс ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларининг доираси ва йўналиши каби тушунчалар ташкил қиласи.

Мамлакатимиз жиноят-судлов ишларини юритишга ахборот технологияларини жорий этиш эҳтиёжининг икки йўналишда қўриш мумкин. Булар – а) *ташкилий-бошқарув* ва б) *судлов ишларини кўриб чиқиши* эҳтиёжларидан иборат. Шу нуқтаи назардан соҳа қонунчилигига ахборот технологияларини жорий этиш масаласини ҳал қилишда ташкилий-бошқарув таркибиға тааллуқли қоидаларнинг ҳаммасини ҳам жиноят-процессуал муносабатлар доирасига киритиб бўлмайди. Ташкилий-бошқарув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш қоидаларини фақат жиноят-судлов ишларини юритиш иштирокчилари томонидан айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишда, масалан: терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, прокурорнинг, суднинг электрон почтасига¹²¹ очиқда бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи (агар улар ушланган ёки қамоқقا олиш эҳтиёт чораси қўлланган бўлса) химоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари томонидан аризалар, шикоят ёки

¹²¹ Бундай ҳолатда мазкур идоралар ўзларининг электрон почталари тўғрисидаги ахборотни жиноят ишида иштирок этаётган шахсларга маълум қилишлари лозим.

илтимоснома жўнатиш, уни қабул қилиш, расмийлаштириш ва ҳал қилиш тартибини белгилаш мумкин. Ушбу қоиданинг қуидаги лойиҳаларини таклиф этиш мумкин:

- ЖПКнинг 27-моддаси учинчи қисмига: “*Процесснинг исталган пайтида илтимосномани билдириши ва шикоят бериш мумкин. Улар оғзаки, ёзма ҳамда электрон шаклда, яъни ҳал қилувчининг электрон ресурсига бевосита юбориши орқали амалга оширилиши мумкин*”¹²².
- ЖПКнинг 324-моддаси биринчи қисмига: “*шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Електрон шаклдаги ариза электрон имзо билан тасдиқланиши*¹²³ *ва тегишли тартибда электрон ресурс воситасида рўйхатга олинган бўлиши зарур*”;
- ЖПКнинг 326-моддасига: “...хабарлар” сўзидан кейин, “*ҳизмат ҳати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма, радиограмма ёки электрон мурожаат шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни, шунингдек уларни электрон шаклида илова қилиб юбориши мумкин*”;
- ЖПКнинг 327-моддаси биринчи қисмига: “...лекин эълон қилинмаган ҳатлардаги хабарлар...” жумласидан кейин, “*ҳамда ижтимоий тармоқларда намойиши этилган тасвиirlар*¹²⁴ *жиноят ишини қўзгатишига сабаб бўлади*”;
- ЖПКнинг 377-моддаси иккинчи қисмига: “...уч сутка ичида аризачига хабар беради” жумласидан кейин, “*агар илтимоснома электрон шаклда рўйхатга олинган бўлса, тарафларнинг хохиишига қарор қарор нусҳаси электрон шаклда юборилиши мумкин*”;

¹²² Шубҳасиз, электрон ресурсда юборилган ариза ва илтимосномани рўйхатга олиш улар ҳакида хабар бериш тартиби шакллантирилган ва унга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши зарур.

¹²³ Бу тартиб фақат электрон имзонинг маъмурий-хукукий муносабатларга жорий этилиши асосида жорий этилиши мумкин.

¹²⁴ Мазкур тасвиirlар қайси ҳудудда жиноят содир этилганлиги тўғрисида маълумот берса, ўша ҳудуднинг юритувига тегишли бўлиши ва ҳабар сифатида рўйхатга қўйилиши лозим.

- ЖПКнинг 437-моддаси иккинчи қисмидаги “тараф арз қилган ҳар бир илтимосни” жумласидан сўнг: “шунингдек агар қайд этилган мазмундаги илтимослар суд мажлисига тайёргарлик кўриши босқичидан олдин ёки уни амалга ошириши жараёнида электрон шаклда келган бўлса, суд тарафларга уларнинг мазмунини эълон қиласди ва илтимосни муҳокама қилиб,” матнини қўшимча киритиш, матнинг қолган қисмини ўзгартиришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ.

Ахборот технологияларининг судлов ишларини кўриб чиқиши эҳтиёжларига монанд келувчи қоидаларни жорий этиш масаласига келсак, улар асосан тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунончи мазкур қоидалар қуидаги тергов ҳаракатларини амалга оширишда қўлланиши мумкин:

- ЖПКнинг 96-моддасига: “*Башарти жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахасларни суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилиши уларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки учун хавф тугдиралигандан бўлса, ушбу шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни видеоконференция орқали сўроқ қилишига руҳсат берилади*”;
- Худди шу мазмундаги қўшимча ЖПКнинг 270-моддаси биринчи қисмига ҳам киритилиши лозим;
- ЖПКга “Гувоҳ ва жабрланувчининг видеоконференция шаклидаги кўрсатувлари” деб номланувчи янги 119¹-моддасини киритиш, унда: “*Башарти жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга нисбатан уларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мulkini муҳофаза қилишига йўналтирилган чоралар кўлланилган тақдирда ёхуд улар узоқ сафарга кетганликлари учун суд муҳокамаси жойида хозир бўлишиларини таъминлаш имконсиз бўлганда, улар суд муҳокамасида видеоконференция воситаси орқали сўроқ қилинадилар. Бунда жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахс (судланувчи, айланувчи агар унга нисбатан жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган бўлса) ёлғон кўрсатув берганлик ёки*

кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарликка тортимиши мумкинлиги тўғрисида вертуал тарзда огоҳлантириладилар. Бу ҳақда жабрланувчи, гувоҳ ва боиқа шахслар электрон имзодан фойдаланган ҳолда, кейинчалик шу ҳақдаги тилҳатни алоҳида тарзда судга тақдим этишилари лозим. Сўроқ мазкур Кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади”;

- ЖПКнинг 122-моддаси иккинчи қисмига: “агар жабрланувчи ва гувоҳга нисбатан уларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилишини таъминловчи чоралар кўлланилган ёхуд узок сафарга кетганликлари сабабли юзлаштириши вақтида иштирок эта олмасалар, юзлаштириши вақтида жабрланувчи ва гувоҳ видеоконференция орқали сўроқ қилинадилар”;
- ЖПКнинг 123-моддаси иккинчи қисмига: ҳат бошидаги “Юзлаштириб сўроқ қилиш” жумласидан кейин, “шунигдек видеоконференция орқали юзлаштириб сўроқ қилиши”;
- ЖПКнинг 127-моддаси тўртинчи қисмини қўйидагича баён қилиш: “шахсни таниб олиши учун кўрсатишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида таниб олиши видеокамера орқали амалга оширилади. Бунда таниб оловчи ва таниб олинувчи алоҳида-алоҳида хоналарда жойлашадилар. Видеокамера таниб олинувчининг ҳонасига ўрнатилиб, ундаги тасвирлар таниб оловчининг ҳонасига узатилади. Агар таниб олишида таржимоннинг иштироки зарур бўлса, у ҳам вертуал тарзда иштирок этиши мумкин. Таниб олишининг натижалари ва унда иштирок этган шахслар баённомада қайд этилади, унга таниб олиши жараёни тасвирга олинган видеотасвир илова қилинади”.

Ушбу модданинг бешинчи қисмининг ҳат бошига: “Шахсни таниб олиши учун кўрсатишнинг иложи бўлмаганда таниб олишида фотосуратдан фойдаланилиши мумкин” жумласини киритиш;

- ЖПКнинг 131-моддаси учинчи қисми ҳат бошига: “таниб олиши видеотасвир орқали амалга оширилган бўлса, баённомага видеотасвир илова

қилинади. Агар таниб олиши учун..." каби қўшимча ва ўзгартеришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Суд муҳокамасида комьютер технологияларидан фойдаланиш ҳам исботлаш жараёнида анча самара бериши ҳамда муҳокаманинг вақтини тежашга ёрдам кўрсатиши мумкин.

Жиноят ишида мавжуд бўлган барча фото-видео, кинотасвиirlар, жадваллар ва бошқа хужжатларнинг компьютер мониторида намойиш қилиниши, тезлик билан керакли хужжат ва маълумотларни унда зудлик билан акс эттиришга, хужжатларни ўзаро солиширишга ёрдам беради¹²⁵. Ушбу фикрни маққулаш ўринлидир.

Шунингдек суд муҳокамасида эксперт, мутахассис ва таржимоннинг виртуал иштироклари ҳам ишарни судда муҳокама қилиш жараёнини тезлаштиришга, бошқа томондан жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳавфсизлигини таъминлашга ҳизмат қиласи.

Юқорида билдирилган фикрларга *хулоса қилиб шуни айтиши лозимки*, бугунги ижтимоий муносабатлар тезкориги шароитида умуман одил судловни амалга оширишнинг, хусусан жиноят-судловини юритишининг кейинги истиқболи ушбу соҳага янги ахборот технологияларини жорий этишга узвий боғлиқ. Шундай экан мамлакатимиз судлов ишларини юритиш тизимини замона талабларига ҳамоҳанг равишда ривожлантириб бориш жамият манфаатларига, энг аввало инсон манфаатларига жавоб беради.

¹²⁵ Никитин Р. О. Правове обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе (Электронный ресурс): дисс...канд.юрид.наук. –М.: РГБ, 2005. –С.65-66 (<http://diss/rsl.ru/diss//05/07223/050073004.pdf>).

ХУЛОСА

Жиноят процессуал ҳуқуқига оид юридик дарсликлар ва соҳага оид илмий адабиётларни, жиноят процессининг судга қадар ҳамда судда бўлган босқичида иш юритишни янада соддалаштириш борасида айрим МДҲ давлатларининг тергов амалиёти ва тажрибасини таҳлил қилиш жиноят процессининг янада соддалаштиришга оид қўйидаги таклиф ва илмий тавсияларга асос бўлди:

Жиноят процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Жиноят процессуал муносабатларда сод-далаштирилган тартибда иш юритиш тушунчаси бир мунча янги тушунча бўлиб, бу борада мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан турли хил назариялар илгари сурилиб, бироқ мамлакатимизда амалда бўлган норматив ҳуқуқий хужжатларда ёки жиноят процессуал ҳуқуқи соҳасига оид дарсликлар, ўкув қўлланмаларида унинг ягона мукаммал ҳуқуқий моҳияти мавжуд эмаслиги уни таърифлашни тақозо этди.

Хусусан, “**Жиноят - процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш** –терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов, суд босқичида иш ҳолатларини аниқ ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезликда ҳамда **оқилона муддатларда** қонуний қарор қабул қилиш инконини берувчи, жиноят процесси барча иштирокчиларининг ортиқча тақорловчи куч ва бошқа воситаларни сарфланишини олдини олишга қаратилган жиноят процессининг қисқартирилган **жараёнидир**”.

2. Жиноят процессуал муносабатларда соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг хусусиятлари қўйидагилардир: терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов, суд томонидан ишни тезкор қисқартирилган муддатларда кўриб чиқиши назарда тутади; содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ҳамда давлатга етказилган зарар ўрни тўлиқ бартараф қилиш лозимлиги ҳақида айбланувчи (судланувчи)га мажбуриятни келтириб чиқаради; жиноят процесси барча иштирокчиларининг ортиқча куч ва воситалар қўлланишини олди олинади; ишларни кўриб чиқиш асоссиз чўзилиб кетиши олди олинади; жиноят процесси иштирокчиларининг вақти тежалиши каби ижобий томонлари мавжуд.

3. Мамлакатимизда жиноят процессуал қонунчилигининг ривожланиш босқичларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, амалдаги Жиноят кодексида хусусий айбловни назарда тутувчи айрим ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича суриштирув органлари иш юритувини соддалаштиришга имкон берувчи “материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шакли”ни яъни “соддалаштирилган суриштирув”

функциясини терговга қадар текширув органига бериш орқали иш юритув янада соддалашиши мумкин.

Бундан келиб чиқиб, “**материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шакли**”га қуийдагича таъриф бериш тавсия қилинди.

“**Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шакли** – жиноят кодексидаги хусусий айловни назарда тутувчи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича жиноят процесси қатнашчиларининг ёзма илтимосига мувофиқ, суриштирув харакатларини 5 кунгача муддатда ўтказиш орқали, судгача иш юритиш натижаларини келгусида судда мухокама қилиш учун протокол тузиш билан якунланувчи терговга қадар текширув органлари фаолиятининг соддалаштирилган шакли”.

4. Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шаклининг мезонлари қуийдагилардир:

- амалдаги ЖКда фақатгина хусусий айловни назарда тутувчи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича иш юритилади;

- қисқартирилган муддат давомида терговга қадар текширув ўтказилиб, 10 кунгача муддатда тегишли якуний протокол тузилиши билан иш юритув тамомланади ва материалларни судга ўтказиш учун 1 кун муддатда худудий прокурор томонидан кўриб чиқади;

- протокол шаклда иш юритилганда унинг муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди;

- терговга қадар текширув органининг якуний протоколи билан назоратни таъминловчи прокурор келишган тақдирда, материалларни судга юборилишини таъминлайди ёхуд иш материалларини суриштирув ёки тергов органига ўтказади;

- Материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шаклида иш юритишда жиноят иши умуман қўзғатилмайди;

- қилмишни содир этган шахснинг барча шахсига доир маълумотлар тўпланиб, жиноят содир этилганлиги тўғрисида барча фактик маълумотлар далиллар тўлиқ тузилган процессуал баённомалар орқали расмийлаштирилиб, иш юритув протокол тузилиши билан якунланади;

- гумон қилинувчи маълум бўлганда, унга нисбатан дархол баённома тузилади;

- жиноий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш зарурияти мавжуд бўлганда уч кун ичida баённома тузиш;

- иш бўйича эксперт хulosасини ёки мутахассиснинг фикри олиниши зарур бўлганда, ушбу хужжатлар олинган кундан бир сутка ичida баённома тузилади;

- материалларни судгача тайёрлашнинг протокол шаклда иш юритиш якуни бўйича протокол тузилиши учун жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ҳамда давлат манфаатларига етказилган барча заарлар ўрни тўлиқ қопланиши лозим бўлади.

5. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича дастлабки тергов муддатларини қисқартириш лозим. Кўпчилик МДҲ давлатларининг тажрибасини ўрганиш натижасида уларнинг дастлабки тергов муддатлари 2 ойгача бўлган муддатда белгиланган.

6. Терговни назорат қилиш функциясига эга бўлган прокурорлар дастлабки тергов ўtkазишнинг қисқартирилган муддатини белгилаши мумкинлиги бўйича ваколатга эга бўлиши лозим.

Чунки, прокурорнинг бундай ваколатларга эга бўлиши, жиноят ишини тезкорлик билан терговини якунлашга, таъбир жоиз бўлса жиноят процессининг қатнашчиларини вақтлари олиниши ва ишнинг чўзиб тергов қилинишини олдини олади.

7. “**Айбни тан олиш ҳақидаги келишув**” – бу жиноят процессуал ҳуқуқида соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг янгича институциявий шакли ҳисобланиб, хорижий давлатларининг тажрибасида анча ижобий самарага эга бўлган, жиноят процессида судгача ва судда иш юритишни бир мунча соддалаштирадиган иш юритишнинг алоҳида туридир.

АҚШ ҳамда англо-саксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган айрим давлатларининг жиноят ишларини юритишни назарда тутувчи қонунларида, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлиб, жиноят иштирокчиларини аниқланиши, жиноятни фош этилишида кўмаклашган, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни топишда ҳамда жиноятни очилишида фаол ёрдам берган тақдирда, унга келгусида суд томонидан тайинланадиган жазонинг чегарасини келишиш орқали тузиладиган сулҳ ҳисобланади.

Бунда, иш юритув тез фурсатда тамомланиб, айбланувчи, унинг химоячиси ҳамда прокурор (давлат айбловчиси) ўрталарида тузилиб, сулхнинг ҳаққонийлиги ва айбланувчининг ушбу жиноятни ҳақиқатда содир этганлиги келишувнинг ҳаққонийлиги бўйича судда қисқартирилган шаклда иш юритилади.

Бу борадаги иш юритув тушунчасини қўйидаги мазмунда таърифлаш тавсия қилинди.

“**Айбни тан олиш ҳақидаги келишув**” – судгача бўлган босқичда айбланувчи томонидан жиноятни тўлиқ фош этилиши, етказилган заарар ўрнини қоплаши, айбини тан олиши шаффоф бўлиши ҳамда суд жараёнида жиноят содир этган шахснинг ўз айбини тан олиб келгусида суд томонидан тайинланадиган жазонинг аниқ чегарасини белгилашни назарда тутувчи иш юритишни тезкор ва соддалаштирилган замонавий шаклидир.

8. Жиноят ишлари бўйича иш юритувни соддалаштиришда ахборот технологияларини қўллаш тушунчасига қўйидагича таърифлаш тавсия қилинди.

Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва судда фаолият юритувчи давлат хизматчиларининг иш юритувини қисқартиришга эришишини назарда тутувчи, иш юритув фаолиятига рақамли технологияларни кенг қўллашни англатувчи ташкилий шаклдир.

Жиноят процессуал кодексини таомиллаштириш бўйича таклифлар:

9. ЖПКнинг “Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи” деб номланувчи 27-модданинг учинчи қисмидаги “Процесснинг исталган пайтида илтимосномани билдириш ва шикоят бериш мумкин” сўзларидан кейин, “**Улар оғзаки, ёзма ҳамда электрон шаклда, яъни ҳал қилувчининг электрон ресурсига бевосита юбориш орқали амалга оширилиши мумкин**” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф қилинди.

Айни вақтда процессуал ҳаракатлар, қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини мурожаат қилувчи ўзига қулай бўлган ҳолатда амалга оширади. Мурожаат тегишли органга бевосита етиб бориши учун ҳар бир давлат органининг ўз электрон сайтлари ишлаб чиқилган. Шу сабабли ушбу электрон сайтларга тўғридан-тўғри шикоятлар рукни алоҳида келтирилган бўлиб, улардан фойдаланган ҳолда фуқаролар шикоят қилиш мумкинлиги назарда тутилмоқда.

10. ЖПКда жиноят ҳақидаги ариза хабарларнинг оғзаки ҳамда ёзма шакли назарда тутилган бўлиб, уларнинг талаблари ҳам назарда тутилган. Бироқ, амалиётда ҲМҚОга электрон тармоқлар орқали яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси “ишонч телефони” орқали фуқаролар томонидан юборилган электрон мурожаатлар ҳам текширилмоқда. Лекин айрим ҳолларда электрон мурожаатларда имзоланмаган ҳолда келсада, улар бўйича текширув ўтказилади. Аноним мурожаат бўлганида текшириш амалга оширилмайди. Мурожаат қилувчиларга қулай имконият яни ўз уйида туриб Халқ қабулхоналарига бормасдан ёки “ишонч телефонлари”га қўнғироқлар қилмасдан тўғридан-тўғри мурожаат қилиши мумкинлиги бўйича қўшимча шароит яратиш, ҳамда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар бўйича электрон шаклда бўлсада, уни электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши лозимлиги хусусида талаб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқиб, **324-модданинг** биринчи қисми матнiga, “Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма сўзидан кейинги “ёки” сўзи чиқарилиб, ундан сўнг оғзаки “ёки электрон шаклда бўлиши мумкин”. “Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим” деган сўзларидан сўнг, “**Электрон шаклдаги ариза электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ва тегишли тартибда электрон ресурс воситасида юборилиши зарур**” деган сўзлар билан тўлдириш;

11. ЖПКнинг **326-модда** матнидаги “...хабарлар” сўзидан кейин, “хизмат ҳати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма, радиограмма ёки электрон мурожаат шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни, шунингдек уларни электрон шаклидаги иловаларини юбориши мумкин” деган жумлалар билан тўлдириш;

12. Маълумки, интернет тармоғида жиноят содир этилганлиги тўғрисида тасвиirlар, видеолар ва бошқа электрон шаклдаги жиноят ҳақидаги тасвиirlи ифодалар кўп ҳоллларда учрамоқда. Амалиётда мазкур шаклдаги хабарлар бўйича текширув ҳаракатлари ўтказилаётганлиги ҳам сир эмас. Бироқ ЖПКнинг 327-моддасида ушбу маълумотлар жиноят иши қўзғатилиши учун сабаб бўлиши қўзда тутилмаган. Шунинг учун келгусида тасвиirlар қайси ҳудудда содир бўлганлиги маълум бўлгани ҳолда ўша ҳудуднинг иш юритувига тегишли бўлмоғи ҳамда жиноят ҳақидаги ҳабар сифатида рўйхатга қўйилишини таъминлаш лозимлиги тавсия қилиниб, ЖПКнинг 327-моддаси биринчи қисмига: “...лекин эълон қилинмаган ҳатлардаги хабарлар...” жумласидан кейин, “*ҳамда ижтимоий тармоқларда намойиш этилган тасвиirlар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади*” деган сўзлар билан тўлдириш;

13. ЖПКнинг 329-моддасининг иккинчи қисмини “...ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш сўзларидан кейин “**мурдаги экслуматия қилиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш**” сўзлари билан тўлдириш;

14. ЖПКнинг 330-моддасининг иккинчи қисмига, “Жиноятга оид ариза (хабар)ни кўриб чиқиш натижаси билан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорнинг барвақт, асоссиз ва мурожаатда кўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан туман (шаҳар) прокурори, шаҳар, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорилари ҳамда унга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фақатгина бир маротабагача (фақат Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан алоҳида ҳоллларда бекор қилиш бундан мустасно) бекор қилиниши мумкин.

Муқаддам бекор қилиш қарорида кўрсатилган ёки барвақт, асоссиз ва мурожаатда кўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан иккинчи маротаба туман (шаҳар) прокурорлари, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилиниши мумкин эмас.” сўзлари билан тўлдириш;

15. ЖПКнинг 335-моддасининг иккинчи қисмига, “Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) тегишлилигига кўра юбориш зудлик билан ҳал этилиб, беш кун муддатда тегишлилигига кўра юборилиши шарт.” Сўзлари билан тўлдириш;

16. ЖПКнинг 351-модданинг биринчи қисми матни қуйидагича баён қилинсин:

“Дастлабки тергов муддати жиноят иши қўзғатилган қундан бошлаб **икки ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим**” деган сўзлари билан тўлдириш;

17. ЖПКнинг 351-модданинг тўртинчи қисми матни қуйидаги таҳрирда баён қилиниши таклиф этилди. Яъни:

“Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати терговчининг асослантирилган илтимосномасига мувофиқ:

ишнинг мураккаблиги туфайли туман, шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан мақсадга мувофиқ муддатга, аммо уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга;

ишнинг алоҳида мураккаблиги ёхуд жиноят иши материалларини жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун чет давлатга юбориш ҳақидаги масалани ҳал қилиш юзасидан қарор қабул қилиш зарурияти туфайли Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари розилиги билан оқилона муддатда, яъни беш ойдан ортиқ бўлмаган муддатга;

алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг ўта мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан етти ойгача узайтирилиши мумкин”.

18. ЖПКнинг 351-модданинг бешинчи қисми матнидаги “...прокурор томонидан...” сўзларидан кейин :“...мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат доирасида белгиланади...” жумласи билан тўлдирилсин.

19. ЖПКга янги 351¹-модда билан тўлдириш таклиф этилди.

351¹-модда. Прокурор ва суд томонидан жиноят ишларини юритиши муддатларини қисқартириш

Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари ҳақидаги қоидаларни таъминлаш мақсадида прокурор ва суд ишдаги ҳолатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қонунда ишни шу босқичда юритиш учун белгиланган муддатдан қисқароқ муддатни белгилаши мумкин. Ишни юритиш муддатини қисқартириш манфаатдор шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиши натижасида ёки прокурор ва суднинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритишга оид прокурор ва суд томонидан ўрнатилган ҳар қандай муддатлар қонунда ишни шу босқичда юритиш учун ўрнатилган муддатдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди. Белгиланган муддат ишни юритиш учун зарур бўлган процессуал ҳаракатларни ёки процессуал қарорни қабул қилиш учун етарли бўлиши ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келмаслиги лозим.

Прокурор ва суд томонидан ўрнатилган муддат етарли асослар мавжуд бўлганда ишни юритиш учун қонунда ўрнатилган муддатдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ишни юритиш муддатларини қисқартириш ёки узайтириш жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси муддатини назарда тутмайди.

Суд шахсга нисбатан қамоқقا олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилишда бир вақтнинг ўзида ишни дастлабки терговда юритишнинг

мақсадга мувофиқ муддатини белгилаши мумкин. Бундай ҳолатда қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг муддати ишнинг қисқартирилган (кейинчалик узайтирилган) вақт ичида ҳал этилиши муддатига тенг бўлади.

20. **377-модданинг** иккинчи қисми матнидаги “...уч сутка ичида аризачига хабар беради” жумласидан кейин, “**агар илтимоснома электрон шаклда рўйхатга олинган бўлса, тарафларнинг хошишига қараб қарор нусҳаси электрон шаклда юборилиши мумкин**” деган жумла билан тўлдириш таклиф этилади.

21. ЖПКга янги “**Суд мухокамасининг маҳсус тартиби**” деб **номланган янги боб киритилиши таклиф этилмоқда**.

Айбини тан олиш ҳақидаги келишув институти бўйича судда ишни мухокама қилиш тартибини назарда тутади.

22. ЖПКга янги **591¹-модда** билан тўлдириш **таклиф этилиб, модда номи “Айбланувчи айбига иқрор бўлганида суд томонидан жиноят ишини ҳал қилишнинг алоҳида тартиби”** деб номлаб, қуйида қоидани назарда тутади:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига кўрсатилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган айбланувчи давлат айловчиси ва жабрланувчининг розилиги бўлган тақдирда ҳамда айби тўла, ҳар томонлама ва холисона исботланганда айбланувчи айбига иқрор бўлса, судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли.

Суд ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, **суд мухокамасининг тайёрлов қисмida** қўйидаги масалаларни ҳал қиласди:

- айбланувчинининг айбига иқрорлиги;
 - қилмишидан ўта пушаймонлиги ва иқрорлиги ҳаққоний ва тазъиїксиз бўлганлиги;
 - айбига иқрор бўлиш асосида суд қарори қабул қилинса, айбланувчи ушбу иш юзасидан апелляция ва кассация тартибида шикоят бериш хукуқидан маҳрум бўлиши;
 - айбланувчи келтирилган заарни қопланганлиги;
- «Айбига икрорлик битими» илгари судланганлар, рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

23. ЖПКга янги **591²-модда** билан тўлдириш **таклиф этилиб, модда номини “Илтимосномани тақдим этиш тартиби”** деб номлаб, қўйидаги қоидалар киритиш **таклиф этилди**.

“Айбланувчининг айбига иқрорлиги билан боғлиқ бўлган ишларни юритишида суд мажлисини ўтказмасдан туриб ҳукм чиқариш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчи, унинг ҳимоячиси прокурор орқали судга тақдим қиласди.

Илтимосномани:

- 1) жиноят иши тамомланиб, иш материаллари айбланувчига танишиб

чиқиши учун ушбу Кодекснинг 375-376 моддаларига асосан тақдим қилинганда;

2) жиноят иши суд томонидан ушбу Кодекснинг 585, 586-моддаларида белгиланган масалалар кўриб чиқилаётганда;

3) суд мажлисининг тайёрлов қисмида ушбу Кодекснинг 438-моддасига асосан илтимослар қилиш ва уларни ҳал қилишда судга мурожаат қилиши мумкин.

24. ЖПКга янги **591³-модда** билан тўлдириш таклиф этилиб, модда номини “**Хукм чиқариш шартлари**” деб номлаб, қўйидаги мазмунда, яъни:

“Айбланувчининг айбига иқрорлиги билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича айбланувчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида иштирок этиши шарт.

Жазо содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта булмаган ва унча оғир булмаган жиноятлар учун моддада кўрсатилган энг оғир жазонинг teng ярмидан куп булмаган микдорда тайинланиши мумкин;

Процессуал ҳаражатлар судланувчидан ундирилади”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б.427.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси <https://lex.uz/docs/3517337>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application april 5, 2020)

2.3. Ўзбекистон Республикасининг «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конуни <https://lex.uz/docs/3523891>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application april 5, 2020)

2.4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси <https://lex.uz/pdfs/4766244#4767242>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the application April 5, 2020)

2.5. Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.<https://lex.uz/>

2.6. 16 декабрь 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт.

2.7. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конуни. www.lex.uz/064951555

2.8. “Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармони лойихаси//(Ўзбекистон Республикаси норматив хуқуқий хужжатлар лойихалари муҳолкамаси бета-версия) <http://regulation.gov.uz/uz/document/16286/>. Мурожаат этилган сана 05.04.2020 йил (date of the app-tion April 5, 2020)

2.9. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конуни <https://lex.uz/docs/2509996>.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонга 1-ИЛОВА.

2.12. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

2.13. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана, от 18 апреля 2009 года (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г., 03.05.2014 г.) http://base.spinform.ru/show_doc.Fwx?rgn=27706

2.14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30692

- 2.15.** Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент: Ўзбекистон нашр., 1991
- 2.16.** Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.iuaj.net/node/1099>
- 2.17.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. Текст кодекса с изменениями и дополнениями на 20 марта 2013 года. <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/upk/>
- 2.18.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азербайджан. abc.az/rus/news/45864.html
- 2.19.** Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. urotdel.com/zakony/ugolovno
- 2.20.** Законы Франции. [ru.encydia.com/en/Zakon_Fранции](http://ru.encydia.com/en/Zakon_Franции)
- 2.21.** Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_-09_10_2009.pdf
- 2.22.** Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. <http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice>
- 2.23.** УПК Франции. lawlibrary.ru/izdanie32984.html
- 2.24.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. urotdel.com/zakony/ugolovno-
- 2.25. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. –Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>
- 2.26.** Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/
- 2.27.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. –Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>.

III.Махсус адабиётлар:

3.1.Э.Бегматов, А.Мадвалиев ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз биримаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. “Ўзбекистон миллий инцеклопедияси” давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси.

3.2. 3.Ф.Иногомжонова, Г.З.Тўлаганова. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т. ТДЮИ нашриёти 2006.

3.3.Якимович Ю. К. Структура советского уголовного процесса: система стадий и система производства. Основные и дополнительные производства. –Томск: 1991. –С. 48.

3.4.И.Саидаҳмедов. Давлат ва ҳуқуқ тарихи.- Тошкент. Ўзбекистон. 2006. Б-174.

3.5.Абдумажидов Г.А. Развитие законодательства о расследовании преступлений. –Тошкент: Узбекистан 1974. С 109.

3.6. Муаллифлар жамоаси. Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. 2-Боби. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи. ТДЮИ “Tezkor nashr markazi” нашриёти. 2007 йил. 596-б.

3.7. Петрухин И.Л. Провосудие: время ремор. 26-б.

3.8. Измайлова Е. А. Согласительные процедуры как путь интенсификации судебной системы России //Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: Сборник творческих работ /Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: Сборник творческих работ. Омск, ОМГУ, 2009. –С. 24..

3.9. Мурадъян Э. М. Истина как проблема судебного права. 2-е изд. –М.: Изд-во Юристъ, 2004.

3.10. Трофименко В. М. Система уголовного процесса по УПК Украины //Уголовное судопроизводство, №1, 2013.

3.11. Ефимичев С. П., Ефимичев П. С. Расследование преступлений: теория,

практика, обеспечение прав личности: -М.:Юстицинформ; 2009.

3.12. Мухитдинов Ф. М., Тўлаганова Г. З // Жиноий тажовузлардан ҳимояланишнинг процессал усул ва воситалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ТДЮУ Ҳукуқий тадқиқотлар маркази. –Тошкент: 2014.

3.13. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Туркменистана. Постатейный /Под общ. ред. проф. А.В. Смирнова. СПб.: 2011.

3.14. Тухташева У. А. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси: тушунчаси ва қўллаш тартиби /Амалий қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашр., 2007.

3.15.Махов В. Н., Пешков М. А. Уголовный процесс США (досудебные стадии). Учебное пособие. - М.: ЗАО "Бизнес-школа "Интел-Синтез", 1998.

3.16. Мухитдинов Ф. М. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессал тизимини такомиллаштириш концепцияси: фоя ва қоидалар. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ инт-ти нашр., 2005.

3.17. Александров С., Грачев С. А.. Актуальные проблемы стадии возбуждения уголовного дела. В книге: Уголовный процесс России. Проблемные лекции: учебное пособие (для студентов высших юридических учебных заведений) /Науч. ред. В.И. Томин, А.П. Попов и И.А. Зинченко.-Пятигорск:: Изд. “РИА-КМВ”. 2014.

3.18. Александров А.С., Колесник В.В. Уголовный процесс России. Проблемные лекции: учебное пособие (для студентов высших юридических учебных заведений) /Науч. ред. В.Т.Томин, А.П.Попов и И.А.Зинченко. Пятигорск: Изд., «РИА-КМВ» 2014. –С. 381.

3.19. Ковалев Н. Н. Реформы, связанные с участием непрофессиональных судей в принятии судебных решений в переходных системах уголовного правосудия содружества независимых государств: Белфаст, дисс...докт.юрид.наук. Универ-т Квинс, 2007.

3.20. Стивен Тейман, Типология согласованных уголовных процедур //WORLD PLEA BARGAINING (Сделки о признании вины в мире). Стивен Тейман изд., 2010.

3.21. Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. М.: Зерцало. 2001.

3.22. Л. В. Головко. Уголовно-процессуальный кодекс Франции 1958 года. По состоянию на 1 января 1995 г. / Пер. с французского -М.: 1996.

3.23.Головко Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., 1995.

3.24. Стивен Тейман. Введение в Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана. Сент-Луис, Унив-т Сент-Луиса, США. 2012

3.25. Кобякова. М., Д.Васильева Судебные системы европейских стран; Справочник /Пер. с фр. Д.-Васильева и с англ. О.Ю. Кобякова. М.: Междунар. отношения. 2002.

3.26. Александров А.С., Александрова И.А. Соглашение о досудебном сотрудничестве со следствием: правовая сущность и вопросы толкования норм, входящих в главу 40¹ УПК РФ //Уголовный процесс. -2009. -№ 8.

3.27. Рудт Ю.А. Направления информатизации арбитражной системы РФ. В сб.: Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России: -Омск: ОмГУ, 2009

3.28. Нумов В. Б. Электронный документооборот в арбитражном процессе: Интернет и новый АПК РФ //Арбитражные споры, - 2002. - № 3(19).

3.29. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия. – М., Изд. Тихомирова М. Ю., 2008.

3.30. Винницкая О. С. Проблемы использования электронных средств связи для судебных извещений и вызовов участников арбитражного процесса /Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России. Омск: ОмГУ, 2009.

3.31. Никитин Р. О. Инфосфера уголовного процесса //Молодеж и право: сб. науч. трудов ВЮИ Минюста России. – Владимир: 2004

3.32. С. А. Кузнецов Большой толковый словарь русского языка /Сост. и. –СПБ.: изд. “Норинт”, 2000.

IV.Диссертация ва диссертация авторефератлари:

- 4.1. Н.И.Хайриев.** Жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясидан. ТДЮУ. Т: 2016 йил.
- 4.2. Курбонов Ж. Т.** Институт протокольной формы в советском уголовном процессе: Автореф. дисс. канд.юрид.наук. –Т., ТашГУ, 1991.
- 4.3. Руновский А. В.** Дифференциация уголовно-процессуальных форм досудебного производства по делам публичного обвинения: Автореф. дисс... канд.юрид.наук. Московская академия экономики и права. -М., 2012.
- 4.4. Головко Л. В.** Альтернативы уголовному преследованию как форма процессуальной дифференциации. Автореф..дисс....докт.юрид.наук. -М., 2003.
- 4.5. Александров А. С.** Диспозитивность в уголовном процессе: Автореф. дис... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 1995.
- 4.6. Смирнова И. Г.К** вопросу о влиянии национального менталитета на развитие уголовного судопроизводства: Автореф.дисс... канд.юрид.наук. Иркутск, ИГУ, 2010.
- 4.7. Никитин Р. О.** Правовое обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе (Электронный ресурс): дисс...канд.юрид.наук. –М.: РГБ, 2005. –С.29 (<http://diss.rsl.ru/diss//05/07223/050073004.pdf>).

V.Илмий-мақолалар:

5.1. Б.Э.Бердиалиев Ишни судга қадар юритиш тартибини соддалаштиришга оид айрим масалалар. Илмий мақоласи. 139-бетда. Жиноят ва жиноят – процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон хукуқ ва эркинларини таъминлаш кафолати: Республика илмий – амалий конференцияси материаллари (2018 йил 24 апрель) ИИВ Академия. Т-2018 й.

5.2. Ш.Хайдаров. Жиноят ишларини юритишнинг каррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳамияти. http://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT_

5.3. С.А.Исҳақов “Ҳидоя”нинг мусулмон хукуқи манбаи тизимида тутган ўрни// Хукуқ-Право-Law Тошкент -2003. №2-Б-56-57.

5.4. А.Матмуродов, Д.Кенжабоев. Жиноят процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув институти: таҳлил ва тиакомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси. 2018/01 –сон Илмий-амалий ҳукуқий журнали. ТДЮУ. 2018 йил. 122-бет.

5.5. Суховенко Н.А. Процессуальные издержки как институт уголовно-процессуального права// Вестник БДУ.- 2013 №3. –с.78.

5.6. Крупницкая В. И. Дознание в органах внутренних дел: /Актуальные проблемы совершенствования законодательства, правоприменения и правовых теорий в России и за рубежом: Материалы Второй Международной научно-практической конференции (3 декабря 2009 г.) /Под общ. ред. д.ю.н., проф. В.Л. Кудрявцева. – Челябинск: филиал МПГУ, Изд-во “РЕКПОЛ”, 2010. –С.204

5.7. Панькина И.Ю. Перспективы альтернативного способа разрешения уголовно-процессуального конфликта // Актуальные проблемы совершенствования законодательства, правоприменения и правовых теорий в России и за рубежом: Материалы Второй Международной научно-практической конференции (3 декабря 2009 г.) / Под общ. ред. д.ю.н., проф. В.Л. Кудрявцева. – Челябинск: «Изд-во Рекпол», 2010.

5.8. Кузьмина О. В. Правовые системы Республики Таджикистан и стран СНГ: состояние и проблемы. Материалы Международной научно-практической конференции, посвященной заслуженному юристу Республики Таджикистан, выдающемуся ученому,

доктору юридических наук, профессору Ш. Менглиеву (Душанбе, 23 октября 2015 г.). – Душанбе: РТСУ, 2015.

5.9. Абшилава Г.В. Особенности предварительного расследования по уголовным делам, по которым было заключено досудебное соглашение о сотрудничестве //Актуальные проблемы совершенствования законодательства, правоприменения и правовых теорий в России и за рубежом: Материалы Второй Международной научно-практической конференции (3 декабря 2009 г.) / Под общ. ред. д.ю.н., проф. В.Л. Кудрявцева. – Челябинск: «Изд-во Рекпол», 2010.

5.10. Просвирин Ю. Г. Актуальные проблемы теории права, государства и судебной власти в условиях информатизации: // Российский судья. – 2012. - № 8.

5.11. Кокотова Е. И. Информационные технологии и судебный процесс в правовой науке XXI века //Администратор суда. – 2007. - № 3.

5.12. Зажицкий В. И. О направлениях совершенствования Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации //Государство и право. – 2004. - №6,

5.13. Просвирин Ю. Г. Актуальные проблемы теории права, государства и судебной власти в условиях информатизации / Российский судья. - 2012. - № 8

**Диссертацияга иловалар
1-илова**

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида**

1) 27-модданинг учинчи қисми қуйидаги қўшимча билан тўлдирилсин:

“Процесснинг исталган пайтида илтимосномани билдириш ва шикоят бериш мумкин. Улар оғзаки, ёзма ҳамда электрон шаклда, яъни ҳал қилувчининг электрон ресурсига бевосита юбориш орқали амалга оширилиши мумкин”

(диссертациянинг 3-боби, 2-параграфида батофсилизоҳланган)

2) 324-модданинг биринчи қисми матнига қуйидаги қўшимча киритилсин:

“Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма сўзидан кейинги “ёки” сўзи чиқарилиб, ундан сўнг “**оғзаки ёки электрон шаклда бўлиши мумкин**”. “Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим” деган сўзларидан сўнг, “Электрон шаклдаги ариза электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ва тегишли тартибда электрон ресурс воситасида юборилиши зарур” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

(диссертациянинг 3-боби, 2-параграфида батофсилизоҳланган)

3) 326-модда матнидаги “...хабарлар” сўзидан кейин, “хизмат ҳати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма, радиограмма ёки электрон мурожаат шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги хужжатларни, **шунингдек уларни электрон шаклида** илова қилиб юбориши мумкин” деган жумлалар билан тўлдирилсин.

(диссертациянинг 3-боби, 2-параграфида батофсилизоҳланган)

4) 327-модданинг биринчи қисмидаги “...лекин эълон қилинмаган ҳатлардаги хабарлар...” жумласидан кейинги матн “ҳамда ижтимоий тармоқларда намойиш этилган тасвиirlар** жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади” жумлasi билан тўлдирилсин.**

(диссертациянинг 3-боби, 2-параграфида батофсилизоҳланган)

5) ЖПКнинг 329-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:
“...ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтуб ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўtkазиш, тафтиш тайинлаш сўзларидан кейин “**мурдаги эксгумация қилиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш**” сўзлари билан тўлдирилсин.

(диссертациянинг 2-боби, 1-параграфида батофсилизоҳланган)

6) ЖПКнинг 330-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги мазмунда тўлдирилсин.

“Жиноятга оид ариза (хабар)ни кўриб чиқиши натижаси билан жиноят иши қўзғатишини рад этиш ҳақидаги қарорнинг барвақт, асоссиз ва мурожаатда кўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан туман (шаҳар) прокурори, шаҳар, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорилари ҳамда унга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фақатгина бир маротабагача (фақат Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан алоҳида ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Муқаддам бекор қилиш қарорида кўрсатилган ёки барвақт, асосиз ва мурожаатда кўрсатилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан иккинчи маротаба туман (шаҳар) прокурорлари, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилиниши мумкин эмас.” сўзлари билан тўлдирилсин.

(диссертациянинг 2-боби, 1-параграфида батафсил изоҳланган)

7) ЖПКнинг 335-моддасининг иккинчи қисмини қўйидаги мазмунда тўлдирилсин.

“Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) тегишлилигига кўра юбориш зудлик билан ҳал этилиб, беш кун муддатда тегишлилигига кўра юборилиши шарт.” Сўзлари билан тўлдирилсин.

(диссертациянинг 2-боби, 1-параграфида батафсил изоҳланган)

8) 351-модданинг биринчи қисми матни қўйидагича баён қилинсин:

“Дастлабки тергов муддати жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб **икки ойдан** ошмаган муддатда тамомланиши лозим”.

(диссертация ишининг 2-боби, 2-параграфида батафсил изоҳланган)

9) 351-модданинг тўртинчи қисми матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати терговчининг асослантирилган илтимосномасига мувофиқ:

ишнинг мураккаблиги туфайли туман, шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан мақсадга мувофиқ муддатга, аммо уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга;

ишнинг алоҳида мураккаблиги ёхуд жиноят иши материалларини жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун чет давлатга юбориш ҳақидаги масалани ҳал қилиш юзасидан қарор қабул қилиш зарурияти туфайли Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ўринбосарлари розилиги билан оқилона муддатда, яъни беш ойдан ортиқ бўлмаган муддатга;

алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг ўта мурккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг розилиги билан етти ойгача узайтирилиши мумкин”.

10) 351-модданинг бешинчи қисми матнидаги “...прокурор томонидан...” сўзларидан кейин :“...мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб оқилона муддат, аммо бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат доирасида белгиланади...” жумласи билан тўлдирилсин.

(диссертация ишининг 2-боби, 2-параграфида батафсил изоҳланган)

11) Кодекс янги 351¹-модда билан тўлдирилсин.

351¹-модда. Прокурор ва суд томонидан жиноят ишларини юритиши муддатларини қисқартириш

Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари ҳақидаги қоидаларни таъминлаш мақсадида прокурор ва суд ишдаги ҳолатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қонунда ишни шу босқичда юритиш учун белгиланган муддатдан қисқароқ муддатни белгилаши мумкин. Ишни юритиш муддатини қисқартириш манфаатдор шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш натижасида ёки прокурор ва суднинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритишга оид прокурор ва суд томонидан ўрнатилган ҳар қандай муддатлар қонунда ишни шу босқичда юритиш учун ўрнатилган муддатдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди. Белгиланган муддат ишни юритиш учун зарур бўлган процессуал ҳаракатларни ёки процессуал қарорни кабул қилиш учун етарли бўлиши ҳамда шахснинг хукуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келмаслиги лозим.

Прокурор ва суд томонидан ўрнатилган муддат етарли асослар мавжуд бўлганда ишни юритиш учун қонунда ўрнатилган муддатдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ишни юритиш муддатларини қисқартириш ёки узайтириш жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси муддатини назарда тутмайди.

Суд шахсга нисбатан қамоқقا олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилишда бир вақтнинг ўзида ишни дастлабки терговда юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатини белгилаши мумкин. Бундай ҳолатда қамоқقا олиш эҳтиёт чорасининг муддати ишнинг қисқартирилган (кейинчалик узайтирилган) вақт ичida ҳал этилиши муддатига тенг бўлади.

(диссертация ишининг 2-боби, 2-параграфида батафсил изоҳланган)

12) 377-модданинг иккинчи қисми матнидаги “...уч сутка ичida аризачига хабар беради” жумласидан кейин, “агар илтимоснома электрон шаклда рўйҳатга олинган бўлса, тарафларнинг хохишига қараб қарор нусҳаси электрон шаклда юборилиши мумкин” деган жумла билан тўлдирилсин.

(диссертация ишининг 3-боби, 2-параграфида батафсил изоҳланган)

13) ЖПКга янги “Суд муҳокамасининг маҳсус тартиби” деб номланган янги боб киритилиши таклиф этилмоқда.

Айбини тан олиш хақидаги келишув институти бўйича судда ишни муҳокама қилиш тартибини назарда тутади.

14). ЖПКга янги 591¹-модда билан тўлдириш таклиф этилиб, модда номи “Айбланувчи айбига иқрор бўлганида суд томонидан жиноят ишини ҳал қилишнинг алоҳида тартиби” деб номлаб, қуидани назарда тутади:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига кўрсатилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган айбланувчи давлат айловчиси ва жабрланувчининг розилиги бўлган тақдирда ҳамда айби тўла, ҳар томонлама ва холисона исботланганда айбланувчи айбига иқрор бўлса, судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли.

Суд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, **суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида** қуидаги масалаларни ҳал қиласди:

- айбланувчинининг айбига иқрорлиги;
- қилмишидан ўта пушаймонлиги ва иқрорлиги хақконий ва тазъиқсиз бўлганлиги;
- айбига иқрор бўлиш асосида суд қарори қабул қилинса, айбланувчи ушбу иш юзасидан апелляция ва кассация тартибида шикоят бериш хукуқидан маҳрум бўлиши;
- айбланувчи келтирилган заарни қопланганлиги;

«Айбига икрорлик битими» илгари судланганлар, рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

15) ЖПКга янги **591²-модда** билан тўлдириш таклиф этилиб, модда номини “**Илтимосномани тақдим этиш тартиби**” деб номлаб, қуйидаги қоидалар киритиш таклиф этилди.

“Айбланувчининг айбига икрорлиги билан боғлиқ бўлган ишларни юритишда суд мажлисини ўтказмасдан туриб хукм чиқариш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчи, унинг ҳимоячиси прокурор орқали судга тақдим қиласди.

Илтимосномани:

1) жиноят иши тамомланиб, иш материаллари айбланувчига танишиб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 375-376 моддаларига асосан тақдим қилинганда;

2) жиноят иши суд томонидан ушбу Кодекснинг 585, 586-моддаларида белгиланган масалалар кўриб чиқилаётганда;

3) суд мажлисининг тайёрлов қисмида ушбу Кодекснинг 438-моддасига асосан илтимослар қилиш ва уларни ҳал қилишда судга мурожаат қилиши мумкин.

16) ЖПКга янги **591³-модда** билан тўлдириш таклиф этилиб, модда номини “**Хукм чиқариш шартлари**” деб номлаб, қуйидаги мазмунда, яъни:


“Айбланувчининг айбига икрорлиги билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича айбланувчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида иштирок этиши шарт.

Жазо содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта булмаган ва унча оғир булмаган жиноятлар учун моддада кўрсатилган энг оғир жазонинг teng ярмидан куп булмаган миқдорда тайинланиши мумкин;

Процессуал ҳаражатлар судланувчидан ундирилади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

III. Мирзиёев




2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг телеграмм расмий саҳифасида 2020 йил
апрель ойида ўтказилган ижтимоий сўров саволлари ва
унинг натижалари**

1. Жиноят процессида соддалаштирилган тартиб ҳақида биласизми?

Ха биламан. Бу вакт, ортиқча харажатларни тежаш, ишни мураккаб жараёндан оддийлашишига олиб келувчи жараёнга яқин. (+139 та овоз – 56 %)

Йўқ, бу ҳақда алоҳида юридик таъриф мавжуд эмас. (+110 та овоз – 45 %)



2. Жиноят процессида соддалаштирилган тартибга доир янги нормалар киритилишига муносабатингиз?

Бунга зарурат бор (156 та овоз – 71 %)


Шарт эмас. (19 та овоз – 8%)

Жиноят процесси босқичларининг амалдаги тартиби бўлишининг ўзи етарли. (50 та овоз – 22 %)

3. Жиноят процессида айбланувчи (судланувчи), унинг химоячиси, давлат айловчиси (прокурор) ҳамда судья иштирокида тузиладиган “Айбини тан олиш ҳақида битим” ҳақида хабарингиз борми?

Ха (+ 96 та овоз - 28%)


Йўқ (+250 та овоз – 72 %)



4. Жиноят процессидан терговга қадар текширув институтини тугатиб, фақат суриштирув босқичини ўзи қолдирилишига муносабатингиз қандай?

Ушбу босқичлардаги ваколатлар бир-бируни тақорлагани, якунига кўра ишни бир органдан бошқа органга ўтказилишидаги сансоларликларни олдини олишга хизмат қилади. Шу сабабли уни тугатиш мақсадга мувофиқ. (+170 киши – 46 %)


Терговга қадар текширув институти қолгани афзал. (+200 киши - 54 %)



5. Жиноят процессида видеокамера кўлланилиши шарт бўлган тергов ҳаракатларидан холис институтини тугатилиши бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ишини осонлаштиради деган фикрга муносабатингиз?

Тўғри фикр, қўшиламан (+210 киши - 63 %)


Нотўғри, холис институти барча процесс босқичларида бўлиши шарт (+122 киши – 37%)



6. “Терговчининг ёрдамчиси” лавозими жорий этилишига муносабатингиз?

**Бу терговчининг мураккаб ишлари учун ижобий самарага эга.
(+490 киши-78%)**

Бюджет маблағлари асоссиз сарфланади.(+137 киши - 22 %)




**7. Жиноят процесси структурасини ижтимоий хавфи
катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни
“протокол” шаклида юритиш билан тўлдириш
фикрига муносабатингиз?**

Ижобий (+190 киши – 52%)

Қаршиман (+118 киши – 32%)

Жавоб беришга қийналаман. (+57 киши – 16%)




**8. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир
бўлмаган жиноятлар бўйича алоҳида
(маслаҳатхонага) хонага кирмай туриб судьянинг ўз
жойида қарор қабул қилиш тўғрисидаги қоиданинг
ЖПКга киритилишига муносабатингиз?**

Ижобий (+210 киши – 53 %)

Қаршиман (+168 киши – 42%)

Жавоб беришга қийналаман. (+20 киши – 5%)



**9. Дастлабки тергов муддатини 3 ойдан 2 ойга
қисқартиришга муносабатингиз?**

Ижобий

Қаршиман

Жавоб беришга қийналаман.

З-илова.

**Жиноят ишлари бўйича соддалаштирилган тартибда иш юритишни таколмиллаштириш юзасидан
Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонуни**

Лойиха

№	Амалдаги тахрир	Таклиф этилаётган такрим	Асос
1.	Тўлдирилмоқда	63¹-БОБ. СУД МУҲОКАМАСИННИГ МАХСУС ТАРТИБИ.	“Айбини тан олиш ҳақида битим” институти соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг алоҳида тури жорий этишини тақозо қилмоқда. ЖПКга 63 ¹ -боб сифатида тўлдириш
2.	Тўлдирилмоқда	591 ¹ -модда. Айбланувчи айбига иқрор бўлганида суд томонидан жиноят ишини ҳал қилишнинг алоҳида тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига кўрсатилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган айбланувчи давлат айболовчиси ва жабрланувчининг розилиги бўлган тақдирда ҳамда айби тўла, ҳар томонлама ва холисона исботланганда айбланувчи айбига иқрор бўлса, судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳакли. Суд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида куйидаги масалаларни ҳал қиласи: айбланувчинининг айбига иқрорлиги, қилмишидан ўта пушаймонлиги ва иқрорлик тазъийиқсиз бўлаётганлиги; айбига иқрор бўлиш асосида суд қарори қабул қилинса, айбланувчи ушбу иш юзасидан апелляция ва кассация тартибда шикоят бериш хукуқидан маҳрум бўлиши; айбланувчи келтирилган зарарни қопланганлиги; «Айбига иқрорлик битими» илгари судланганлар, рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан	«Айбига иқрорлик битими»— судья билан айбланувчи ўртасида унга қўйилаётган айб бўйича келишиш йўли билан тайинланиши лозим бўлган жазо масаласини ҳал этишдир. Хорижий мамлакатларда, хусусан АҚШда «Айбига иқрорлик битими» мавжуд. Унда айбланувчи ўзига қўйилаётган айблов бўйича келишиш йўли билан ишни ҳал қиласи. «Айбига иқрор бўлиш» битими айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва айболовчи ўртасидаги барча келишмовчиликларни бартараф этади. Битим ўз ўзидан қасам олдига келтирилган судьяларнинг айбдор деб топиш ҳақидаги якуний қарорини ўрнини босади. «Айбига иқрорлик битими» ни тузишда суднинг роли шундан иборатки, у қонунийлик ва адолатни таъминлайди. Ушбу вазифани бажариш учун суд иккита алоҳида мажбуриятни амалга оширади. Биринчидан, суд адолатли натижа чиқиши учун бевосита ўзаро келишув жараёнида иштирок этади. Иккинчидан, судда «айбига иқрор бўлиш» иҳтиёрий, онгли бўлаётганлиги, келтирилган зарар қопланганлиги, айбланувчининг айби исботланган ёки исботланмаганлигидан қатъий назар жазога сазоворлигига шубҳа қолдирмаслиги керак.

		кўлланилмайди.	АҚШда «айбига иқор битими»ни тузиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда жабрланувчи асосий ролни ўйнайди. Прокурор айбланувчи билан шу масалада сўзлашишдан аввал жабрланувчи билан қатор масалаларни биргаликда ҳал қилиб олади. Прокурор ўзининг тажрибасидан келиб чиқиб, жабрланувчига айловнинг кучли ва кучсиз томонларини тушунтиради ҳамда процесснинг қанчалик даражада узок бўлиши мумкинлиги ҳақидаги аниқ тафсилотни маълум қиласди. Албатта, жабрланувчи хохласа, хохламаса прокурор билан айбланувчи ўртасида «айбига иқорорлик битими» тузилиши мумкин, лекин, кўпинча прокурорнинг бу борадаги фикри жабрланувчининг талаблари билан мос келади. Тайёрланган лойиҳага кўра, ушбу битимни тузиш учун прокурор ва ҳимоячининг иштироқини таъминлаш шарт.
3.	Тўлдирилмоқда	<p>591²-модда. Илтимосномани тақдим этиш тартиби</p> <p>Айбланувчининг айбига иқорорлиги билан боғлик бўлган ишларни юритишида суд мажлисини ўтказмасдан туриб хукм чиқариш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчи, унинг ҳимоячиси прокурор орқали судга тақдим этади.</p> <p>Илтимосномани:</p> <p>1) жиноят иши тамомланиб, иш материаллари айбланувчига танишиб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 375-376 моддаларига асосан тақдим қилинганда;</p> <p>2) жиноят иши суд томонидан ушбу Кодекснинг 585, 586-моддаларида белгиланган масалалар кўриб чиқилаётганда;</p>	<p>Айбига иқорорлик битими қўлланиладиган қўп мамлакатларда илтимосномалар жиноят процессининг айнан шу босқичида тақдим қилинади. Масалан, АҚШ, Италия, Испания, Германия, Россияда. Жумладан: Испания ЖПК сига кўра айбланувчи «айбига иқорорлик битими»ни тузиш учун дастлабки тергов якунланганидан сўнг (конформидад) ёинки, суд мухокамасининг тайёрлов кисмida мурожаат қилиши мумкин. «Айбига иқорорлик битими» тўғрисида Россия олимлари ҳам қўп фикрларни билдирганлар. Масалан: Лазарева В. Теория и практика судебной защиты в уголовном процессе. –Самара: 2000. –Б. 184-202; Тейман Стивен. Сделки о признании вины или сокращенные формы судопроизводства: по какому пути пойдёт Россия?. // Российская юстиция. -1998. № 10-11; Морозова И., Анненков А., Дадонов С. Сделка о признании вины как вариант мировового соглашения. // Российская юстиция. -2000. -№ 10; Петрухин И. Сделки о признании вины чужды Российскому менталитету. // Российская юстиция. -2001. -№ 5.</p>

		<p>3) суд мажлисининг тайёрлов қисмида ушбу Кодекснинг 438-моддасига асосан илтимослар қилиш ва уларни ҳал қилишда судга мурожаат қилиши мумкин.</p>	<p>«Айбига иқрорлик битими» турли мамлакатларда турлича ҳал қилинади. Масалан, Будапештда бўлиб ўтган халқаро конференцияда немис профессори Ханс-Ханер Кюне Германияда адвокатлар айниқса, мураккаб ишларни кўришда судда раислик этувчига «Бу жудаям узоқ вақт давом этадиган суд иши балким, бу иш суднинг бир эмас бир неча йил вақтини олар, агар химоям остидаги шахсни розилигини олсан, факатгина 2-3 та гувоҳни чакиртириб, ишни бир кун ичида ҳал қилиб қўя қолсак. Бундай ҳолатда химоям остидаги шахсга нисбатан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш масаласига келишиб олсан, адолатли бўлар эди» деб мурожаат қилишлари одат тусига кирганига анча бўлди деб таъкидлаб ўтган. 1988 йили қабул қилинган Италия ЖПКда содир этилган жиноят учун 3 йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган бўлса, ҳамда, тарафларнинг жазо масаласини ўзини ҳал қилишни сўраб ёзган аризалари бўлса, суд тергови олиб борилмаслиги қайд этилган.</p>
4.	Тўлдирилмоқда	<p>591³-модда. Ҳукм чиқариш шартлари</p> <p>Айбланувчининг айбига иқрорлиги билан боғлик бўлган жиноят ишлари бўйича айбланувчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида иштирок этиши шарт.</p> <p>Жазо содир этилган жиноят учун Ўз. Р. ЖК нинг Махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта булмаган ва унча оғир булмаган жиноятлар учун моддада кўрсатилган энг оғир жазонинг teng ярмидан куп булмаган микдорда тайинланиши мумкин;</p> <p>Процессуал ҳаражатлар судланувчидан ундирилади.</p>	<p>АҚШда суд ўз қарорини қабул қилишда Конституция, жиноят процессининг Федерал қоидалари, апелляция судларининг илгариги қарорларига таянади. Судья «АҚШ нинг федерал судъяси эслатмаси»дан раҳбарий хужжат сифатида фойдаланади. Бу эслатмада, «айбига иқрор бўлиш битими» нинг намунавий шакллари берилган. Битим тузилиш жараёнида судья айбланувчига агарда битим тузилса, ундан кейин прокурор айбланувчи учун енгилроқ жазо тайинлашни сўраб мурожаат қилса, прокурорнинг талабини бажармаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Ҳар қандай талаб бўлишидан қатъий назар, судья мустақил равишда жазони ўзи тайинлаши мумкинлигини тушунтиради.</p>

		<p>Россия Федерацияси ЖПКга 40-боб сифатида янги институт киритилган, уннинг мазмуни шундан иборатки, судланувчи айбига иқор бўлса, бунинг эвазига камроқ жазо олиши мумкин. Истимоснома жиноят ишини судда қўриш учун тайёрлов қисмида ва албатта ҳимоячини иштирокида амалга оширилиши керак. Агарда ушбу ҳолда прокурор рози бўлса, судья судланувчини содир этган жинояти учун жиноят кодексида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг энг кўп микдоридан учдан икки қисмини белгилаши мумкин. Таклиф қилинаётган лойиха бўйича айбига иқорорликда ҳимоячини иштироки эхтиёрий, лекин прокурорнинг иштирок этиши шарт. Тайинланадиган жазо белгиланган жазонинг teng ярмидан ошмаслиги керак</p>
--	--	---

4-илова

МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг қонунчилик тажрибасида суриштирув муддатлари ва суриштирув органлари томонидан судга қадар иш юритувни “протокол шакли” қўлланиладиган давлатлар бўйича қиёсий жадвал:

№	МДҲга аъзо мамлакатлар	Суриштирувни тамомлаш муддати	Суриштирув тамомлаш муддатининг кўшимча узайтириш муддати ва ваоқлати	Суриштирувга тегишли бўлган жиноятлар таснифи бўйича ЖҚдаги моддалар сони	Судгача бўлган босқичда қандай соддалаштирилган шакл мавжуд.	Судгача бўлган босқичда протокол (баённома) шаклда юритиш
1.	Ўзбекистон Республикаси	30 куни	Назоратни таъминловчи прокурор томонидан 20 кунгача узайтирилади.	Жиноятнинг 85 та (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг айримлари) тури бўйича суриштирув ўtkaziladi.	Дастлабки терговнинг соддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якунни билан айлов даролатномаси тузади.	Мавжуд эмас.
2.	Россия Федерацияси	15 кун	Назоратни таъминловчи прокурор томонидан 20 кунгача узайтирилади.	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади	Дастлабки терговнинг соддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якунни билан айлов акти тузади.	Мавжуд эмас.
3.	Украина	Суриштирув мавжуд эмас. Терговчи ва прокурорнинг	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Мавжуд эмас.

		ўзи фақат тергов олиб боради.				
4.	Беларусь Республикаси			Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади	Дастлабки терговнинг соддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якунни билан айлов акти тузади.	Мавжуд эмас.
5.	Қозоғистон Республикаси	1 ой	Ишнинг фактик холатига қараб 3 ойгача прокурор узайтириши мумкин	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади	Дастлабки терговнинг соддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якунни билан айлов акти тузади.	Протокол шаклда ишларни юритиш мавжуд. 68 та жиноятлар бўйича шу тартибда ишлар юритилади.
6.	Азарбайжон Республикаси	10 кун	Узайтирилмайди.	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади	Дастлабки терговнинг соддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якунни билан айлов акти тузади	-
7.	Арманистон Республикаси	Суриштирув мавжуд эмас. Терговчи ва прокурорнинг ўзи фақат тергов олиб боради.	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Мавжуд эмас.
8.	Қирғизистон Республикаси	20 кун	Узайтирилмайди.	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир	Дастлабки терговнинг соддалаштирилган суриштирув шакли	Мавжуд эмас.

				<p>бўлмаган жиноятлар тергов қилинади</p> <p>26 та жиноят тури бўйича суриштирув ўтказилади.</p>	<p>мавжуд. Якуни билан айблов акти тузади</p>	
9.	Тоҷикистон Республикаси	15 кун	Ишнинг фактик холатига қараб 15 кунгача узайтирилади.	<p>Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади</p> <p>26 та жиноят тури бўйича суриштирув ўтказилади.</p>	<p>Дастлабки терговнинг саддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якуни билан айблов акти тузади</p>	Мавжуд эмас.
10.	Туркманистон Республикаси	1 ой	Ишнинг фактик холатига қараб 1 ойгача узайтирилади.	<p>Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тергов қилинади</p> <p>28 та жиноят тури бўйича суриштирув ўтказилади.</p>	<p>Дастлабки терговнинг саддалаштирилган суриштирув шакли мавжуд. Якуни билан айблов акти тузади</p>	Мавжуд эмас.
11.	Грузия	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас	Суриштирув мавжуд эмас

12	Молдова Республикаси	Суриштирув мавжуд эмас				
----	----------------------	------------------------	------------------------	------------------------	------------------------	------------------------

5-илова.

МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг қонунчилигига дастлабки тергов муддатлари акс эттирилиши бўйича қиёсий жадвал:

№	МДҲга аъзо мамлакатлар	Дастлабки терговни тамомлаш муддати	Дастлабки тергов қўшимча узайтириш муддати ва ваколати	Муддат узайтиришга ваколатга эга шахслар
1.	Ўзбекистон Республикаси	3 ой	- Қорақалпогистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан-5ойгача; - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан-7 ойгача;	Прокурор
2.	Россия Федерацияси	2 ой	18 ой	Суд

3.	Украина	2 ой	18 ой	Суд
4.	Беларусь Республикаси	2 ой	18 ой	Прокурор, Тергов құмитаси ва Давлат хавфсизлик құмитаси раислари
5.	Қозогистон Республикаси	2 ой	18 ой	Суд
6.	Азарбайжон Республикаси	<ul style="list-style-type: none"> - Унча оғир бўлмаган жиноят учун 2 ой; - Оғир ва ўта оғир жиноят учун 3 ой. 	<p>Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун – 3 ой</p> <p>Унча оғир бўлмаган жиноят учун – 6 ой</p> <p>Оғир жиноят учун – 9 ой</p> <p>Ўта оғир жиноят учун – 12 ой</p>	Суд
7.	Арманистон Республикаси	2 ой	12 ой	Суд
8.	Қирғизистон Республикаси	2 ой	12 ой	Суд
9.	Тожикистон Республикаси	2 ой	18 ой + 30 сутка	Суд
10.	Туркманистон Республикаси	2 ой	18 ой	Прокурор
11.	Грузия	60 кун	9 ой	Суд
12	Молдова Республикаси	30 кун	12 ой	Суд

6-илова

**Айрим хорижий давлатлар тажрибасида «айбини тан олиш хақижаги келишув»нинг
институтининг ўзига хос томонлари юзасидан
ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ:**

№	МДҲ давлати номи	Келишув институти мавжудлиги	Ўзига хос хусусиятлари	Изоҳ
1	Ўзбекистон Республикаси	Мавжуд эмас.	-	Диссертация ишида 3-иловасида бу бордаги ишларни судда кўриб чиқиши бўйича ЖПКга янги киритилиши бўйича лойиҳа келтирилган.
2	Россия федерацияси	“Ҳамкорлик тўғрисида суд олди келишуви” ЖПКнинг 317 ¹ -317 ⁹ -моддалари	29 июнь 2009 йилдан Россия Федерациясининг ЖПКга жорий этилган “Ҳамкорлик тўғрисидаги суд олди келишуви” тартиби икки босқичдан иборат: 1) келишув тўғрисидаги гумон қилинувчининг, айланувчининг ва ҳимоячининг прокурорга йўлланган илтимосномаси аввал терговчига юборилади ва у томонидан ҳал қилинади; 2) терговчи гумон қилинувчининг, айланувчининг, ҳимоячининг келишув тўғрисидаги илтимосномасини асосли деб ҳисобласа, терговчи ўз номидан илтимосномани прокурорга ҳал этиш учун юборади. Шундан кейин келишув жараёни ҳаракатга келади. Мазкур процессуал шакл қўйидаги шартларга асосланган: а) келишув борасида гумон қилинувчининг, айланувчининг келишув тўғрисидаги ихтиёрининг ҳамда бунга прокурор розилигининг мавжудлиги (ЖПКнинг 317 ¹ -моддаси биринчи қисми); б) гумон қилинувчининг, айланувчининг келишув натижасида ўз зиммасига оладиган мажбуриятнинг аниқ бўлишлиги (ЖПКнинг 317 ¹ -моддаси биринчи қисми); в) келишув жиноят ишини қўзғатиш вақтидан дастлабки терговнинг якунланишига қадар амалга оширилиши мумкинлиги (ЖПКнинг 317 ¹ -моддаси иккинчи қисми); г) келишув ёзма	

			равища тузилиб, унда гумон қилинувчи, айланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятнинг мазмуни аниқ ифода эталиши лозим (ЖПКнинг 317 ³ -моддаси иккинчи қисми 6-банди; шу модданинг 2.1 қисми); д) келишув муносабатлари прокурор, терговчи, гумон қилинувчи, айланувчи ва химоячи ўртасида кечади (ЖПКнинг 317 ³ -моддаси биринчи қисми); е) келишувга прокурор ўзгартериш киритиш ёхуд уни бекор қилиш хукуқига эга (ЖПКнинг 317 ⁴ -моддаси бешинчи қисми); ж) келишувнинг чегаралари ўрнатилган эмас;	
3	Украина	“Айбига иқрорлик тўғрисида келишув” ЖПКнинг 468-476-моддалари	Айбига иқрорлик тўғрисидаги сулҳ факат айланувчи ва прокурор ўртасида “оммавий” айлов шаклида юритилдиган барча ишлар бўйича тузилиши мумкин. Аммо бундай ишларни юритишнинг чегараси ўрнатилган бўлиб, сулҳ тузиш учун жабрланувчининг розилиги зарур (ЖПКнинг 469-моддаси).	
4	Беларусь Республикаси	Мавжуд эмас	-	-
5	Қозоғистон Республикаси	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича – айбига иқрорлик тўғрисида сулҳ тузилади. Оғир жиноятлар бўйича – “ҳамкорлик тўғрисида келишув” тузилади. ЖПКнинг 612-621-моддалари	Қозоғистон қонунчилиги эса “сулҳ” тузища қўйидаги шартларни назарда тутади: 1) сулҳ икки асосдан: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун – “айбига иқрорлик тўғрисидаги сулҳ”, б) ижтимоий хавфидан қатъий назар “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” шакларида тузилиши мумкин; 2) сулҳ нафақат айланувчи ва маҳкум билан, балки гумон қилинувчи билан ҳам тузилиши мумкин; 3) сулҳни тузиш масалалси гумон қилинувчи, айланувчи ва прокурор томонидан қўйилиши мумкин (ЖПКнинг 615-моддаси); г) гумон қилинувчи , айланувчи нафақат гумонни ёки айловни , балки жиноят оқибатида етказилган зиённинг келиб чиқши хусусиятларини ва миқдорини ҳам инкор этмаслиги лозим (ЖПКнинг 613-моддаси); д) бунинг учун гумон қилинувчи , айланувчи (маҳкум) жиноятни содир этилишида шитирок этган жиноий гурӯҳ ёхуд террорчи гурӯҳлар аъзоларининг ёки уни ташкилотчиларининг айбини фоши этиши учун дастлабки тергов органларига фаол ёрдам берини зарур (ЖПКнинг 612-	

			<p>моддаси); е) сулҳинг тузилиши учун жабрланувчи розилик билдириши зарур (ЖПКнинг 613 ва 615-моддалари); ж) айбга иқорорлик сулҳи дастлабки тергов босқичида ёки маҳкум билан суд муҳокамасидан сўнг, аммо суд ҳукмини ижро этилишига қадар вақт ичida тузилади (ЖПКнинг 618-моддаси); з) сулҳ ёзма шаклда тузилиши лозим (ЖПКнинг 616-моддаси); и) сулҳни тузишни чегаралари ўрнатилган (жисмоний лаёқатга эга бўлмаган шахслар билан сулҳ тузши ман этилади (ЖПКнинг 612-моддаси); и) сулҳни тузии муносабатларида тарафлар сифатида – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки маҳкум, уларнинг ҳимоячилари ва вакиллари, жабрланувчилар ҳамда прокурор иштирок этадилар (ЖПКнинг 216-моддаси); Қозогистон ЖПК булардан ташқари, прокурор шахснинг “сулҳ” тузишга ҳақли эканлигини, айбланувчи томонидан айбга иқорорликни ўз ихтиёри билан амалга оширирганлигини текшириши лозим.</p>	
6	Азарбайжон Республикаси	Мавжуд эмас	-	-
7	Арманистон Республикаси	Мавжуд эмас	-	-
8	Қирғизистон Республикаси	ЖПКнинг 280-286-моддалари	Қозогистон тажрибасига яқин.	-
9	Тоҷикистон Республикаси	Мавжуд эмас	-	-
10	Туркманистон Республикаси	Мавжуд эмас	-	-
11	Грузия	“Айбга иқорорлик тўғрисида сулҳ”	Грузиянинг соҳа қонунида “айбга иқорорлик тўғрисида сулҳ” муносабатларининг вужудга келиши учун зарур бўлган шартлар ва асослар қуидагилардан иборат: 1) сулҳ икки шартда тузилиши мумкин, а) айбга иқорорлик, б) жазони	

		ЖПКнинг 218-моддаси	камайтириши шарти асосида; 2) айбланувчи (ёки маҳкум) жиноятни содир этилишида иштирок этган ёки уни ташкил қилган шахсларнинг айбини фоши этишига фаол ёрдам берииши зарур; 3) айбга иқорорлик тўғрисидаги сулҳ дастлабки тергов босқичида ёки суд муҳокамасидан сўнг ёзма шаклда тузилиши мумкин; 4) сулҳ тузишни чегаралари ўрнатилган - ўта оғир жиноятларнинг айрим тоифаларини содир этишида айбланаётган шахслар билан сулҳ тузши ман этилади; 5) сулҳнинг тарафлари сифатида фақат айбланувчи ёки маҳкум, уларнинг ҳимоячилари ва вакиллари ҳамда Грузиянинг Бош прокурори иштирок этишилари мумкин (ЖПКнинг 218-модда); Грузия қонунида мамлакат Бош прокурори айбланувчи билан сулҳ тузишдан олдин содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфини, жамиятнинг манфаатларини, айбланувчининг жиноятни содир этишдаги иштироки, унинг бошқа шахсларнинг жиноятларини фош этишига берадиган кўмаги даражасини эътиборга олиши лозим (ЖПКнинг 218-моддаси учинчи қисми).	
12	Молдова	“Айбига иқорорлик сулҳи” ЖПКнинг 505-509- моддалари	Молдова қонунчилиги ҳам сулҳ тузишнинг предметини: а) айбланувчи ўз айбига иқорорлик билдириши лозим; б) жазо миқдорини камайтириши вадасининг берилиши; в) айбга иқорорлик сулҳи фақат дастлабки тергов босқичида тузилиши мумкин; г) сулҳи фақат ёзма равишда тузилиши мумкин; д) сулҳни тузишни чегаралари ўрнатилган эмас; е) ишни назорат қилувчи прокурор ҳамда айбланувчи унинг ҳимоячиси ва вакили сулҳнинг тарафлари сифатида иштирок этадилар (ЖПКнинг 504-модда); Молдова прокурорлари эса жиноят ишини тезликда ҳал қилиниши билан боғлиқ жамоат манфаатларини ҳам инобатга олишлари зарур (ЖПКнинг 505-моддаси 1-қисми 7-банди)	
13	Латвия	Мавжуд эмас	-	-

14	Литва	ЖПКнинг 210-моддаси	Бу мазмунан ишларни “айбга иқрорлик тұғрисидаги келишув” асосида юритиш тартибига яқин. ЖПКнинг 364-моддаси айбланувчи ўз айбига иқрорлик билдирган, жиноят ишининг барча холатлари аниқ бўлганда, прокурор ўз ташаббуси билан ёки терговчининг илтимосномасига биноан ишни соддалаштирилган тартибда юритиши мумкин	
15	Эстония	“Ишларни қисқартирилган тартибда юритиши”	Литва қонунчилиги тажрибасига ўхшашиб	-

